

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Р.М. КАРИМОВА

**МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИ –
МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ АСОСИ**

Монография

Toshkent
«Tamaddun»
2022

УЎК 32(575.1)
КБК 66.35(5Ў)
К 23

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Навоий давлат педагогика институтининг 2022 йил «2» февралдаги №6-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:

Н.Э. Муҳаммадиев – фалсафа фанлари номзоди, профессор

Т а қ р и з ч и л а р:

Х.Ф. Хайдаров – фалсафа фанлари доктори, профессор

А.Х. Қандахаров – тарих фанлари номзоди, доцент

Каримова Р.М.

Мустақиллик фалсафаси – миллий тараққиётининг ғоявий-мафкуравий асоси. Монография. – Навоий: НавДПИ, 2022 – 160 бет.

ISBN 978-9943-8418-4-0

Монографияда мустақил мамлакатимизнинг миллий тикланиш даврида мустақиллик фалсафасининг вужудга келиши, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, қонун ва категориялари, метод ва принциплари, функциялари тадқиқ қилинган бўлиб, миллий юксалиш даврида унинг илмий-амалий билиш соҳаси сифатида ёшларнинг илмий фалсафий дунёқарашини шакллантиришни янги босқичга кўтаришнинг ижтимоий фалсафий масалалари ёритилган.

Монография илмий тадқиқотчилар, олий ва профессионал таълим профессор-ўқитувчилари, талабалари ва бошқа китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-8418-4-0

© Р.М. Каримова, 2022
© "Tamaddun", 2022

КИРИШ

XXI асрга келиб жаҳонда шиддатли тарзда кечаётган глобаллашув жараёнлари ҳар бир мустақил мамлакат ўзининг табиий ресурслардан, ишлаб чиқариш имкониятларидан, фуқароларининг жисмоний меҳнати ва интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш, саломатликларини бекам-кўст сақлаш асосида эркин ва фаровон ҳаёт кечириш сари интилишларини ўзида акс эттиришга кодир бўлган янгича мустақил фалсафий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришни тарихий зарурият сифатида кун тартибига қўйди.

Дунёда яшаётган ҳар бир кишиларнинг кўз ўнгида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларида мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлмоқда. Булар жумласига *техник ва технологик ишлаб чиқариш соҳасида* микопротеиндан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, намланган ҳаводан сув ҳосил қилиш, «аклли уй», «аклли тиббиёт», гидрополислар, учар автомобиллар, виртуаль борлик, лазер милтиқлари, геофизик қурооларнинг пайдо бўлганликларини; *сиёсий-ҳуқуқий соҳада* демократик тамойиллар асосида давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш; *маънавий-маданий соҳада* эса умуминсоний ва миллий кадриятларни уйғунлаштириш асосида дунё халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарор тараққиётга эришишни таъминлаш ва айни вақтда вайронкор ғоя ва бузғунчи мафкуралар тажаввуздан ёшларни асраш каби масалаларнинг оптимал илмий-амалий ечимини топиш ҳам долзарблигича сақланиб қолмоқда.

Ўзбек халқи озодликка эришгандан сўнг мустақилликни сақлаб қолиш ва уни келгуси авлодларга соғ-омон етказиб бе-

риш учун энг аввало мустақилликнинг ҳуқуқий асосларини яратиб давлат суверенитетининг дахлсизлигини таъминлади; иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнига хилма-хил мулкчиликни жорий этиш орқали иқтисодий мустақиллик шакллантирилди; миллий кадриятлар қайта тикланиши туфайли миллий истиқлол мафкураси яратилиб, унинг тамойилларини ҳаётда қўллаш асосида жамиятда тенглик, биродарлик, бағрикенглик, тинчлик, адолат ўрнатилиб маънавий-мафкуравий мустақиллик қарор топтирилди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг барча шакллари қарор топтириш ўз-ўзидан эмас, балки ўзбек халқининг ғанимларга қарши олиб борган тинимсиз кураши, машаққатли меҳнати, ёшларнинг шижоати туфайли амалга оширилди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов: «Биз озодликка қон тўкмасдан эришдик. Аммо бу – ҳақиқий мустақиллик курашсиз ва меҳнатсиз қўлга киритилди дегани эмас. Мустақилликни ҳимоя этиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолни эплаш ҳам зарур»¹, – деган эди. Мустақил мамлакатнинг ривожланишига ички ва ташқи таҳдидлар раҳна солишга уриндилар, бироқ уларга қарши мустақиллик фалсафасининг ғоявий-мафкуравий асоси бўлган *«ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш»* тамойили асосида иш олиб борилди. Натижада, жамиятда тинчлик сақлаб қолинди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлини иккита катта босқичга: биринчи 1991–2016 йилларни ўз ичига олган ҳолда, уни миллий тараққиётнинг қарор топиши, иккинчи 2017 йилдан бошлаб миллий тараққиётининг янги юксалиш босқичига ажратиш мумкин. Ана шу иккала босқични фалсафий жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда, янги юксалиш босқичида

¹ Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Унинг ўзи. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 3.

юз берадиган жараёнларнинг ўзига хос қонуниятларини очиб асосида мамлакат юксалиш босқичининг илмий фалсафий манзарасини яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, мамлакат миллий тараққиётининг илмий фалсафий манзараси яратилмас экан, олдимизга қўяётган улкан марраларни эгаллашда «хато»ларга йўл қўйишимиз эҳтимоли ҳам юқорилигича сақланиб қолаверади.

Мамлакатимизнинг мустақиллиги ҳақида ёзилган адабиётлар ва илмий тадқиқотларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А. Каримовнинг 1996–2015 йилларда нашр этилган 24 жилддан иборат бўлган асар ва «Юксак маънавият – енгилмас куч» (2008 й.), «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» (2011 й.), «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» (2015 й.) номли китоблари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз», «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз», «Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир», «Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади», «Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари», «Янги Ўзбекистон стратегияси» номли нутқ, маъруза тўпламларида, шунингдек ҳар йили қиладиган «Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси»да баён қилинган фалсафий-методологик аҳамиятга молик бўлган асарлари киради. Бу китобларда мустақилликнинг моҳияти, методологик аҳамияти, шакл ва турлари, уларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириб боришнинг зарурлиги кўрсатиб берилган. Масалан, бу хусусда И.А. Каримов: «Биз учун мустақиллик – Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун му-

носиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир»¹, – деган эди.

Иккинчи гуруҳга А. Азизхўжаевнинг «Чин ўзбек иши» номли китобида давлатчилик ва маънавият, мустақиллик учун курашлар, изтироблар, қувончлар, ўзликни англаш, Р. Қўчқоровнинг «Мустақиллик – ҳуқуқ, имконият, масъулият» номли рисоласида мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, И. Хўжамурадов ва И. Сувановнинг «Миллий ғоя ва ўзликни англаш» номли монографиясида мустақиллик ғоясининг ўзликни англашдаги роли, Н.Э. Муҳаммадиевнинг «Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафқураси» номли монографиясида эса мустақилликнинг шакллари, белгилари ва хусусиятлари, А. Мухтаровнинг «Ҳаракатлар стратегияси – мамлакатни ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий ва мафқуравий асослари: ижтимоий-фалсафий назария ва амалиёт» номли монографиясида Ҳаракатлар стратегиясининг мамлакатни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожлантиришдаги ўрни таҳлил қилинган ва ҳар томонлама ёритиб беришга ҳаракат қилинган².

Муаммонинг ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, мустақиллик фалсафасининг объекти, субъекти, шакллари, қонун ва категориялари, унинг жамиятни ривожлантиришдаги ўрни ижтимоий-фалсафий назария ва амалиёт сифатида махсус тадқиқ қилинмаган. Зеро, муаммонинг мамлакат миллий тараққиётининг юксалиш босқичидаги ўрни ва ролини ҳам тадқиқ этиш муҳимдир.

¹ Каримов И.А. Мустақиллигимиз боқий бўлсин// Унинг ўзи. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 283.

² Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Т.: «Ўзбекистон», 2011., Қўчқоров Р. Мустақиллик – ҳуқуқ, имконият, масъулият. – Тошкент: «Маънавият», 2015., Хўжамурадов И., Суванов И. Миллий ғоя ва ўзликни англаш. Монография. – Тошкент: «Чашма-принт», 2014, Муҳаммадиев Н.Э. Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафқураси. Монография. – Тошкент: ТошПТИ, 2018, Мухтаров А. «Ҳаракатлар стратегияси – мамлакатни ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий ва мафқуравий асослари: ижтимоий-фалсафий назария ва амалиёт» Монография. – Тошкент: «Фан ва технология», 2018.

Шу сабабли, монографияни ёзишдан **мақсад** – мустақиллик фалсафаси ижтимоий-фалсафий назария сифатида мамлакат миллий тараққиётини янги сифат юқори босқичга кўтаришнинг қонуниятларини ўрганиш ва унинг келгусидаги истиқболларини белгилаб беришнинг ғоявий-мафкуравий асоси эканлигини кўрсатиб беришдан иборат.

Мазкур заруриятни инобатга олган ҳолда бажарилган ушбу тадқиқотнинг назарий-методологик асоси этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» (2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармони), «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» (2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони), «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6109 Фармони)», «Таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ–4884 Қарори), «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040 қарори)», «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясипи ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» (2019 йил 8 апрелдаги Ф-5455-сонли Фармойиши) ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар олинган бўлиб, улар асосида мамлакат мустақиллигини таъминлаш ва ривожлантиришда мустақилликнинг бир томондан фалсафий ғоя, иккинчи томондан эса амалиёт услуги ва воқитаси эканлиги баён қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақиллик фалсафаси алоҳида фалсафий фан бўлишни даъво қилмайди. Бироқ, у фалсафий ғоя сифатида мустақилликнинг жамият ҳаётидаги ўрнини чуқурроқ, янада теранроқ англаб етиш, танланган йўлдан адашмасликни таъминловчи «фалсафий-маънавий қурол» вазифасини ўташи мумкинлиги билан характерланади.

Монографик тадқиқотни олиб бориш ва уни ёзишда профессор Н.Э. Муҳаммадиев ва бошқа олимларнинг китобларида баён қилинган фикрлардан бевосита ва билвосита фойдаланилган.

Монография мустақилликни фалсафий тушуниш ва тушунтириб бериш борасидаги барча билимларни қамраб ололмаслиги табиий. Шунинг учун у ҳақида билдирилган барча фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиламиз ҳамда ўз тақлифлари билан ўртоқлашган китобхонларга миннатдорчилик билдирамиз.

I БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ АСОСИ

Бугунги кунда жаҳонда глобаллашув жараёнлари шиддатли равишда кечиши, моддий ва маънавий бойликларни эгаллаш учун бўлаётган «цивилизациялашган» рақобатларнинг кундан кунга кучайиб бориши, ривожланган давлатларнинг ҳар турфа «иттифоқларга» бирлашиб ҳаракат қилиш жараёнларининг тобора қутублашиб бориш тенденцияларининг авж олаётганлиги эндигина қаддини ростлаб ривожланиб келаётган давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий мустақиллиги сақлаб қолиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бу эса мазкур мамлакатларда яшовчи барча халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатларини ўзида акс эттирувчи фалсафий дунёқарашларининг илмий-амалий асосларини, яъни мустақиллик фалсафасини яратиш, шакллантириш, ривожлантириш, уни халқ эътиқодига айлантириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Шунинг учун ҳам мазкур бобда мустақиллик фалсафасининг жамият ижтимоий-маънавий тараққиётидаги ўрни ҳар томонлама тадқиқ қилиб, унда мустақиллик фалсафаси ҳақида илмий-амалий аҳамиятга молик бўлган фалсафий фикрлар билдирилган.

1-§. Мустақиллик – мустақиллик фалсафасининг бош категорияси

1.1. «Мустақиллик» тушунчаси ва унинг фалсафий таърифи ва тавсифи. Объектив оламдаги барча ўсимлик олами ва ҳайвонот дунёси бир томондан мустақил тарзда, иккинчи томондан эса бир-бирларига боғлиқ ҳолда ривожланади. Бун-

дай мустақиллик ва ўзаро боғлиқлик умумфалсафий қонуният бўлиб, унинг мантиқий кўриниши инсоният оламида яққол кўзга ташланади. Дунёда инсон зоти борки, у ўзининг туғилган жойида, диёрида мустақил, эркин, осуда ҳаёт кечиришни истайди. Унинг бу истакларини амалга оширувчи асосий омил давлат, яъни ҳар қандай давлат эмас, балки миллий жиҳатдан мустақил бўлган демократик давлат ҳисобланади. Агар давлат бўлса-ю, аммо у мустақил бўлмаса, ҳар қандай миллатнинг, халқнинг эркинлиги, мустақил яшаши ҳам ҳаёл бўлиб қолаверади. Шундай экан, мустақиллик ҳар бир давлатнинг бош атрибути бўлиб, уни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш мустақиллик фалсафасининг асосий масаласи ҳисобланади. Зеро, мустақиллик бўлмаса, миллий давлат ҳам, унинг туб манфаатларини ифода этувчи, порлоқ келажак сари бошлаб боровчи миллий ғоя-мафкуравий ҳаёти ҳам бўлмайди.

Хўш, мустақиллик нима? Бу саволга жавоб топиш ҳамма вақт файласуф, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, иқтисодчи, тарихчи, мафкурарачи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Мустақиллик сўзи: «**Мустақил** [арабча – эркин, озод; тобе бўлмаган, алоҳида] – 1) ихтиёри ўзида бўлган; тобе, қарам бўлмаган; 2) ўзганинг ёрдамисиз ёки раҳбарлигисиз иш қила оладиган, ўзича фикр юрита оладиган, яшай оладиган; 3) фақат ўзига тааллуқли, ўзгалар иштирокисиз, таъсирисиз бўладиган»¹, – деган маъноларни билдиради. Шундан келиб чиққан ҳолда **мустақиллик деб – ҳар бир инсоннинг, миллатнинг, халқнинг, давлатнинг ўз моддий, маънавий бойликларига тўла ҳуқуқли қонуний соҳиб бўлиб, у ўз ихтиёри билан, бировларга тобе ва қарам бўлмасдан, ўзгаларнинг ёрдамисиз, раҳномаю раҳбарлигисиз иш қила олишига, фикр юритишига асосланган ҳолда ҳаёт кечиришдан иборат бўлган ижтимоий борлиғига айтилади.**

Демак, ҳар бир халқ учун мустақиллик *биринчидан*, ўзи яшаётган жой – ҳудуддаги моддий бойликларнинг ҳақиқий эгаси

¹ *Қаранг:* Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. II. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 652.

бўлиш; *иккинчидан*, ўзларини ўзгаларнинг раҳномалигисиз миллий қонунчилик асосида сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришни таъминлаш; *учинчидан*, ўзларининг маънавий-маданий борлигини ташкил этувчи миллий қадриятларнинг тўла қонли соҳиби бўлиш демакдир.

1.2. Тобелик-қарамлик тушунчаси ва унга хос бўлган хусусиятлар. Мустақиллик ҳақида фалсафий мушоҳада юритишда, шу нарсага алоҳида эътибор бериш керак-ки, дунёда мутлақ мустақиллик ҳам, мутлақ тобелик-қарамлик ҳам йўқ. Бу икки тушунча бир бирига ўзаро боғлиқ бўлиб, фақат тобеликка-қарамликка ёки мустақилликка эътибор қаратадиган одам йўлдан адашади. Чунки, мустақиллик ҳам, тобелик-қарамлик ҳам объектив олам-тирик табиатда бор нарса.

Хўш, тобелик-қарамлик нима? **Тобелик-қарамлик деб ихтиёри, эрки-ҳуқуқи ўзида бўлмаган, бошқаларга қарам, бўйсунувчи, ўзгалар ҳукми остида бўлган шахс, элат, миллат, халқ ва давлатларга айтилади.**

Тобеликка-қарамликка хос бўлган хусусиятларнинг моҳияти куйидагиларда:

- 1) ўзга давлатлар томонидан уруш қилиш орқали босиб олинган халқларнинг мустамлака давлатларга айлантирилганлигида;
- 2) мустамлака бўлган давлатлар аҳолисининг ўз ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум бўлганликларида;
- 3) ўзгалар томонидан моддий ва маънавий бойликларга эгаллик қилиб, уларни қолдирмасдан ташиб кетишларида;
- 4) мустамлака аҳолисидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланишида;
- 5) мустамлакаларда иқтисодий аҳвол ёмонлашиб, сиёсий вазият таранглашганда, уларга арзимас «илтифотлар» кўрсатиш орқали халқни тинчйтиш мақсадида ҳар хил сиёсий найрангларни ишга солиш кабиларни амалга оширишларида кўринади.

«Мустақиллик» ва «тобелик-қарамлик» тушунчаларига берилган таъриф ва тавсифлардан ҳам кўриниб турибдики, улар ўртасида мавжуд бўлган муносабатлардаги энг муҳим нарса,

улардан қайси бири юқорирок туришини англаб етишдир. Агар мамлакат мустақил бўлса, ундаги диалектик муносабатларда мустақиллик категорияси тобелик-қарамликдан юқори туриши керак. Чунки, мустақиллик мавҳум категория эмас, балки, аниқ мавжуд реалликни ўзида акс эттирувчи фалсафий категориядир.

1.3. «Мустақиллик» тушунчасининг объектив реалликнинг инъикоси сифатидаги мазмун ва моҳияти. Бугунги кунда «мустақиллик» тушунчаси ижтимоий фалсафа ва мустақиллик фалсафасига оид фанларнинг асосий категориялари тизимидан жой олмоқда. Чунки, мустақиллик тушунчаси бир томондан бутун тирик табиатга хос бўлган томонларни ўзида ифодалаши мумкинлигини инобатга оладиган бўлса, у ўзининг онтологик хусусиятга эга эканлигини, иккинчи томондан эса, фақат инсоният оламига хос бўлган жиҳатларни ўзида акс эттирадиган бўлса гносеологик табиатга эга эканлиги билан характерланади. Демак, «мустақиллик» тушунчаси ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра фалсафий категория ҳисобланади.

«Мустақиллик» тушунчасининг фалсафий категория сифатидаги моҳияти ҳар бир инсон, миллат, халқ ва давлат ҳаётида қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади: яъни, мустақиллик, *биринчидан*, унга эришмаган миллатлар ва халқлар учун ғоя, орзу-умид бўлиб, пировардида, унга эришиш учун кураш олиб боришлардан иборат бўлса; *иккинчидан*, тобе халқлар учун озодликка эришишида мустақиллик – стратегия бўлса, қарамлик – бу тактикадир; *учинчидан*, оғир азоб-укубат, камситилиш, таҳқирланишларни, мутелик ва қарамликни, қулликни енгиб, озодликка эришган халқ учун реаллик, бахт-саодат ва ана шу бахтни қўлдан чиқармаслик учун амалга оширилаётган самарали ижодий меҳнатдан иборатдир. Зеро, мустақилликнинг ҳақиқий моҳияти ана шу тушунчаларни англаб етишда!

Шундай экан, *«Биз учун мустақиллик – энг аввало ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишта-*

ликни, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру-оқибатни қарор топтиришидир.

Биз учун мустақиллик – Оллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгаллик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришидир.

Биз учун истиқлол – миллатимиз, мамлакатимизнинг жашонда обрў-эътибори, шон-шавкати кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришидир. Ҳар бир фуқаромиз учун – миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар – эркинлик, тенглик, биродарлик учун муносиб шароит яратиб беришидир.

Биз учун истиқлол – давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагамизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашидир»¹.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқи:

– Чор Россияси ва шўро империяси доиралари истибдодидан озод бўлиб, уларга бўлган қарамлик, тобелик, мутелик занжирларидан қутулиб, ўзининг ҳақиқий она-Ватани – Ўзбекистонга, унинг жамики ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлди;

– «улуғ оғачилик» исканжасидан қутулиб, ўзининг она тили – ўзбек тилига, давлат тили мақомини берди ва уни ҳар томонлама ривожлантириб, унинг овозини жаҳон халқларига етказишга эришди;

– шахснинг, унинг миллий ғурури, онги, ва ҳаётини бадном қилувчи сирти ялтироқ, ичи қалтироқ «хуқуқ»лардан холи бўлиб, озод Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир катта-кичик фуқаронинг хуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи Асосий қонун - Конституцияга эга бўлди;

¹ Каримов И.А. Мустақиллигимиз боқий бўлсин // Унинг ўзи. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 283–284.

– миллий давлатчилигини инкор этишдан, халқни давлатга раҳбарлик қилиш ишларига аралаштирмаслик касалликларидан бағамом қутулиб, ўзининг ҳақиқий миллий давлатчилигига, унга раҳбарлик қилувчи Президентига, давлат бошқарувида халқ ҳаётига мос келувчи тизимларига эришди;

– собиқ КПССнинг ўта даҳрий сиёсатини рад этиб, ўзининг ҳақиқий маърифий исломий динига эътиқод қилиш, унинг муқаддас китобларини ўз она тилларида ўқиш бахтига мушарраф бўлди;

– рус шовинизмининг қонли қатағон қиличи сиёсатидан озод бўлиб, ўзининг адолатли, меҳмондўст, меҳнатсевар халқ эканлигини жаҳонга кўрсата олиш, улуг аждодларининг номини қайта тиклаш, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, ўз тарихини ўзи битиш бахтини қўлга киритди;

– халқаро доираларда тенглар ичида тенг бўлиб, ўзлигини бутун дунёга танитиш ва тан олдириш ҳуқуқига эга бўлди;

– боқибеғамлик, боқимандалик балоларига чек қўйиб, она-Ватан равнақи йўлида тинмай меҳнат қилиш, ўзининг ақлий ва жисмоний салоҳияти билан, фан-техника ютуқдаридан халқни баҳраманд қилиш каби имкониятга эришди ва ҳ.к.¹.

1.4. «Мустақиллик» тушунчасининг фалсафий категория сифатидаги умумметодологик аҳамияти. Мустақиллик категориясининг умумметодологик аҳамияти шундаки, у миллат, халқ манфаатларидан келиб чиқиб, барча соҳаларга – ишлаб чиқариш, фан-техника, иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ, маънавият, маданият, турмуш тарзига ҳам озодлик ва ободлик руҳини берилади. Ва айни ана шу мустақиллик руҳи ҳар бир воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилади. Бу – мустақилликнинг қонуниятини бўлиб, ундан бошқача йўл бўлиши ҳам мумкин эмас. Бошқача йўл - бу яна озодликдан маҳрум бўлиш, тобелик, қуллик, мутелик, адолатсизлик сари босилган

¹ *Муҳаммадиев Н.Э.* Мустақиллик – миллий давлатчилик асоси. // ИИВ Академиясининг «Ҳуқуқ – Право – Law» чорақлик илмий-амалий журна-ли. 2001 йил № 01. – Б. 37, 38.

аянчли кадам бўлурди. Шундай экан, мустақиллик – ўзбек халқи учун яшаш ҳуқуқи, у ҳаёт-мамот масаласи. Бу ҳуқуқ фақат кураш, меҳнат қилиш, адолат ўрнатиш ва Ватан бахт-саодати ривожини мустаҳкамлашдир. Мустақилликнинг жамият ҳаётидаги туб моҳияти ва умумметодологик аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш.М. Мирзиёев**: *«Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, нафақат ишчисини, ҳатто шоиру олимини ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча таҳқирлаши, инсоний шаънини тупроққа қориши мумкин экан. Биз яқин тарихимизда кечган ана шундай аянчли воқеалар мисолида мустақиллигимизнинг аҳамияти ва моҳиятини, кадр-қимматини янада теран англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз шарт»¹*, – деган эди.

2-§. Мустақиллик фалсафасининг вужудга келиш сабаблари, унинг объекти ва предмети

2.1. Мустақиллик фалсафасининг пайдо бўлиш сабаблари. Ҳар бир нарса ва феноменнинг ўзига хос бўлган вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланиш сабаблари² мавжуд бўлади. Уларни объектив ва субъектив, ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган сабабларга ажратиш мумкин. Шунга кўра мустақиллик фалсафасининг вужудга келишини куйидаги сабабларга ажратиб тадқиқ қилиш мумкин.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* «Шундай ўлка доим бор бўлсин» // Унинг ўзи. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 344.

² Сабаб оламнинг ҳаракати ва бирон-бир вақт доирасида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодиса бўлса, оқибат эса ҳодисалар занжирида сабабнинг таъсиридан вужудга келадиган, янги ҳодиса ёки сабабнинг натижасидир.

Мустақиллик фалсафасининг вужудга келишидаги объектив сабаблар:

– етмиш йилдан ортиқроқ тарихий давр мобайнида ҳукмронлик қилган СССР давлатининг унда яшаётган элат, миллат ва халқларнинг эҳтиёж ва манфаатларига жавоб беролмасдан инқирозга учраши оқибатида парчаланиб кетиши;

– парчаланган «қизил империя» ўрнида ўн бешта мустақил давлатнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзига хос тараққиёт йўлини танлашлари;

– мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши ва унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва унга аъзо бўлган давлатлар томонидан халқаро ҳамжамиятнинг мустақил субъекти сифатида тан олинishi;

Мустақиллик фалсафаси фанининг вужудга келишидаги субъектив сабаблар:

– собиқ СССР даврида якка ҳукмрон бўлган марксча-ленинча фалсафий дунёқарашнинг барча халқларнинг ҳаётига зўрлаб сингдирилганлиги туфайли тезликда инқирозга учраши жараёнининг кескинлашуви;

– азалдан ўзбек халқининг турмуш ва тафаккур тарзига етти ёт бўлган марксча-ленинча фалсафий дунёқарашнинг мавжуд ҳаёт синовларига бардош беролмасдан таназзулга юз тутиши, шу тариқа унинг якка ҳукмронлик мавқеидан четлатилиб халқимиз ҳаётидан суриб чиқарилиши;

– жамиятни бошқаришда раҳнамоликни қўлга олиб ўзининг диктатурасини ўрнатган коммунистик партия фаолиятининг тўхтатилиши ва тарқатиб юборилиши;

– коммунистик партияга хизмат қилувчи барча ташкилот ва муассасалар (октябрят, пионер, комсомол ва бошқалар) фаолиятининг тўхтатилиши ва тугатилиши;

– марксча-ленинча фалсафий дунёқарашга асосланган коммунистик мафқурани кенг халқ оммасига тарғибот ва ташвиқот қилувчи оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига чек қўйилиши ва бошқалар.

Мустақиллик фалсафасининг вужудга келишидаги ички сабаблар:

– якка ҳукмрон бўлган марксча-ленинча фалсафага асосланган коммунистик мафқуранинг инқирозга учраши туфайли ўзбек халқининг маънавий ҳаётида ғоявий бўшлиқ¹ пайдо бўла бошлаши;

– вужудга келаётган ғоявий бўшлиқни янги мустақиллик фалсафасига асосланган миллий ғоя ва мафқура билан тўлғизмаса, унинг ўрнини бошқа ҳар хил ёмон мақсадларни кўзлаган ғоя ва мафқуралар эгаллаши, бунинг натижасида халқимизнинг ҳаётига маънавий таҳдид солиш хавфи кучайишининг олдини олиш;

– мустақил Ўзбекистонни ўзининг ватани деб билган барча элат, миллат, халқ вакиллари хар хил мафқуравий бузғунчиликлардан асраб, уларнинг тинч-тотув яшашларини кафолатлайдиган жамиятни барпо этишга хизмат қилувчи мустақиллик фалсафасига асосланган бунёдкор ғоя ва мафқуралар байроғи остида бирлаштириш ишларини амалга ошириш;

– ўзбек халқининг эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлайдиган жамиятни барпо этиш сари бошлаб борувчи янги мустақиллик фалсафаси тизимини яратиш;

– яратиладиган мустақиллик фалсафасининг миллий хусусиятларини умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш ишларини ташкиллаштиришнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш;

– мустақиллик фалсафасига асосланган миллий ғояга халқни ишонтириш ва уни амалга оширишнинг тактик ва стратегик йўналишларини белгилаб олиш заруратининг пайдо бўлганлигини ва бошқалар.

¹ *Ғоявий бўшлиқ* – бу жамиятнинг бир сифатий босқичдан иккинчи сифатий босқичга ўтаётган, яъни эски ҳукмрон мустақиллик ва қарамликнинг инқирозга учраб ҳаёт жаҳаларидан суриб ташланган, аммо унинг ўрни ҳали янги ғоявий-мафқуравий қарашлар, тамойиллар билан тўлдирилмаган бир давридир. Бу даврда ана шу вужудга келган ғоявий бўшлиқни тўлдириш учун кураш авж олади.

Мустақиллик фалсафасининг вужудга келишидаги ташқи сабаблар:

– ташқи томондаги ҳар хил фалсафий таълимотларга асосланган вайронкор ғоя ва мафқураларнинг асл мақсадларини билиш ва уларнинг хуружига қарши тура олувчи ўзбекона мустақиллик фалсафасининг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш;

– дунё халқларига ўзбек халқи мустақиллик фалсафасининг инсонпарварликка йўғрилган таълимот эканлигини илмий ва амалий жиҳатдан намойиш этиш ишларини амалга ошириш;

– хорижий давларда ўзларининг хизмат бурчини бажариш учун яшаётган, тижорат ишлари учун хориж сафарларига йўл олаётган ёки шунчаки саёҳат учун бораётган фуқароларимизнинг ўша жойларда мустақиллик фалсафасига асосланган миллий мафқурамизнинг асосий ғояларини тарғиб ва ташвиқ қилиш, унинг бунёдкорлик моҳиятини чет элларда намойиш қилишнинг энг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш;

– глобаллашув шароитида авж олаётган «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларига берилмасликнинг янгича маънавий ва моддий восита, усулларини яратиш ва бошқалар¹.

Тарихий нуқтаи назардан қараганда мустақиллик фалсафасининг биринчи тамал тоши 1990 йил июнь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон ССРнинг Мустақиллик декларацияси» ва ундан кейин 1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиши тўғрисида»ги, Қарори ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида Қонуни»га мувофиқ қўйилиб, илм-фан соҳаси мақомини олган ҳолда барча таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борила бошлади².

¹ Ушбу масалани тадқиқ қилишда Ж.Я. Яхшиликов ва Н.Э. Муҳаммадиевлар томонидан ёзилган «Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси» (Тошкент: Фан, 2017.) номли монографиясида илгари сурилган ишланмалардан фойдаланилган.

² Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 94 б.

2.2. Мустақиллик фалсафасининг объекти. Ҳар бир феноменнинг ўзига хос объекти ва унга мос келувчи предмети мавжуддир. Шунга кўра бирон бир феноменнинг *объектини* – кишиларнинг мақсади, фаолияти, диққат-эътибори қаратилган объектив борлиқ, моддий ва руҳий дунё, воқелик, мавжудот, воқеа, ҳодиса, жараён, шахс, нарса, буюм ва ҳоказолар, **предметини эса** ана шу объектлар ва уларни акс эттиришдан ҳосил бўлган билимларнинг мажмуи ва ўрганиладиган масалалар ташкил қилади.

Ҳар бир феноменни ўрганиш, энг аввало, унинг объектини ва предметини аниқлаб олишдан бошланади. Бу эса ўрганилаётган фаннинг бошқа фанлардан фарқини кўрсатади.

Умуман олганда мустақиллик фалсафаси – энг муҳим ижтимоий фанлар соҳаларига дахлдор бўлиб, у мустақилликка эришган ёки эришишга интилаётган кишилиқ жамиятига хос бўлган моддий ва маънавий ҳаёт жабҳаларини яхлит ижтимоий ҳодиса ва воқелик сифатида ўрганади.

Демак, бирон бир элат, миллат, халқ, жамият ва давлатларнинг *барча моддий ва маънавий ҳаётга тегишли нарса, ҳодиса ҳамда жараёнларнинг қандай тарзда кечаётганлиги мустақиллик фалсафаси фанининг объектини ташкил этади.*

2.3. Мустақиллик фалсафасининг предмети. Мустақиллик фалсафасининг объектига тегишли нарса, ҳодиса ва жараёнлар турлича бўлиб, улар *бир томондан:* турли хил фалсафий қарашларнинг келиб чиқиш ва ривожланиш қонуниятлари; бир фалсафий таълимот ўрнига бошқа бир фалсафий қарашларнинг вужудга келиши; янгича фалсафий қонун ва категориялар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш; янгича дунёқарашга асосланган маънавий-мафкуравий муносабатларни ўрнатиш ишларини ташкил этиш; мустақил давлатнинг ички ва ташқи сиёсати; жамоат ташкилотлари, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар билан муносабатлари; халқлар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатлар; *иккинчи томондан:* янгича фалсафий қарашларга асосланган таълимотнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши; дав-

лат, шахс, жамоалар ўртасида бўладиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий муносабатлар; фалсафий масъулият, фалсафий маданият, фалсафий тарбия; миллий онг, диалектик тафаккур ва ҳ.к.ни қамраб олади.

Мустақиллик фалсафасига оид ҳодисалар, жараёнлар хилма-хил ва кўп қирралидир. Шу сабабли, мустақиллик фалсафасини табиий, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг турли соҳаларида ўрганилади.

Мустақиллик фалсафаси шахс, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг мустақил ҳаёт кечиришига оид назарий муаммоларини ўрганади. Шу ўринда «**назария**» сўзининг маъноси нима, деган табиий савол туғилади. **Назария**¹ – *жамият тараққиёти қонуниятларини мужассамлаштирган амалиётнинг мантиқан илмий умумлаштирилишидир.*

Назария ва амалиёт – ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳодисалар. Назария бамисоли амалиётнинг йўлини ёритиб турувчи кучли маёқ бўлиб, амалиёт билан узвий боғланган, амалиётга хизмат қилади ҳамда амалиётдан келиб чиқади. *Амалиётсиз назария – «чўлоқ», назариясиз амалиёт «қўр»дир*².

Ижтимоий фанларнинг муҳим соҳаларидан бири бўлган мустақиллик фалсафаси амалиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, мамлакат мустақил миллий тараққиётининг йўналишларини белгилаб беради. У айни вақтда мустақил ҳаёт кечириш амалиёти хулосалари ва тажрибаларининг мантиқан умумлашмаси, синтезидир.

Мустақиллик фалсафаси тарихий тараққиёт жараёнида илгари сурган вазибалар негизда ўз хулоса ва таклифларига аниқликлар киритади, уларни бойитади ва ривожлантиради. Мустақиллик фалсафасининг ғоялари ҳар бир жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим кўрсаткичидир.

¹ «Назария» арабча сўз бўлиб, «таълимот», «қоидалар мажмуи», «умумлашма фикр», деган маъноларни англатади.

² *Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э.* Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Монография. – Т.: Фан, 2017. – Б. 00.

Мустақиллик фалсафаси – шахс, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг мустақил тарзда, ўзгаларга тобе, қарам бўлмасдан ҳаёт кечиришининг энг умумий қонунари ҳақидаги таълимот бўлиб, унинг предметини мустақилликнинг моҳияти, келиб чиқиши, ривожланиш принциплари ва қонуниятлари ҳақидаги билимлар ташкил этади.

Ҳар бир жамиятдаги демократик ўзгаришлар ва ислохотлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Бу жараёнларга жаҳон, давлат ва жамият тараққиёти талаблари, андозалари ва тамойиллари нуқтаи назаридан қараш зарур. Бу, *бир томондан*, Ўзбекистондаги ислохотларнинг йўналишлари ва мезонлари, кадриятлари ва мақсадларини аниқ белгилашга ёрдам берса, *иккинчи томондан*, мамлакатимизда мустақиллик қачон пайдо бўлган, қандай ривожланган, қайққа қараб кетаяпти, унинг ўзига хос жиҳатлари, ривожланишининг шакл ва кўринишлари қандай, мезонлари борми ёки дунёдаги мавжуд миллий ва умуминсоний мазмундаги ижтимоий-маънавий тараққиёт ўзанидан кетаяптими, деган саволларга жавоб топиш имконини беради. Ана шу муаммолар мустақиллик фалсафасининг асосий масалаларини ташкил этади.

Мустақиллик фалсафаси – шахс, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг мустақил ҳаёт кечиришларига тегишли ҳодиса ва жараёнларининг муҳим, зарурий, умумий томонларини ўрганган ҳолда жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини тушунтириб бериш, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий мақсадларини белгилаш ва мавжуд ижтимоий муносабатларни кишилар онги ва қалбига сингдириш йўли билан бошқариш механизмларини очиш, уларнинг ривожланиш истиқболларини кўрсатиб бериш билан шуғулланади. Шундай қилиб, мустақиллик фалсафасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Мустақиллик фалсафаси – ижтимоий ҳодиса бўлмиш шахс, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг мустақил ҳаёт кечиришининг келиб чиқиши, шаклланиши, ривожланиши, фаолият кўрсатишининг умумий қонуниятларини ўрганувчи назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган дунёқарашларнинг мантиқан умумлашган тизимидир.

3-§. Мустақиллик фалсафасининг қонун ва категориялари

3.1. Мустақиллик фалсафасининг қонунлари. Ҳар бир нарса, воқеликни ўрганувчи илм соҳасининг ўз қонунлари ва категориялари мавжуд бўлади. Мустақиллик фалсафасининг ҳам халқларнинг мустақил ҳаёт кечиришларига оид ҳодиса, воқеа, жараёнларни ўзида акс этирувчи, уларнинг туб моҳиятини ва аҳамиятини очиб берувчи қонунлари, категориялари мавжуд.

Мустақиллик фалсафаси фанининг қонунлари¹ деб, *шахс, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг мустақил ҳаёт кечириши учун мавжуд бўлган моддий ва маънавий ҳодисалар, жараёнларининг муҳим, зарурий, умумий, нисбатан барқарор бўлган, ривожланиш хусусияти ва йўналишларини белгилайдиган, аниқ бир натижаларни келтириб чиқаришга мойиллик тугдирадиган муносабатлар мажмуига айтилади.*

Мустақиллик фалсафасининг қонунлари бутун оламдаги мустақил ҳаёт кечиришга тегишли бўлган ҳодиса ва жараёнларнинг барчасини эмас, балки уларнинг ўзига хос томонларини акс эттиради. Буларга қуйидагилар: кишилар онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган объектив, муҳим, барқарор боғланишлар; сабаб оқибат боғланишларидан келиб чикувчи, бир бирини тақозо этувчи, ўзаро таъсир қилувчи сабабий, зарурий алоқадорликлар; ички имкониятдан, моҳиятдан келиб чиққан ҳолда, мустақил миллий ижтимоий тараққиётнинг ривожланиш хусусияти ва йўналишларини белгилаб берувчи томонлар; муайян шарт-шароитлар

¹ «Қонун» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «тартиб», «қоида», «қўрсатма», «ҳуқуқ», «усул», «расм» деган маъноларни англатган ҳолда: 1) *фалсафий маънода* – объектив борликда турли ҳодисалар ўртасида киши онгидан ва ихтиёридан ташқари ҳамиша мавжуд бўлган муҳим, зарурий, барқарор боғланиш, муносабат; 2) *юридик маънода* – давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий бўлган ижтимоий-ҳуқуқий меъёр ва муносабатларни белгиловчи расмий қоида; ана шундай муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси эканлигини ифодалаш учун ишлатилади.

мавжуд бўлганда маълум бир натижаларни келтириб чиқарувчи муносабатларни очиб берувчи хусусиятлар киради.

Мустақиллик фалсафасининг қонунларини қуйидагилар ташкил этади:

Биринчиси – мустақиллик ва тобелик-қарамлик ўртасидаги кураш, бунда мустақилликнинг ғолиб келиши ва миллий ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналишларини белгилаб бериши қонуни.

Иккинчиси – мустақилликнинг стратегик ва тобеликнинг тактик аҳамият касб этиши, бунда тобеликнинг тарихий тараққиёт жараёнида тадрижий ёки инқилобий тарзда мустақилликка эришиши қонуни.

Учинчиси – мустақилликнинг шаклланиб, ривожланиб бориши натижасида жамият ҳаётида янгича миқдорий ва сифатий ўзгаришларнинг содир бўлиши қонуни.

Тўртинчиси – мустақиллик шароитида тобелик вақтидаги ҳаёт кечириш тарзининг инкор қилиниши, унинг таркибидаги миллий моддий ва маънавий қадриятларнинг сақланиб қолиниши қонуни.

Бешинчиси – иқтисодий, сиёсий ва маънавий мустақилликнинг узвий бирлиги, уларнинг миллий манфаатлар устунлигини таъминлаши қонуни.

3.2. Мустақиллик фалсафаси фанининг категориялари. Мустақиллик фалсафаси категориялари¹ деб мустақил ҳаёт кечиришига оид объектив мавжуд бўлган ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг асосий хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттирадиган ва муайян даврнинг илмий фалсафий манзараси

¹ «Категория» юнонча «kategoria – айбланиш, таъна қилиш» сўзидан олинган бўлиб: 1) *фалсафий маънода* – нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий белги, хусусият ва боғланишларини ифодаловчи умумий тушунча; 2) *туркумлаш маъносида* – муайян белгиларининг умумийлиги билан бирлашган нарса, ҳодиса, шахслар тури, туркуми, гуруҳи, даражалари; 3) *илмий терминологияда* – предмет турларини ёки уларнинг умумий белгиларини билдирувчи тушунча маъносида ишлатилади.

тўғрисидаги илмий-назарий тафаккури хусусиятларини белгилаб берадиган умумий тушунчаларга айтилади.

Мустақиллик фалсафасининг категорияларини:

1) *умумий категорияларга* – мустақиллик, озодлик, эркинлик, тобелик, қарамлик, мутелик, қуллик;

2) *субстанционал категорияларга* – миллий мустақиллик, миллий озодлик, миллий ижтимоий тараққиёт, мустақиллик мафқураси, мустақил сиёсат, ғоявий мустақиллик, ғоявий зиддият, ғоя ғоявий қарамлик;

3) *функционал категорияларга* – мустақил давлат, мустақил халқ, иқтисодий мустақиллик, сиёсий мустақиллик, маънавий мустақиллик каби тушунчаларни киритиш мумкин.

Умуман олганда, мустақиллик фалсафаси фанининг категориялари: «а) шу соҳадаги муносабат, боғланишларни ифодаловчи умумий мазмун ва хусусиятга эга бўлган тушунчалар; б) бу соҳани кенг ва атрофлича тавсифлагани ҳолда, бир-бирини тақозо этади, бир бутунликда, ўзаро алоқадорликда намоён бўлади; в) объектив мазмунга эга, уларнинг ҳар бири ижтимоий воқеликда рўёбга чиқади, намоён бўлади, ушбу воқеликнинг ўзига хос хусусиятлари, томонлари, белгиларини ифодаловчи тушунчалар сифатида инсон тафаккурида акс этади; г) умумий тушунчалар сифатида инсоннинг шу соҳадаги ҳодисалар моҳиятини билишга қаратилган билиш жараёнининг натижалари ва ижтимоий жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишнинг илмий воситасидир; д) нафақат назария ва илмий билиш жараёнидагина эмас, балки амалиётда ҳам ўзига хос роль ўйнайди ва аҳамиятини сақлаб қолади»¹.

Хуллас, бу борадаги диалектика шундаки, мустақиллик фалсафасининг шахс, элат, миллат ва халқларнинг мустақил ҳаёт кечиришга тегишли нарса, ҳодиса, воқеа ва жараёнларни ўзида акс эттирувчи категориялари ҳар қандай шароитда ҳам бири иккинчисини тақозо қилади, уйғунликда ва ички алоқадорликдагина

¹ *Қаранг:* Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Akademiya, 2011. – Б. 32.

мавжуд бўлади. Демак, улар мантиқан ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, мазмунан бир-бирини тўлдиради.

Мустақиллик фалсафасининг категориялари ўз манбаи, табиати жиҳатидан – онтологик¹, билиш шаклига кўра гносеологик² оддий хусусияти бўйича – методологик³ мазмунга эга. Бу категориялар ўзбек халқининг мустақил ҳаёт кечишига тегишли нарса, ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг моҳиятини очиқ беришга хизмат қилади.

4-§. Мустақиллик фалсафасининг метод ва принциплари

4.1. Мустақиллик фалсафасининг методлари. Мустақиллик фалсафасининг методлари мустақил ҳаёт кечириш ривожининг қонуниятлари, ҳозирги аҳволи ва моҳияти ҳақида билим олишга ёрдам берувчи усул ва воситалар бирлигидан иборат.

Жаҳонда рўй бераётган барча жараёнлар *«инсон мезони»* орқали баҳоланади. Мустақиллик фалсафасининг методологик асосларни, *биринчидан*, мустақиллик масаласига, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, инсонга барча нарсаларнинг ўлчови сифатида қараш; *иккинчидан*, шахсга давлат машинасининг бир мурвати сифатида қарашга асосланган мустақил тушунчадан воз кечиб, шахсни фаол ижтимоий субъект сифатида қабул қилиш ташкил этади.

Мустақиллик фалсафасининг методлари мустақил яшашни ўрганиш усуллариدير. Ҳар қандай фандаги каби, мустақиллик фалсафасида ҳам турли ёндашувлар, ҳар хил қарашлар мав-

¹ «Онтология» грекча сўз бўлиб, «борлик» ва «таълимот» сўзларидан келиб чиққан, яъни «борлик тўғрисидаги таълимот» деган маънони англатади.

² «Гносеология» грекча сўз бўлиб, «билиш» ва «таълимот», яъни «билиш тўғрисидаги таълимот» деганидир.

³ «Методология» грекча сўз бўлиб, «билиш йўли, усули ҳақидаги таълимот» деган маънони англатади.

жуд. Мустақиллик фалсафасининг методлари мустақилликнинг моҳияти, турли жиҳатлари ва хусусиятларини, ривожланиш қонуниятлари ва принципларини ўрганишга имкон беради.

Мустақиллик фалсафасининг методлари мустақил ҳаёт кечиришнинг турли соҳалари ва жиҳатларини очиб беришга ёрдам беради. Улар мустақиллик тўғрисидаги билимларни ўрганиш, тўплаш ва умумлаштириш қалитидир.

Мустақиллик фалсафасининг методлари мустақилликни бошқа ижтимоий ҳодисалар билан узвий алоқадорликда, ҳаракатда, микдорий ва сифат ўзгаришида ўрганишни тақозо этади.

Мустақиллик мавҳум эмас, балки реал ҳодисалардир. Шу боис улар муайян вазият, муайян вақт, муайян жамият билан алоқадорликда ўрганилиши лозим. Бинобарин, мустақилликни тушуниш учун улар шаклланган шароитларни, мавжуд бўлган тарихий даврнинг хусусиятларини билиш ва эътиборга олиш керак.

Мустақиллик фалсафасининг методлари **мустақиллик** ғояларининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини билишга кўмаклашади, уларнинг моҳияти ва вазифаларига, функциялари ва тараққиёт тамойилларига илмий ёндашиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шахс, элат, миллат ва халқларнинг мустақил ҳаёт кечиришларига оид ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар тўғрисидаги билимларни эгаллашда қўлланиладиган назарий тадқиқотлар ва амалий ҳаракат қилиш усуллари ва йўлларининг йиғиндисига мустақиллик фалсафасининг илмий ўрганиш методлари¹ дейилади.

Мустақиллик фалсафасининг методлари хилма-хил бўлиб, уларни қуйидаги уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин.

¹ «Метод» – юнонча «*methodos* – тадқиқот усули, бирон нарсага бориш йўли» деган сўздан олинган бўлиб: 1) табиат ва жамият ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули; 2) ҳаракат қилиш усули, воситаси, йўли деган маъноларни ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий тушунча.

1. Энг умумий методлар – ҳар томонлама фикр юритишнинг асосий қонун-қоидаларини ўзида ифодалайдиган дунёқараш шаклидаги усуллардир. Уларга *метафизика ва диалектика* методлари киради.

Метафизика¹ методи билан иш кўрувчилар мустақиллик ва қарамлик ҳақидаги қарашлар илгаридан мавжуд бўлган, бундан кейин ҳам бўлади, у абадий ва ўзгармасдир, ҳеч қандай бошқа ижтимоий ҳодисалар билан ички боғланишда эмас, ривожланишда эмас, қандай бўлса шундайлигича сақланиб қолади деб фикр юритадилар.

Диалектика методи билан иш кўрувчиларнинг бирлари – мустақиллик ва қарамлик ҳақидаги фалсафий қарашлар парвардигори олам – Аллоҳнинг илоҳий кучи ила пайдо бўлган ва шу асосда ривожланади (объектив идеализм); иккинчилари – мустақиллик ва тобелик ҳақидаги ғоялар инсонлар онгининг, яъни уларнинг руҳияти, ҳис-туйғулари, сезгиларининг маҳсули (субъектив идеализм); учинчилари – мустақиллик ва тобелик ҳақидаги қарашлар муайян сабабларга кўра вужудга келган ва шу асосда ривожланади (объектив материализм); тўртинчилари – мустақиллик ва қарамлик жўғрофий муҳитнинг, этник ва миллий хусусиятларнинг маҳсули (жўғрофий детерминизм) деб фикр юритадилар.

Метафизика, идеалистик ва материалистик диалектика методлари мустақиллик ва қарамликка оид нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг туб моҳиятини очиб беролмайдиган тадқиқот усулидир. Чунки мустақиллик ва қарамлик соҳасида юз бера-

¹ «**Метафизика**» – юнонча «*Meta ta physika – физика кетидан келади-ган нарса*» (Аристотелнинг фалсафий асарлари номидан) деган сўздан олинган бўлиб: 1) борлиқнинг аввали ўзгармас, азалий ва абадий деб қаровчи, унинг ҳодисаларини эса бир-биридан узилган ва турғун ҳолда текширувчи, тадқиқ қилувчи фалсафий таълимот; 2) диалектикага қарама-қарши ўларок ҳодисаларни ривожланишда ва бир-бирига боғланган ҳолда эмас, балки бир-биридан узилган ва турғун ҳолда текширадиган, тадқиқ қиладиган фалсафий метод; 3) мавҳум, ноаниқ, умумий тарздаги гап, муҳокама деган маъноларни ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий тушунчадир.

ётган воқеа-ҳодисаларни қотиб қолган, бир-биридан ажралган ўзаро, боғланмаган ҳолда кўриш ёки фақат Тангри-таоло иродасига боғлаб қўйиш, уни ўрганмасдан, ўзгартирмасдан, қўл қовуштириб ўтириш ёки ҳаммаси фақат моддий асосларнинг маҳсули деб, маънавият омилларини назардан қочириш бизнинг билиш усулларимизга, методологиямизга мос келмайди.

Мустақиллик фалсафасининг энг умумий методини – *илмий диалектика*¹ ташкил қилади. Бу метод қуйидагиларни тақозо этади:

биринчидан, мустақиллик ва қарамлик соҳасидаги ҳар бир жараёнда моддий ва маънавий асосларнинг борлигини, инсон тафаккури уларни ҳар томонлама тўлиқ камраб олишини эътироф этиш;

иккинчидан, ҳеч бир мустақиллик ва тобеликнинг, уларда юз бераётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг сабабсиз содир бўлмаслигини, улар ўзаро алоқадорликда ва ривожланишда эканлигини, эскилари йўқолиб, уларнинг ўрнига янгилари келишини тан олган ҳолда уларни ҳамма вақт ривожланишда ва ҳаракатда олиб қараш;

учинчидан, ҳар қандай мустақиллик ва тобеликда юз бераётган воқеа, ҳодиса, жараёнларни билишга бутун халқ амалий фаолиятини жалб қилиш;

тўртинчидан, мустақиллик ва тобеликка оид воқеа-ҳодисаларни билиш жараёнида эгалланадиган, ҳақиқатлар объектив, бир вақтнинг ўзида нисбий ва мутлақ хусусиятга эга бўлиб,

¹ «Диалектика» – юнонча «dialektike – суҳбатлашиш, баҳс қилиш санъати» сўзларидан олинган бўлиб: 1) табиат, кишилик жамияти ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан; 2) табиат ва жамиятнинг абадий ҳаракатланиб ва ўзгариб турувчи ички зиддиятлари, қарама-қаршиликларини очиш ҳамда бу зиддият ва қарама-қаршиликлар ўртасидаги доимий алоқадорлик ва кураш моҳиятини аниқлашдан иборат фалсафий метод; 3) бирор нарсанинг ҳаракати, ривожланиши, тараққиёт жараёни деган маъноларни ифодалаш учун қўлланиладиган фалсафий тushунчадир.

мавхум эмас, балки аниқ шаклда мавжуд бўлишини тан олиши ва шу асосда иш юритиш.

Шунинг учун ҳам ушбу метод мустақиллик фалсафасининг энг умумий методинигина эмас, балки методологик асосларидан бирини ҳам ташкил қилади.

2. Умумий илмий методлар. Улар энг умумий методлардан фарқли равишда, мустақиллик ва қарамлик соҳасида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни билишнинг маълум босқичларида қўлланиладиган усуллардир. Уларга анализ ва синтез, системали ва функционал ёндашув каби методлар киради.

Анализ¹ методи – мустақиллик ва қарамлик соҳаларида юз берган воқеа, ҳодиса, жараёнларни таркибий қисмларга, томонларга фикран ажратиш, бу таркибий қисмларнинг мазкур ҳодисадаги, воқеадаги, жараёндаги ўрнини белгилаш, умумийларини хусусийларидан, зарурийларини тасодифийларидан, муҳим, асосий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганларини муҳим бўлмаган, иккинчи даражалиларидан ажратиш, шу орқали уларнинг моҳиятини муҳим объектив боғланишларини очишга асосланган тадқиқот усулидир.

Синтез² методи – мустақиллик ва қарамлик соҳасида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг қисмларини, томонларини фикран бирлаштириш асосида янги билимларга, яъни янгиликка эга бўлишдир. Анализ ва синтез узвий бирликда бўлиб, умум илмий билишдаги аналитик-синтетик усулнинг ўзаро таъсир килувчи жиҳатларидир.

Системали³ метод – мустақиллик ва қарамлик соҳасида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг «горизонтал» ва «вертикал» йўналишлари яхлитлигини, яъни уларнинг ўзаро боғланган ва яхлитликни ташкил этувчи барча унсурла-

¹ «Анализ» – грекча сўз бўлиб, «ажратиш, бўлиш» деган маънони англатади.

² «Синтез» – грекча сўз бўлиб, «қўшиш, бирлаштириш» деганидир.

³ «Система» – грекча сўз бўлиб, «қисмлардан таркиб топган мажмуа» деган маънони англатади.

рини биргаликда ўрганишдир. Масалан, Ўзбекистон халқининг мустақиллигига оид мафқуравий қарашларга системали ёндашадиган бўлсак, унинг ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби ғоялардан ташкил топганлигини, айти вақтда уларнинг ҳар бири бошқа шахслар, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, миллатлар билан турлича алоқада эканлигини, улар ўртасида бир қадар яхлитлик борлигини кўрамиз. Аниқланган мазкур яхлитлик, шубҳасиз, системали ёндашувнинг маҳсулидир.

Системали метод мустақиллик ва қарамликларни ҳар томонлама ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу метод, мустақиллик ва қарамликларни турли ижтимоий ҳодисалар тизимида ўзаро боғлиқликда ўрганиш учун имконият яратади. Мустақиллик фалсафаси мустақиллик ва қарамликлар масаласига системали ёндашишни ҳисобга олган ҳолда илмий холислик – объективлик, тарихийлик принциплари асосига қурилади.

Функционал¹ метод – мустақиллик ва қарамликларга оид воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг вазифаларини аниқлаш орқали улар ўртасидаги муносабатларни тушунтиришдир. Масалан, биз мустақилликни бир неча турларга ажратар эканмиз, энг аввало, уларнинг ҳар бирининг функцияларини аниқлаб оламиз, шундан кейин улар ўртасидаги муносабатларни тушуниб олишга ўтамиз. Бундай усул – функционал ёндашув ҳисобланади.

3. Ҳусусий илмий методлар. Табиий, ижтимоий, техникавий фанларнинг тараққиёти натижасида келиб чиқаётган янги илмий методларни мустақиллик ва қарамликларга тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда қўллаш катта фойда беради. Бу гуруҳга социологик, статистик, кибернетик, киёсий ва бошқа методлар киради.

Социологик метод – сўров, анкеталаштириш, кузатувлар олиб бориш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, керакли хуж-

¹ «Функция» – лотинча сўз бўлиб, «бажариш, юзага чиқариш» деган маънони англатади.

жатларни таҳлил қилиш асосида мустақиллик ва қарамликларга оид воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишнинг илмий усулларидан бири ҳисобланади. Ана шу усулларни қўллаш натижасида мустақиллик ва қарамликлар тўғрисида аниқ маълумотлар олинади. Олинган маълумотлар мустақил ҳаёт жараёнларни бошқариш, ислоҳотларни амалга ошириш, янги ишларни режалаштириш, уларнинг ривожланиш йўналишларини белгилаш учун кенг имкониятлар яратади. Бу усул демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган барча ислоҳотлар ва амалий тадбирларнинг самарадорлигини аниқлашда ёрдам беради.

Статистик¹ метод – мустақиллик ва қарамликлар институтлари тўғрисидаги математик ҳисоб-китоблар ёрдамида миқдорий маълумотларни олишга қаратилган илмий усуллардан биридир. Бу усул, олинган миқдорий маълумотларни умумлаштириш асосида мустақиллик ва қарамликларни ривожлантиришнинг миқдорий йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилади.

Кибернетик² метод – ҳозирги замон ахборот техника воситаларининг тушунчалари, қонунларининг тизими ёрдамида мустақиллик ва қарамлик соҳасидаги ҳодисаларини ўрганиш усули ҳисобланади. Масалан, ЭҲҚ (электрон ҳисоблаш қурилмалари) ёрдамида мустақиллик ва қарамликлар функцияларидан биронтасининг модели тузиб чиқилади ва ана шу модель асосида унинг бундан 10–20 йил кейинги ҳолати қандай бўлиши ўрганилади.

Кибернетик метод, математика ва статистика методларини қўллаган ҳолда мустақиллик соҳасига оид статистика ва ахборотни компьютерлар ёрдамида қайта ишлашга, турли хил техника воситаларидан фойдаланишга мустақиллик ва қарамликлар соҳасидаги ахборот-қидирув тизимини яратишга ёрдам беради.

¹ «**Статистика**» – лотинча сўз бўлиб, «ҳисоб-китоб» деган маънони аниқлатади.

² «**Кибернетика**» – грекча сўз бўлиб, «бошқариш санъати» деган маънони билдиради.

Қиёслаш методи – муайян мустақиллик ва қарамликларни бошқа жойдаги, бошқа шаклдаги мустақиллик ва қарамликлар билан фикран таққослаш асосида маълумотлар олиш, улардан илмий хулосалар чиқариш, янги билим ҳосил қилиш усули ҳисобланади.

Ушбу метод турли мустақиллик ва қарамликларга асосланган тизимларнинг умумий ва ўзига хос томонларини билиш ҳамда ана шу асосда мустақиллик ва қарамликлар тараққиётининг қонуниятларини очишга, мустақиллик ва қарамлик соҳасидаги ҳодисалар ва жараёнларни ўзаро солиштириш асосида улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга имкон беради.

Мустақиллик ва қарамликларни ўрганишда яна *тарихийлик*, *мантиқийлик* ва бошқа методлардан ҳам фойдаланилади.

Шундай қилиб, **мустақиллик фалсафаси фанининг методлари мустақиллик ва қарамликларга тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни билишга, уларнинг қонуниятларини очишга қаратилган умумфалсафий, умумиллий, хусусий-илмий усуллар, йўллар, қоидалар ва воситалар тизимидир**. Улардан амалда фойдаланиш олиб борилаётган тадқиқотнинг предмети ва вазифаларига боғлиқдир.

3.2. Мустақиллик фалсафаси фанининг принциплари. Мустақиллик фалсафаси фани ўзининг принципларига¹, яъни мустақиллик ва қарамликларга оид воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда риоя қиладиган асосий қонун-қоидаларига эга. Бу асосий қонун-қоидаларга объективлик, тарихийлик, мантиқийлик, ижтимоий ёндашув, миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш киради.

Объективлик принципи мустақиллик ва қарамликларга тегишли воқеа-ҳодиса ва жараёнларнинг вужудга келиши ва ривожланишини (ҳеч бир шахс ёки индивиднинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмаслигини таъкидлаб) ҳолисона, ҳеч қандай

¹ «Принцип» – лотинча сўз бўлиб, «асосий қонун – қоида, нуктаи назар» деган маъноларни англатади.

ўзгартиришларсиз, аниқ хужжатлар, ишончли далиллар асосида барча кирраларини, қарама-қарши, салбий ва ижобий томонларини ҳисобга олган ҳолда яхлит ҳодиса сифатида ўрганишни тақозо этади.

Тарихийлик принципи – муайян, мустақиллик ва қарамликлар билан уларнинг тафаккурдаги инъикоси ўртасидаги нисбатни ифодалайдиган қоидалардир. Бунда тарихийлик – мустақиллик ва қарамликларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, яъни воқеликда рўй берган реал тарихдир.

Мантиқийлик принципи – ривожланган ва ривожланаётган мустақиллик ва қарамликларнинг барча муҳим қонуний алоқа ва муносабатларини назарий жиҳатдан ақс эттиришдир. Ушбу принцип мустақиллик ва қарамликларнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш орқали тарихийликни фикран қайта ҳосил қилишни англатади. Мантиқийлик тарихийликни тушуниш калитидир.

Тарихийлик ва мантиқийлик узвий бирликда бўлган тушунчалар бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Тарихийлик ва мантиқийликни алоҳида-алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, улар билишнинг асосий методларидан эканлигига амин бўламиз. Бунда *мантиқий метод* – мустақиллик ва қарамликлар объектининг моҳиятини, асосий мазмунини назарий шаклда, абстракциялар, мантиқ қонуниятлари асосида ўрганади. У оқилона ва изчил ҳулоса чиқаришни назарда тугади. Тарихий метод – мустақиллик ва қарамликларнинг тарихий ривожланишдаги турли босқичларини хронологик изчилликда ўрганишни тақозо қилади.

Ижтимоий ёндашув принципи – мустақиллик ва қарамликларга тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишга моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида жамиятда вужудга келган барча гуруҳлар, партиялар, ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ифодаловчи мустақиллик фалсафасининг талабларига мос равишда ёндашиш қондасидир.

Миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш принципи – ҳар бир миллат тенг ҳуқуқли бўлиб, ўз тақдирини ўзи

белгилаш ҳуқуқига эга, деган қоидага асосланган. У мустақиллик ва қарамликларнинг институтларини ўрганишда, уларни бошқаришда ҳар бир миллат ва элатнинг дини, тили, руҳияти, урф-одати, расм-русумлари, маросимларини тўлиғича ҳисобга олишни ва шу асосда иш юритишни назарда тутди.

Мустақиллик фалсафасининг принципларини унинг методларига қарама-қарши қўйиш, улардан ажратиш мумкин эмас. Улар бир-бирларини тўлдиради, бир жойда метод шаклида, иккинчи жойда принцип тарзида амал қилади.

5-§. Мустақиллик фалсафасининг мақсади, вазифа ва функциялари

5.1. Мустақиллик фалсафасининг мақсади. *Мазкур фаннинг асосий мақсади – бу Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади бўлмиш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамиятни барпо этиш учун мустақиллик фалсафасининг асосий гояларини халқнинг қалби ва онгига сингдиришдан иборатдир.*

5.2. Мустақиллик фалсафасининг функциялари. Мустақиллик фалсафаси ўз олдига қўйган мақсадларини адо этиш учун куйидаги асосий функцияларни¹ бажаради.

Биринчиси – мустақиллик фалсафасининг *эвристик² функцияси*. Бу объектив воқелик – мустақиллик ва қарамликларни ҳар томонлама билиб олишнинг мантиқий усуллари ва методик қоидалари тизимига эга. Бу функция мустақиллик ва қарамликларни изоҳлаш, тушунтириш, мустақиллик ва қарамликларга оид ҳодисаларини шарҳлаш билангина эмас, балки бу ҳодисаларнинг моҳиятини очиш орқали янги-янги қонуниятларини топиш билан ҳам шуғулланади. Мана шу эв-

¹ «Функция» – лотинча сўз бўлиб, «бажариш», «юзга чиқариш», «вазифа» деган маъноларни англатади.

² «Эвристика» – грекча сўз бўлиб, «топаман» деган маънони англатади.

ристика функциясидир. Эвристика – ҳақиқатни топиш санъати хисобланади. Шунга кўра, миллий мустақиллик ва қарамлик реал воқелик – ўзбек халқи фалсафасининг янги-янги қирраларини топиш санъати вазифасини бажаради.

Иккинчиси – мустақиллик фалсафасининг **методологик функцияси**. Бу мустақиллик ва қарамлик жараёнларини ўрганиш воситалари бўлган қонунлар, категориялар ва тушунчаларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқади. Ишлаб чиқилган бу илмий тушунчалар, таърифлар, қоидалар, принциплар бошқа махсус ва амалий гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар учун йўриқнома вазифасини ўтайди. Шунга кўра, мустақиллик фалсафаси бошқа фанлар учун методологик функцияни бажаради.

Учинчиси – мустақиллик фалсафасининг **сиёсий функцияси**. Мустақиллик ва қарамликлар доимо сиёсатнинг объекти бўлиб келган. Сиёсатнинг асосий мақсади эса ҳамisha давлат ҳокимиятини эгаллаш, шу орқали жамиятни бошқаришни ташкил этишдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам сиёсатни – давлатни бошқариш санъати деб ҳам аташади. Шу маънода миллий мустақиллик фалсафаси Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти ва бошқа сиёсий ташкилотларни ўз ичига олувчи сиёсий ҳокимиятни амалга оширишни ташкил этишга кўмаклашади. Бу мустақиллик фалсафасининг сиёсий функциясидир.

Тўртинчиси – мустақиллик фалсафасининг **амалий функцияси**. Миллий бу мустақиллик ва қарамлик ҳодисалари, институтлари тўғрисидаги билимларни амалда қўллаш вазифасини ҳам бажаради. У Ўзбекистонда жамият, давлат фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, тинч-тотув яшашларини таъминлаш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини барқарорлаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқади.

Бешинчиси – мустақиллик фалсафасининг **илмий башорат қилиш функцияси**. Илмий башорат – мавжуд воқеликнинг объектив қонунларини билиш асосида, келажакда юз берадиган ёки юз бериши мумкин бўлган воқеа, жараён ва ҳодисаларни олдиндан

кўра билиш, айтиб беришдир. Бу мустақиллик ва қарамликлар ривожланишининг объектив қонуниятларини ўрганиш асосида уларнинг келажакдаги тақдири тўғрисида илмий башорат қилиш функциясини ҳам бажаради.

Олтинчиси – мустақиллик фалсафасининг **дунёқарашни шакллантириш функцияси**. Бу мустақиллик ва қарамликларга оид ҳар бир ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг юзага келиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, одамларнинг ақл-заковатини ўстириш асосида мустақиллик ва қарамликлар ривожини тўғрисидаги қарашларнинг яхлит илмий манзарасини яратади. Бу ушбу фаннинг дунёқарашни шакллантириш функциясидир.

Еттинчиси – мустақиллик фалсафасининг **ғоявий-тарбиявий функцияси**. Бу миллатимизнинг истиқлол туфайли ўсиб бораётган ўзини ўзи англаш, билиш эҳтиёжларини қондиришга, давлатимизни жаҳон давлатлари билан қиёслаб ўрганиш асосида миллий онгимизни ўстиришга, янгича миллий ғурур ва туйғуни шакллантиришга хизмат қилади. Бу унинг ғоявий-тарбиявий функциясидир.

Ушбу функция, шунингдек, миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган – Конституция ва қонунларнинг устунлигини, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглиги қоидаларига оғишмай амал қилишни, миллатимизни умуминсоний қадриятларнинг энг яхши анъаналарига содиқ ҳолда тарбиялашни ҳам ўз ичига олади.

5.3. Мустақиллик фалсафасининг асосий вазифалари. Мустақиллик фалсафасининг асосий вазифаларни:

1) ёшларни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб вояга етказиш ишларининг узлуксизлигини таъминлаш;

2) ёш авлодни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби олижаноб ғоялар руҳида тарбиялаш;

3) мустақиллик фалсафасининг Ўзбекистон тараққиёти ва мустақиллигини мустаҳкамлашнинг яхлит назария эканлигини тушунтириш;

- 4) юксак фазилатларга эга, эзгу фалсафий дунёқараш ғоялари билан курулланган бунёдкор комил инсонларни вояга етказиш;
- 5) ўсиб-униб келаётган ёш авлод қалби ва онгида янгича фалсафий дунёқараш асосларини шакллантириш;
- 6) ёшларни ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғоялари руҳида камол топтириш;
- 7) ёшларни жамиятимизга ёт ва бегона, бузғунчи ва зарарли фалсафий ғояларга қарши курашишга ўргатиш, уларда огоҳлик ва хушёрлик кўникмалари ҳосил қилиш;
- 8) ёшлар ўртасида адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз кураш муҳитини яратиш;
- 9) порахўрликни, таъмагирликни, лаганбардорликни ёшлар учун иснод деб билиш;
- 10) ёшларнинг коррупция элементларининг ҳар қандай кўринишларига қарши шиддатли кураш олиб бориш;
- 11) она-Ватанга хиёнат қилиш икки дунёда ҳам кечирилмайдиган гуноҳ эканлигини тинимсиз равишда англашиб бориш руҳида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш кабиларни бажаради.

6-§. Мустақиллик фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти

Ўз олдига мустақил мамлакатимиз учун хизмат қилишни мақсад қилиб қўйган ҳар бир шахс мустақиллик фалсафасини яхши ўзлаштириб олиши шарт.

Мамлакатимизнинг таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган илму-толиблар, уларни тамомлаган мутахассислар учун мустақиллик фалсафасини ўрганишнинг қуйидаги аҳамиятлари мавжуд.

Биринчидан, мустақиллик фалсафаси илмини ўрганиш бўлажак халқимиз фидойилари учун мустақилликнинг вужудга келиши ва ривожланиши қонуниятларини тушуниб олиш имконини беради. Бўлажак баркамол авлод ва ёш мутахассислар шу илмини ўрганишлари туфайли Ўзбекистон демократик давлатининг ки-

шилиқ жамияти сиёсий ва ҳуқуқий тизимида, дунё давлатлари ўртасида тутган ўрнини билиб оладилар, мустақилликнинг миллатимиз учун нақадар буюқ неъмат эканлигини англаб етадилар. Бу билан миллий мустақиллик фалсафаси илми ёш мутахассисларнинг қалбида ўзбек халқига, ўзбек давлатига нисбатан чуқур эҳтиром, ишонч уруғларини экади. Натижада, давлатга, халққа унинг куч-қудратига ишонч ҳар бир ёш мутахассиснинг ички маънавий эътиқодига айланади. Бу маънавий-руҳий эътиқод ёш мутахассисларнинг давлатга, халққа чин дилдан, виждонан, ҳалол, садоқат билан хизмат қилишларини таъминлайдиган маънавий омил ҳисобланади.

Иккинчидан, мустақиллик фалсафаси Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда таълим-тарбия муассасалари ходимларининг вазифаларини тўғри белгилаб олишларига кўмаклашади. Чунки миллий мустақиллик фалсафаси Ўзбекистон халқининг турмуш тарзини, унинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ишлаб чиқариш соҳасида таълим-тарбия муассасалари ходимларининг тутган ўрнини ва бажариши лозим бўлган вазифаларини ҳам кўрсатиб беради.

Учинчидан, мустақиллик фалсафаси таълим-тарбия муассасаларида илм чўққиларини забт этаётган толиблар ва бошқа ходимлар учун жаҳонда ва мамлакатимизда мустақиллик ва қарамликлар соҳасида бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини тезда илғаб олишга имкон берувчи маънавий-маърифий кўрсаткич вазифасини ўтайди. Бу эса давлат ва нодавлат муассасалари ходимларининг кундалиқ амалий фаолиятидаги ҳар бир воқеани фалсафий жиҳатдан тўғри баҳолай олишларига, миллий мустақиллик талабларига мос равишда ҳаракат қилишларига ёрдам беради.

Тўртинчидан, мустақиллик фалсафаси илмининг қоидаларини, ҳулосаларини ўрганиш бўлғуси касб-ҳунар усталарининг бошқа маҳсус ва амалий фанларни пухта ўзлаштириб олишларига замин ҳозирлайди. Бу билан, мустақиллик фалсафаси бир томон-

дан, таълим-тарбия муассасалари ва ёш мутахассислар ўртасида маънавий-ахлоқий тадбирларни қўллаш, ахлоқий тарбия, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг маънавий-мафкуравий жиҳатларини методология шаклида белгилаб берса; шкинчи томондан мутахассисларнинг фалсафий билимларни омма орасида тарғиб қилишлари орқали ўзбек халқининг юз бераётган ҳар бир жараёнга дахлдорлик ҳиссини, туйғусини ошириш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

II БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Жамият мураккаб таркибий тузилишга эга бўлган борлиқ сифатида бир қатор ботиний асосларга эга бўлиб, улар зоҳирийлик шаклларида ўзини намоён қилади. Бунда ботинийликнинг ва зоҳирийликнинг қанчалик даражада бир бирларига мос келиши ёки келмаслиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлатимизнинг мустақиллиги ҳам бундан истисно эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақилликнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий шаклларда намоён бўлиши кўзга ташланади. Улар мавжуд вазиятга қараб у ёки бу даражада устунлик касб этади.

Ҳар қандай жамият яшаш учун моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, айрбошлаш каби жараёнларни бошдан кечиради. Буларнинг барчаси муайян жамиятнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлиб, унинг қанчалик даражада мустақил эканлигини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Демак, иқтисодий мустақиллик бошқа мустақиллик шакллари учун «локомотив» вазифасини ўтайди.

1-§. Иқтисодий мустақиллик ва уни амалга ошириш шартлари

1. **Иқтисод тушунчаси.** Иқтисодий мустақиллик ҳақида фикр юритишдан олдин иқтисодиётнинг ўзи нима эканлигини билиб олиш зарур. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Иқтисод арабча – хўжалик; тежаб-тергаш; экономика деган сўзлардан олинган бўлиб: 1) сарф-ҳаражатда тежамкорлик, тежаб (асраб) қолиш; 2) ейиш-ичиш; ейиш-ичиш билан боғлиқ ҳолат; 3) айнан

иқтисодиёт, – деган маъноларни англатади. Иқтисодиёт – бу ижтимоий тузумнинг базиси; халқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларининг ҳолатига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари; хўжалик тармоқларининг моддий ва молиявий томонларини ўрганадиган фан¹, – деган маъноларни англатиши қайд этилган. Ғарбий Европа давлатларида эса иқтисодиётни – экономика деб аташади. «Экономика» атамаси қадимги юнонча «oikonomike» сўзидан олинган бўлиб, у «уй рўзғор хўжалигини бошқариш санъати», деган маънони англатган. Соддароқ қилиб айтганда, **иқтисодиёт (экономика) – жамиятнинг ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш тизимида ривожланаётган муносабатлар тизимидан иборат бўлган иқтисодий фаолиятдир.**

Илмий фаолиятда «экономика» сўзи миллоддан аввалги IV асрда пайдо бўлган бўлиб, уни Ксенофонт «табиий фан» деб атаган бўлса, Аристотель иқтисодиётни хрематистикага – фойда олиш билан боғлиқ бўлган инсон фаолиятининг бир қисмига карама-қарши қўйган. Замоनावий фалсафада иқтисодиётга қиймат тушунчаси нуқтаи назаридан қараладиган ижтимоий муносабатлар тизими сифатида қаралади. Иқтисодиётнинг асосий вазифаси одамлар ҳаёти учун зарур бўлган ва уларсиз жамият ривожлана олмайдиган моддий бойликларни доимий равишда яратишдир. Иқтисодиёт чекланган ресурслар дунёсида инсон эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, жамият иқтисодиёти ҳар бир инсон ва умуман жамият ҳаётий фаолиятини таъминлайдиган мураккаб ва ҳамма нарсани ўз ичига олган организмдир.

Иқтисодиёт бир қатор қуйидаги тармоқларга бўлинади:

- Иқтисодиётнинг асосий бирламчи тармоғига қишлоқ хўжалиги, балиқ овлаш, ўрмончилик, овчилик ва қончилик қиради.
- иқтисодиётнинг иккиламчи тармоғига – ишлаб чиқариш ва қурилиш.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 264.

- иқтисодиётнинг учинчи тармоғига – хизмат кўрсатиш соҳаси. Кўпинча иқтисодиётнинг учинчи даражали тармоғидан ажралиб туради.

- иқтисодиётнинг тўртламчи тармоғи - ахборот технологиялари, таълим, илмий тадқиқотлар, глобал маркетинг, банк ва молиявий хизматлар ва шу каби ишлаб чиқариш билан эмас, балки уни режалаштириш ва ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа хизматлар (билимлар иқтисодиёти).

Иқтисодиёт мулкчилик шаклларига қараб:

- давлат ва хусусий сектор ажралиб туради.

Иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос турларига қараб, иқтисодиётнинг реал тармоғи, ноишлаб чиқариш ва молиявий ўртасида фарқланади.

Иқтисодиётнинг қуйидаги асосий шакллари бир бирларидан ўзининг реал воқеликда мавжудлиги билан ажралиб туради.

Булар жумласига қуйидагилар киради:

- бозор иқтисодиёти;
- маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт;
- анъанавий иқтисодиёт;
- аралаш иқтисодиёт ва шу кабилар.

Бугунги кундаги Ўзбекистон иқтисодиёти бозор иқтисодиётига ўтишга ҳаракат қилинаётган аралаш иқтисодиёт шаклига киради.

2. Иқтисодий мустақилликнинг аҳамияти. Иқтисодий мустақиллик бу энг аввало халқ ва мамлакатнинг ўзлари ҳаракат қилиб, бировларга муҳтож бўлмасдан иқтисодий ҳаётини ташкиллаштириши демакдир. Бу деган сўз иқтисодий мустақилликка эга бўлган халқ дунёда ҳеч ким билан савдо қилмаслигини аниқлатмайди, йўқ. Бунда ўзгалар билан савдо-сотик қилиш мамлакат заифликнинг сабаби эмас, албатта. Бирор нарсани сотиб олиш, бирон бир нарсани сотиш, битим тузиш, савдо-сотик бўйича музокаралар, буларнинг барчаси заифликни келтириб чиқармайди. Бироқ, шундай бўлиши керакки, *биринчидан*, одамлар биринчи навбатда ўзларининг асосий эҳтиёжларини ўзлари қондиришлари мумкин бўлсин. *Иккинчидан*, дунёнинг иқтисо-

дий тақсимотлари тенгламаларида ва умуман дунёнинг моддий неъматлари тақсимоти тенгламаларида ўзининг салмоқли юкига эга бўлишини таъминлаши керак демакдир. Бу деган сўз, бошқалар уни четга суриб қўяололмасликларининг, уни шунчаки қамал қила олмасликларининг, хоҳлаган нарсаларини қилишларига қарши туриши демакдир. Чунки, бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан илғор, қудратга эга бўлган баъзи мамлакатлар очик ёки пинҳона тарзда бошқа мамлакатларни ўз қўлларида ушлаб туришга ҳаракат қилаётганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатнинг мустақил иқтисодиёти – бу мамлакатга зарур бўлган барча нарсаларнинг мамлакат ичида таъминланганлиги билдиради. Шу сабабли мамлакатнинг барча завод ва фабрикалари ишлаши зарур бўлади. Уни ишлатиш эса мамлакат фуқароларининг инсонпарварликка йўғрилган миллий виждоний бурчи ҳисобланади. Бунда қатнашаётган ҳар бир меҳнаткаш шахс, нафақат завод ва фабрикаларда бевосита ишлаётган ишчилардан иборат бўлиб қолмасдан балки, мамлакатда бирон бир фойдали иш билан шуғулладиган ёзувчи, рассом, ўқитувчи, ташаббускор, тадқиқотчилар кабиларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Чунки, улар ҳам мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга камарбастадирлар.

3. Иқтисодий мустақилликнинг зарурлиги ва шартлари. Иқтисодий мустақиллик мамлакат учун ҳаётий зарурат ҳисобланади. Агар мамлакат иқтисодиётининг иплари чет элликларга бириктирилган бўлса, демак, бу тананинг ҳаётий артерияси ва қизилўнгачи бошқа жойга боғланганлигини англатади; шунинг учун буюртма нотўғри қўлларда бўлади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай шароитда мамлакат ўзаро алоқаларни ва иқтисодий қарамликни узиш учун фақат ўз халқининг қудратли иродасига ва эронликларнинг ёрқин қобилиятларига таяниб иш кўриши лозим бўлади.

Иқтисодий мустақилликка интилаётган давлатлар олдида қўйилаётган умумий шартлар қуйидагилардан иборат.

1. Иқтисодий мустақилликнинг биринчи шarti бу мамлакатнинг сиёсий тизимини хорижий давлатлар таъсиридан холи бўлган мустақил ҳукумат тузиш билан ифодаланади. Бу жараён иқтисодий мустақилликнинг асосий оқимида нима ўзгариши билан чекланиб қолмайди. Чунки, иқтисодий мустақиллик сиёсий мустақилликка қараганда анча мураккаб ва кейинроқдир. Чунки, бунда ташқи кучлар ва хорижий ҳукуматлар таъсирини, уларнинг иқтисодий ҳукмронлигини бузиш осон эмас. Агар мамлакат иқтисодий мустақилликка эришмоқчи бўлса, унга самарали инсон кучи, фойдали манбалар, кўплаб имкониятлар, билимлар, ихтисослашув, халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик ва бошқа кўп нарсалар керак бўлади.

2. Мустақил мамлакатлар ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларидан келиб чиқиб, мавжуд манбалар ва имкониятлардан, керакли товар ва маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда мамлакат ичида ишлаб чиқариши керак. Улар ташаббускорлик ва саъй-ҳаракатлар, мустақил сиёсий ҳукумат кучи орқали, шунингдек бутун халқни эркинлик ва мустақиллик йўлида ҳар қандай душманларнинг фитна ва ташвиқотларига қарши қўллаб-қувватловчи маънавий-мафкуравий бирдамлик орқали курашишни йўлга қўйишлари кераклиги билан ажралиб туради.

3. Маданий инвестицияларнинг иқтисодий мустақилликка таъсирини ҳам ҳисобга олиш мазкур шартларнинг бири ҳисобланади. Мамлакат учун инсон ҳамма нарсани қилишга кодир куч ҳисобланади. Агар инсон кучи бўлмаса, унда ҳеч нарса бўлмайди. Маълумки, бир неча йил олдин инқилоб ўтказган ва иқтисодий, саноат, техник ва бошқа соҳаларда муваффақиятларга эришган баъзи мамлакатлар, ўз инқилобининг бошларида инсон кучини тарбиялашга максимал даражада аҳамият бериб, унинг истиқболлини режалаштиришган; Масалан, ушбу мамлакатларнинг баъзилари ҳозирги кунда самарали ва тажрибали ишчи кучини экспорт қилмоқда. Ўша мамлакатларда бундай инсон кучи билан тўлиб тошганлиги ва энди унга керак эмаслигини билдирмайди. Агар бугунги кунда пул ёки реал бюджет маданий ишлар-

га йўналтирилган бўлса, шуни ёдда тутиш керакки, қисқа вақт ичида бу бюджет иқтисодий ишларга ва мамлакат иқтисодий ишларининг айланмасига ёрдам беролмаслиги мумкин, аммо баъзилари қисқа муддатдан кейинги вақт бўлмиш узоқ ва узоқ муддатли даврда дарҳол мамлакатнинг ўзига даромод бўлиб қайтади. Агар, бунда, ҳамма нарсани тўғри торпилса, бу мамлакат иқтисодий тежамкорлигига ҳам фойда келтиради. Бошқача қилиб айтганда, маданий ишларга кўпроқ бюджет ва имкониятлар берилиши, айниқса, таълим маданияти – мамлакат бундан азият чекмайди, чунки бунинг ўзи мамлакат келажаги учун имкониятлар яратади.

Иқтисодий мустақилликка эришишнинг реал шартларига қуйидагилар киради.

Биринчидан, мамлакатда ҳар ким, қандай иш тутмасин, ўз ишини яхши бажариши керак. Амалга оширилаётган ишларнинг тўғри ва мукамал бажарилишини, қатъий бажарилишини ва камчиликлар йўқлигини таъминлашга ҳаракат қилиш керак. Бу шартлардан бири, уни амалга ошириш натижасида иқтисодий мустақилликка эришиш мумкин бўлади.

Иккинчидан, ташаббус ва янгиликка эга бўлиш лозим. Бу деган сўз, мамлакат иш шароитида ва иқтисодий ҳаракатларида ташаббус мавжуд бўлиши керак демакдир. Давлат ихтиёридаги заводлар ва фабрикалар, шунингдек одамлар ихтиёрида бўлганлар ҳам ўзларининг озгина фойдаларини тадқиқотларга, ишчи кучини оширишга ва сифатини яхшилашга сарф қилишларини талаб қилади. Масалан, мамлакатимиз ривожланаётган давлатлар нима учун Европада ёки дунёнинг бошқа жойларида бошқалар тадқиқот олиб боришларини ва улар улардан ўрганишини кутишлари керак?! Бинобарин, аксинча мамлакатимиз фуқаролари илмий-амалий изланишлар билан шуғулланишлари, ташаббус кўрсатишлари, ишлаб чиқаришни олдинга суришлари, техника ва технологияларни моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳаларига жорий этиб, халқнинг ҳаётини янги сифат ва миқдор даражасига кўтаришлари керак.

Учинчидан, мамлакатнинг илмий салоҳияти мамлакат иқтисодиёти билан интеграцияланиши зарур. Барча олий таълим ва

илмий тадқиқот муассасаларида хизмат қилаётган олимлар келиб ҳукумат учун ишлаши керак. Аини вақтда, ҳукумат ҳам эътиборини уларда бўлган ва ўқиётган олимларга қаратиши керак. Бирон бир нарсани айтган баъзи бир Европалик олимларнинг тадқиқотлари ва баёлотлари доимо бир хил бўлиб қолади деб ўйламасликлари лозим. Чунки, улар бугун бир нарса дейишади, лекин 20 йил ўтиб, 10 йил ўтиб, 5 йил ўтгач, бошқа бир олим келиб, бу гапларни рад этади ва бошқа гапларни айтади. Нега Ғарб давлатлари айтаётган ҳамма нарсани сўзсиз қабул қилиш ва қўлларини катламоқ билан улар айтаётган ва қабул қилган ҳамма нарсани тинглаш керак?! Ҳар бир мамлакатда иқтисодчилар ўз мамлакати ҳолатига, ўз эътиқодига, ўз мамлакатининг хусусиятларига мос келадиган ва уларнинг иқтисодиёти масалаларига мос келадиган нарсаларни топиши керак.

4. Ўзбекистоннинг мустақиллигини таъминловчи иқтисодий омиллари. Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи иқтисодий омиллари бўлади. Бу иқтисодий омиллар ичида, иқтисодий салоҳиятни намоён қилувчи табиий бойликлари, уни ҳаракатга келтирувчи механизмларнинг ҳаракати, инновацион тафаккур соҳиблари бўлган илмий технологик воситалар билан қуролланган кучлар алоҳида ажралиб туради.

4.1. Иқтисодий салоҳияти тушунчаси. Салоҳият деганда, одатда бирон бир ишни бажаришга яроқли бўлган нарсалар ёки уларни ҳаракатга келтириш, бошқариш учун катта қобилиятга эга бўлган, иқтидорли шахслар тушунилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, *иқтисодий салоҳият деб мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиши мақсадида фойдаланиши мумкин бўлган барча табиий манбалар ва захиралар, одамларнинг имкониятлари, қўллайдиган воситаларининг мавжудлигига айтилади. ва захираларни англади.*

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи иқтисодий салоҳиятини ташкил этувчи муҳим омилларига қуйидагилар киради:

- табиий ресурслар;
- аҳоли ва меҳнат ресурслари;
- илмий, илмий-техника ва инновацион ресурслар;
- ишлаб чиқариш ресурслари;
- инвестиция ресурслари;
- ташқи иқтисодий ресурслар;
- экологик ресурслар.

Профессор Н. Тўхлиевнинг ёзишича:» Мамлакатнинг ялпи иқтисодий салоҳиятини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткич – индикаторлардан фойдаланилади:

- аҳоли сони, унинг ёш таркиби, аҳолининг табиий ва механик ҳаракати;

- меҳнат ресурслари, уларнинг таркиби, бозор иқти-содиёти ва фан-техника тараққиёти талабларига мувофиқ ишчи кучи ва малакали кадрлар билан таъминланганлик;

- инсон салоҳиятининг ривожланиш индекси;

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, таркиби, уларни такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари;

- ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, уларни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш (ривожланган мамлакатлар билан таққослаш);

- саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш маҳсулотлари, ишлаб чиқариш, юк ва йўловчилар ташиш ҳажмларининг ўсиш имкониятлари;

- илмий асосланган меъёрлар ҳамда ривожланган мамлакатлар билан таққосланганда аҳоли жон бошига моддий неъматлар ва хизматларни истеъмол қилиш даражаси;

- минерал-хом ашё, ёқилғи-энергетика, сув ва ер ресурсларининг захиралари ва улардан фойдаланиш даражаси;

- экотизимнинг экологик сифими, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси»¹.

¹ Тўхлиев Н. *ва бошқ.* Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 25–26.

Иқтисодий салоҳият нафақат ресурс ва ишлаб чиқариш қувватларининг мутлоқ микдорига боғлиқ, балки, шу билан бирга, улардан фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқ. Ялпи иқтисодий салоҳиятнинг юқори даражасига ривожланган ишлаб чиқариш кучлари ва бозор иқтисодиётига эришган мамлакатларгина эга.

Иқтисодий салоҳият ривожланишининг асосий қонунияти унинг барча қисмларини мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама қўшиб олиб боришдир, қайсиқим бу ҳолат аҳоли турмуш даражасини оширишга олиб келади.

4.2. Иқтисодий мустақилликни таъминловчи жойлардаги иқтисодий ресурслар ва табиий бойликлар. Булар жумласига қуйидагилар киради.

Қорақалпоғистонда фойдали қазилмаларидан газ, темир, фосфорит, бентонит ва каолин (оқгил) конлари, шунингдек, ош ва глаубер тузлари, мрамар, гранит конлари бор.

Анджон вилоятида нефть ва газ қазиб чиқариш, қайта ишлаш, қурилиш саноати, тўқимачилик саноати, автомобил саноати ривожланган. Вилоятда фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, пахтачилик ва ирригация билан боғлиқ тармоқлар, пахтани қайта ишлаш, машинасозлик ва металлсозлик, электротехника саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё, енгил, озиқ-овқат саноати энг ривожланган тармоқлардир. Вилоят мамлакатда нефть ва газ қазиб чиқаришда салмоқли ўрин тутди. 10 га яқин нефть ва нефть-газ конлари ишлаб турибди. Хўжаобод – Анджон – Асака газ қувири бор.

Бухоро вилояти фойдали қазилмаларга, айниқса табиий газга бой. Бу ерда республика ёнилғисининг катта захиралари тўпланган. Гарчи аҳоли зичлиги Ўзбекистон бўйича бу ерда наст бўлса-да (минтақанинг жануби бундан мустасно) табиий газ, полиметалл қазиб чиқариш, рангли металлургия ва кимё саноатларининг ривожланиши жиҳатидан вилоят олдинги ўринларда туради.

Бухоро вилояти иқтисодиётида саноат салмоқли ўринни эгаллайди. 100 дан ортиқ саноат корхонаси мавжуд. Газли газ-нефть

кони газ ёнилғисини етказиб беради. Бухоро-Тошкент- Бишкек-Олмаота газ йўли Ўзбекистондаги, шунингдек, кўшни мамлакатлардаги истеъмолчиларга газ етказиб беришга хизмат қилмоқда.

Жиззах вилоятида электроэнергетика, қора ва рангли металлургия, кимё ва озиқ-овқат, машинасозлик, қурилиш материаллари, ёғочни қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланган.

Наманган вилоятида рангли металл конлари, нефть кони мавжуд.

Навоий вилояти табиий бойликлардан вольфрам, фосфорит, кварцли кум, цемент хомашёси, оҳакка бой. Тилла конлари мавжудлиги туфайли бу ерда олтин саноати юзага келган. Саноатнинг етакчи тармоқлари: энергетика, кон-руда металлургияси, кимё, пахта тозалаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати. Энг йирик саноат корхоналари: Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий ГРЭС, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, цемент заводи, «Электрокимё», «Нуротамармар» акциядорлик жамияглари.

Самарқанд вилояти худудида вольфрам, мрамар, гранит, оҳак, гипс ва бошқа конлар очилган (Омонқўтон, Мойбулок).

Сирдарё вилоятида айрим қурилиш материаллари конлари бор. Саноати, асосан, пахгачилик ва маҳаллий хомашёни қайта ишлаш билан боғлиқ. Йирик корхоналари – Сирдарё ГРЭС, ёғ-экстракция ва пахта тозалаш заводлари, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, тикувчилик, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари.

Сурхондарё вилоятининг Ховдоғ, Какайди, Лалмикорида нефть ва газ казиб чиқарилади. Ўзбекистондаги 3 та йирик кўмир конининг 2 таси Сурхондарёда. Булар Шарғун ва Бойсун кўмир конларидир. Вилоятда, шунингдек, полиметалл, ош тузи конлари, гипс, гранит, арголит каби қурилиш материаллари конлари бор.

Тошкент вилояти фойдали қазилмаларга бой. Қўнғир кўмир, мис, молибден, кўрғошин-рух, олтин, кумуш ва бошқа но-

дир металллар бор. Иссиқ ва маъданли сув захираси кўп. Тошкент шахрининг шарқий томонида Оҳангарон дарёси ҳавзасида Олмалик, Ангрен, оҳангарон шаҳарлари жойлашган. Рангли металл, кўнғир кўмир, қурилиш материаллари корхоналари билан боғлиқ равишда юзага келган ушбу шаҳарлар типик индустрия шаҳарларидир. **Олмалик** – рангли металлургия ва кимё саноатининг йирик марказларидан биридир. Бу ерда кон-металлургия комбинати ва кимё заводи ишлаб турибди. **Ангрен** шахри Ўрта Осиёда йирик кўмир кони негизида барпо этилган. Бу мамлакатнинг энг обод ва гўзал шаҳарларидан биридир. Оҳангарон - қурувчилар шахри. У қурилиш материаллари, айниқса, цементи билан машхур. **Бекобод** – Ўрта Осиёдаги ягона қора металлургия марказидир.

Фарғона вилоятида нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё саноатлари анча ривожланган. Вилоят ер қаърида нефть ва газ топилган, шунингдек, цемент маҳсулоти, қурилиш қумлари, оҳак ва бошқа конлар бор. Фарғона вилояти мамлакат халқ хўжалиги тизимида учинчи ўринда туради. Кимё саноатининг энг йирик корхоналари Фарғона ва Қўқон шаҳарларнда жойлашган. «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, кимёвий толалар заводи, фуран бирикмалари кимё заводи, ўғит ишлаб чиқарадиган суперфосфат заводи ва бошқалар шулар жумласидан. Вилоятда нефтни қайта ишлайдиган 2 та завод бўлиб, бири Фарғонада, иккинчиси Олтиариқда жойлашган. Қувасойдаги цемент заводи республикада ишлаб чиқариладиган цементнинг тўртдан бир қисмдан кўпроғини беради. Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирмашмаси, ипак комбинати, Қўқон ва Фарғонадаги пойафбзал фабрикалари энгил саноатнинг муҳим корхоналаридир.

Қашқадарё вилояти нефть, табиий газ, олтингугурт, рух, мрамар, туз, калий қазиб олиш ва уларни қайта ишлашда Республиканинг энг йирик регионларидан бири ҳисобланади. Энг ривожланган тармоқ-табиий газ қазиб олиш ва қайта ишлаш, пахта

тозалаш, ёғ-экстракция саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳисобланади. Энг йирик корхоналари: Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё бирлашмаси, Дехқонобод Калий заводи.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётидаги иқтисодий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилувчи ўрни қуйидагилар ташкил қилади:

1. **Захиралари бўйича:** олтин – 9; молибден – 8; мис – 10; уран – 8; табиий газ – 14:

2. **Қизиб олиш бўйича:** кадмий – 3; уран – 6; олтин ва табиий газ-10;

3. **Ишлаб чиқариш бўйича:** қорақўл тери – 2; пахта толаси – 4; олтин – 10; газ ишлаб чиқариш – 10;

4. **Экспорт қилиш бўйича:** пахта толаси – 3; уран – 3 ўринда туради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, *иқтисодий мустақиллик деб, ҳар бир миллат ва халқнинг ўз табиий ва моддий бойликларига тўла ҳуқуқий соҳиб бўлиб, ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимот, айрибошлаш муносабатларини мустақил равишда ташкил этиш, яшаш учун зарур бўлган моддий неъматларни яратиш фаолияти асосига қурилган ижтимоий-иқтисодий борлигига айтилади*¹.

Иқтисодий мустақилликнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати – биринчидан, табиий ресурсларга, ерга, завод-фабрикаларга эгаллик қилишда кўринса; иккинчидан – ишлаб чиқаришни ташкил этиш, айрибошлаш, тақсимот, истеъмолни амалга оширишнинг ўзига хос йўлини ишлаб чиқиш ва унинг қонунийлигини таъминлашда яққол намоён бўлади.

Ўзбек халқи иқтисодий мустақиллигининг асосий атрибутив белгиларини: давлатнинг табиий ва моддий бойликларга эгаллиги; давлатнинг ўзига хос бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётининг мавжудлиги; давлатнинг бюджет, молия,

¹ *Мухаммадиев Н.Э. Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафқураси. Монография. – Тошкент педиатрия тиббиёт институти, 2018. – Б. 12–13.*

солиқ ва божхона, банк тизимларига эгаллиги; давлатнинг олтин захираси ва бошқа қимматбаҳо буюмлардан иборат хазинаси, ўзининг миллий валютаси – пулининг борлиги; давлатнинг мустақил равишда бошқа мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар олиб бориши ва ҳоказолар ташкил қилади. Иқтисодиёт фалсафаси тили билан ифодалаганда:» *Иқтисодий мустақиллик* – бу муайян бир мамлакатнинг шу мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий ва маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яратилган маҳсулотдан тушган миллий даромадга ва уни тақсимлашга ягона эгалик қилиши»¹ дир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳамлаш борасида бир қатор муаммоларни ечишга тўғри келади. Булар жумласига: маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифатини кўтариш орқали, унинг рақобатбардошлигини ошириш; пулнинг кадр-сизланишининг олдини олиш; одамларни иш билан таъминлаш орқали тугатиш орқали камбағаллик тугатиш; халқаро бозорлардан жой топиш ва бошқалар киради.

2-§. Сиёсий мустақиллик: таърифи, маъноси ва атрибутив белгилари

Халқларнинг мустақилликка эришиш борасидаги тажрибаси, мустақиллик биринчи навбатда давлат ҳокимиятини қўлга олишдан бошланганлигини кўрсатади. Чунки, давлат ҳокимиятини қўлга олиш – бу сиёсий мустақилликка эришиш демакдир. Сиёсий мустақиллик айти пайтда барча мустақиллик шаклларининг ўзагини ташкил қилиши билан ажралиб туради.

Хўш, шундай экан, сиёсий мустақиллик деб нимага айтилари, унинг туб моҳияти ва асосий атрибутив² белгилари нималардан иборат деган савол туғилади? Бу саволга академик Ж. Туленов:

¹ Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: «Шарқ», 1998. – Б. 83.

² «Атрибут» лотинча сўз бўлиб, «қўшиб берилган», «таъминланган», «қўшимча қилинган», деган маъноларни англатади.

«Сиёсий мустақиллик – бу ҳар бир халқ ва миллатнинг ўзини ўзи идора этиши, ўз тақдирини, фарзандлари келажагини ўзининг қалб амри, хоҳиши ила ҳал этишидир»¹, – деган тор маънодаги, профессор Н.Э. Мухаммадиев эса: *«Сиёсий мустақиллик деб, ҳар бир миллат ва халқнинг ўз давлат ҳокимиятига, давлат муассасаларига, конституциясига, фуқаролигига, тилига, миллий пулига, давлат рамзларига, давлат чегарасига эга бўлган ҳолда ўзини ўзи идора этиш, мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизиш, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишдан иборат бўлган ижтимоий-сиёсий борлигига айтилади»*², – деган кенг маънодаги таърифларни беришган. Биз ана шу иккита таърифни ҳам тўғри деб билган ҳолда сиёсий мустақиллик энг аввало ҳар бир миллат ва халқнинг давлат ҳокимиятини қўлга киритишдан бошланади. Давлат ҳокимияти қўлга киритилмаса, мустақилликка эришиб бўлмайди. Зеро, сиёсий мустақилликнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати, энг аввало, давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, унинг қонунийлигини таъминлаш, сўнгра, давлатнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаб, қатъий тартиб-интизом ўрнатиш билан характерланади.

Ўзбек халқи сиёсий мустақиллигининг асосий атрибутив белгилари қуйидагилардан иборатдир:

1) давлатимизнинг дунё мамлакатлари орасида ҳуқуқий мақомини белгиловчи, *«халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси»*³ бўлган асосий қонуни – Конституциясининг мавжудлиги;

¹ Туленов Ж., Фафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 1966. – Б. 66.

² Мухаммадиев Н.Э. Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафқураси. Монография. – Тошкент педиатрия тиббиёт институти, 2018. – Б. 13.

³ Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир // Унинг ўзи. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – Б. 40.

- 2) давлатнинг бўлинмас ҳудуд ва дахдсиз чегараларига, яъни – дунё халқлари ўртасида макон ва замонга эгаллиги;
- 3) давлатнинг суверен ҳокимиятга эгаллиги ва у демократик тамойиллар асосида ташкил этилиб, уч асосий тармоққа – қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига бўлинганлиги;
- 4) давлатни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилувчи қуролли кучларининг борлиги;
- 5) давлатнинг миллий манфаатларини ўзида ифодалаган, умуминсонийлик принципларига асосланган қонунлари, кодекслари ва бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатларининг мавжудлиги;
- 6) давлатнинг ўз рамзлари - байроғи, герби, мадҳияси ва пойтахтига эга эканлиги;
- 7) ўзбек халқининг референдумлар орқали давлатни бошқариш ишида бевосита ва фаол қатнашиши;
- 8) давлатнинг ўзига хос бўлган миллий маъмурий бошқарув тизимига эгаллиги;
- 9) давлатнинг халқаро майдонда мустақил ташқи сиёсат юргизиши ва ҳоказолар.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Ўзбекистон халқи сиёсий мустақиллигининг қонуний асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи «Давлат ҳокимиятини ташкил этиш» номли бўлимнинг 18, 19, 20, 21, 22-бобларида ёзиб қўйилган. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир (89-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этиш ҳокимиятини амалга оширади (98-модда), Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади» (106-модда) деб қатъий равишда белгилаб қўйилган. Бу эса жаҳонда тан олинган ҳуқуқий демократик давлатни тузиш ва бошқариш андозаларига мос келади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини 166 давлат расман тан олганлиги ва жаҳоннинг 133 мамлакатлари

билан дипломатик алоқаларнинг ўрнатилганлиги, Тошкентда 44 мамлакат ўз элчихона ва ваколатхоналарини очганлиги, 30 дан ортиқ мамлакатда Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари ишлаётганлиги, 80 дан ортиқ чет эл ваколатхоналари ва 20 дан ортиқ ҳукуматлараро муассасалар фаолият юритаётганлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

3-§. Маънавий-маданий мустақиллик – миллий кадриятларни ташлаш ва ривожлантириш омили

Маънавий-маданий мустақиллик деб, ҳар бир инсон, миллат ва халқнинг оламда юз бераётган воқеа, нарса, ҳодиса ва жараёнларга нисбатан эркин фикр билдиришига, ўзининг миллий ҳислатларини, фазилатларини умуминсоний кадриятларга мос равишда намоёни қилишасосида бетақрор маънавий-мафкуравий борлиқ яратиш фаолияти асосига қурилган маданий борлигига айтилади. Маънавий-маданий мустақилликнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати эса ўзлигини ва ўзини англаш билан характерланади. Ҳолбуки, «тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса инсон тўла озод бўлолмайди»¹.

Ўзбекистон маънавий-маданий мустақиллигининг асосий атрибутив белгиларига қуйидагилар кириди:

1) ўзбекларнинг халқ сифатида 3000 йилдан буён тарихий макон ва замонда ўз ўрнига эгаллиги;

2) ўзбек тилининг давлат тили сифатида қарор топиб, фан ва ижод тилига айланиб ўзбек халқи аждодларининг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасининг беқиёслиги;

3) мамлакатимизда миллатимиз фахри ва ғурури бўлган тарихий ёдгорликлар, китоблар, халқ амалий санъати дурдоналарининг мавжудлиги ва уларнинг дунё миқёсида тан олинганлиги;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Унинг ўзи. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 34.

4) ўзбек халқининг ўзига хос, ўзига мос миллий урф-одатлари, анъаналари, маросимлари ва динининг қадимийлиги ҳамда бетакрорлиги;

5) ўзбекларнинг инсонпарварлиги, ватанпарварлиги, садоқатлилиги, болажонлиги, меҳмондўстлиги, меҳрибонлиги, сажийлиги ва ҳоказолар.

Сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий мустақиллик ўзаро узвий алоқадорликдадир. Уларни бир биридан ажратиш мумкин эмас, зеро, улар бир бирларини мунтазам тўлдириб бораверади.

Ш БОБ. МУСТАҚИЛЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲАЁТИЙ ЗАМИНИ

Ҳар қандай миллат, халқ ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан ўзинг яшашини ва келажагини таъминловчи асосларини яратиши ҳам лозим. Бундай асослар мустақилликка эришган мамлакатнинг иқтисодиёти қай тарзда ташкил этилганлиги, халқнинг қандай ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлганлиги, давлат ҳокимияти қўлига қандай ваколатлар берилганлиги ҳамда халқнинг қандай маънавий-маданий имкониятлари борлигига, уларнинг ғоявий мазмуни қандай бунёдкор мафқуралар тизимига асосланганлиги билан белгиланади. Буларнинг барчаси халқларнинг мустақил ҳаёт кечириш фаолиятларининг асослари ҳисобланади.

Халқларнинг мустақил ҳаёт кечириш асослари деб, ҳар бир миллат мустақиллигини таъминловчи моддий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг мазкур миллат, халқ ҳаётини, унинг эҳтиёжларини тўла қондиришга қаратилган имкониятларнинг амалга ошиш даражасларига айтилади.

Бундаги имкониятларнинг воқеликка айланишида бунёдкор ғояларга асосланган мафқуравий тизимнинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Бунёдкор мафқуралар инсон фаолиятининг ичида жойлашиб олган ҳолда, уларни келажакда буюк ишларни бажаришга сафарбар этувчи ғоялар тизимидан ташкил топган бўлади. Шунга кўра, улар соҳавий йўналишларига қараб: иқтисодий ғоялар, сиёсий ғоялар, ҳуқуқий ғоялар, маънавий-маданий-маърифий ғоялар каби турларга ажралади.

1-§. Мустақилликнинг – давлат суверенитетини мустаҳкамлашдаги сиёсий-ҳуқуқий манбалари

Ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи мустақиллик фалсафасининг сиёсий-ҳуқуқий манбалари деб, ўзбек халқининг мавжуд эканлигини барчага эътироф этиб, унинг эркин яшаш ва фаолият кўрсатишини ҳар томонлама кафолатловчи, таъминловчи қонунлар, дастурий таъминотлар ва уларни амалга оширувчи ҳуқуқий-сиёсий механизмлар мажмуасига айтилади.

Ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафкураларнинг сиёсий- ҳуқуқий манбаларини куйидагилар ташкил этади:

1. Ўзбек деган миллат, халқнинг шу ёруғ дунёда мавжудлиги, унинг ватани Туронзамин – Ўзбекистон эканлиги. Ўзбеклар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги энг кўп сонли халқдир. Ҳозирги кунда дунёда ўзбек миллатига мансуб бўлган 36 миллион киши мавжуд бўлса, шуларнинг 28 миллиони Ўзбекистонда яшайди. Ўзбеклар ўзбек тилида сўзлашадилар. Диндорлари – сунний мусулмонлар. Демак, Ана шу халқнинг яшаш ҳуқуқи, хусусан мустақил яшаш ҳуқуқи Ўзбекистон халқи мустақил ҳаёт фаолияти сиёсий- ҳуқуқий асосларининг ўзагини ташкил этади. Шунин учун ҳам И.А. Каримов: «Ўзбекистон ўз билан ўзбекларники. Асрлар мобайнида бошқаларга қарам бўлиб келган ўзбек халқининг иқтисодий ва маънавий равнақ топшини таъминлаш – мустақил Ўзбекистон Республикасининг олий бурчи»¹, – деган эди.

2. Ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафкураларнинг сиёсий-ҳуқуқий манбаларининг илк дебочасини «Мустақиллик декларацияси» ташкил қилади. Бу ҳужжатда асосий олға сурилган ҳуқуқий мафкура – сиёсий асос ўзбек халқининг мавжуд эканлигини сиёсий

¹ Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар / Унинг ўзи. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодб сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 16.

жиҳатдан дунёга маълум қилиш, унинг давлат суверенитетининг асосий атрибутларини бирма-бир баён этишдан иборат эди. Бу муетақил ҳаёт кечириш учун қуйилган биринчи ҳуқуқий мафқуравий асоснинг тамал тошидир.

3. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши – бу ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафқураларнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларининг қонуний жиҳатдан мустаҳкамлади ва унга манба мақомини берди. Шу қонун асосида ўзбек халқининг миллий мустақиллиги жаҳонда эътироф этилган. Шунинг учун ҳам бу тарихий ҳужжат ўзининг сиёсий-ҳуқуқий мазмунига кўра ўзбек халқи учун азиз ва кимматлидир.

4. Ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафқураларнинг сиёсий-ҳуқуқий манбаини ташкил этувчи асосий ҳужжат - бу Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Унда Ўзбекистон халқининг ҳаётдаги ўрни, ҳуқуқий бурчи ва вазифалари ўзининг сиёсий-ҳуқуқий ифодасини топган бўлиб, у ҳақиқий маънода демократик, инсоният яратган конституциявий билимларни умумлаштирган, умуминсоний кадриятларни, миллий рух, миллий анъаналарни ўзида мужассамлаштирган Конституциядир. Шу туфайли бугунги кунда **«У кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда»¹**.

5. Ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафқураларнинг сиёсий манбаини куйидагилар ташкил этади:

6. Ўзбекистон давлатининг мустақил давлат сифатида мавжудлиги ва унда яшовчи халқларнинг ўз тақдирини, ўзи белгилаши.

¹ Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳдётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 декабрь.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг суверенлиги, унга бошчилик қилувчи раҳбарнинг халқ томонидан эркин тарзда сайлаб қўйилиши.

Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги. Барча ишларнинг халқ иродаси орқали бажарилиши. Бевосита ва билвосита демократиянинг мавжудлиги.

4. Ўзбекистон давлатида яшовчи барча миллат ва элатларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этноқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги, ҳар қандай камситишлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги.

5. Ўзбекистон давлатида яшовчи ҳар бир фуқаронинг сиёсий партияларга, жамоат ташкилотларига аъзо бўлишига, митинглар, йиғилишлар, намойишларда иштирок этишига қонуний йўл билан руҳсат этилиши.

6. Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар билан ҳар қандай давлат органларига, уларнинг бошлиқдарига мурожаат қилишлари ва жавоб олишларининг муқаррарлиги.

7. Ўзбекистон давлатининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзолиги ҳамда унинг юздан ортик давлатлар томонидан мустақил давлат сифатида тан олиниб, ўзининг ички ва ташқи сиёсатини юргизиши, яъни халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти эканлиги.

8. Ўзбекистон давлати ўзининг мустақиллигини сақлаш, уни ички ва ташқи хавфдан, тажавуздан ҳимоя қилиш учун қуролли кучларига, ҳуқуқли муҳофаза қилувчи идораларига эга эканлиги. Яхши қўшничилик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун тинмай иш олиб бориш давлатнинг асосий сиёсати эканлигининг қонуний тан олинганлиги, амалда бажарилиши ва ҳоказолар.

Уқоридагилардан кўриниб турибдики, ўзбек халқининг давлат суверенитетини мустаҳкамлашда ҳаракат дастури бўлувчи ғоя ва мафқураларнинг ҳуқуқий ва сиёсий манбалари бир-биридан ажралмас, яъни ҳуқуқий манбалар сиёсий асосларнинг

қонунийлигини таъминласа, сиёсий манбалар ҳуқуқий асосларнинг қанчалик ҳаётилигини амалда тасдиқлайди.

Ушбу фикрларни хулосалаб шуни айтиш мумкинки, «Биз учун мустақиллик – ўз эркинлигимизни англашига эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир»¹.

2-§. Мустақилликнинг – эркин ва фаровон яшашини таъминлашдаги иқтисодий замини.

Ўзбек халқининг эркин ва фаровон яшашини таъминлашга сафарбар мустақиллик фалсафасининг иқтисодий заминлари деганда мана шу заминда яшаётган халқни боқиб учун зарур бўлган табиий бойликлар, хом ашёлар, тайёр маҳсулотлар, мавжуд ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этиш тизими тушунилади. Шунга кўра ўзбек халқининг эркин ва фаровон яшашини таъминлашга сафарбар этувчи ғоя ва мафкураларнинг иқтисодий заминларини қуйидагилар ташкил этади:

1. Ўзбекистонда яшаб, истиқомат қилаётган меҳнаткаш халқ миллий мустақилликнинг иқтисодий асосларини яратувчи ва уни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон катта меҳнат салоҳиятига эга бўлиб, ундаги иқтисодий фаол аҳоли сони мамлакат аҳолисининг 72 фоизини ташкил этади. Бу деган сўз, ўзбек халқи азалдан меҳнаткаш, ўзини-ўзи боқибга қодир халқ. Ўзини-ўзи боқиб эса мустақил ҳаёт кечириб, келажакда ҳар томонлама моддий фаровон яшаш учун бунёдкор инновацион гояларни ҳаётга тадбиқ қилишининг мафкуравий замини ҳисобланади. Чунки, ўзини ўзи боқа олишга қурби етмаган халқ гоявий жиҳатдан мурт, маф-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Унинг ўзи. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – Б. 241.

куравий жиҳатдан уқувсиз бўлади. Демак, мамлакатимизнинг келажакка бўлган ишончининг зоявий-мафкуравий заминини «Ўзбекистоннинг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, саҳий ва меҳмондўст халқи»¹ ҳисобланади.

2. Ўзбекистон худудида мавжуд бўлган табиий бойликлар ва ёкилғи-энергетика ресурслар. Масалан, ҳозирги кунда Ўзбекистон худудида турли хил фойдали бойликларнинг 2700 дан ортиқ конлари гопилган бўлиб, улар минерал хом ашёларнинг 93 турини ўз ичига олади. Ғоят муҳим стратегик манбалар – нефть ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, кимматбаҳо металллар бўйича – 40 дан ортиқ, рангли нодир ва радиоктив металллар бўйича – 40, кончилик-кимё ашёси бўйича 15 та кон қидириб топилган. Айни вақтда Ўзбекистон олтин захиралари бўйича дунёда 4 – ўринда, уни қазиб олиш бўйича 8-ўринда, уран захиралари бўйича 7 – ўринда, уни қазиб олиш бўйича 6-ўринда; мис захиралари бўйича эса 10-ўринда туради. Энг муҳим ёнилғи-энергетика ресурсларига кирадиган газ захиралари 2 триллион кубометрни, кўмир – 2 миллиард тоннани ташкил этса, нефть конлари 160 дан ортиқдир. Бу бойликларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолисининг эҳтиёжларини тўла қондиради ва ортиб қолади.

Ер ва сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги, уларнинг соҳиблари бўлган деҳқон ва чорвадорлар, фермерлар. Ўзбекистон азалдан унумдор тупроққа, қулай иқлим шароитларига эга бўлган ўлка. Бу ердан икки-уч маротаба ҳосил олса бўлади. Ернинг унумдорлига, қулай иқлими туфайли олинадиган ҳосил аҳолининг нонга, кийим-кечакка, мева-чеваларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиради. Бу иш билан қишлоқ хўжалик ходимлари, аниқроғи уларнинг соҳиблари бўлган деҳқонлар ва чорвадорлар шуғулланадилар. Уларнинг ўзбек халқини эркин ва фаровон ҳаёт кечиришга сафарбар этувчи ғоя ва мафкураларнинг заминлари орасидаги

¹ *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // **Унинг ўзи.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: «Ўзбекистон» 1998. – Б. 208.

ўрни ҳақида Ш.М. Мирзиёев: *«Дехқон деганда, бепоеън далалар, боғу розлар, дастурхонимиздаги турли ноз-неъматлар, тўй-томошалар, хурсандчилик кунларимиз, бутун ҳаётимиз кўз олдимизда намоён бўлади. Шу маънода, дехқон бу – ҳаётнинг бақувват устун, тирикликнинг мустаҳкам таянчи, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.*

Буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомиз «олам аҳлининг тўқлиги, қувончи, аввало, ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонлар меҳнатидандир», деб миришкор дехқонлар хизматига жуда катта баҳо берганлар»¹ – деган эди.

3. Хилма-хил – кўпмулкчиликка асосланган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қарор топаётганлиги. Бунда кўпмулкчилик – инсонни боқимандалик кайфиятидан озод қилиб, унинг эркин ижодий меҳнат қилишига ва ўз меҳнатининг натижаларидан тўлиқ баҳраманд бўлишига кенг имкониятлар яратиб беради. Айни вақтда соғлом рақобат муҳитини яратиш борасида, ғоя ва мафкураларнинг бунёдкорлик кучини намоёйиш қилади.

4. Пул-молия-кредит, банк тизимларининг мавжудлиги. Миллий валюта – сўм ҳамда олтин жамғармаларининг борлиги мамлакат ичкарисида ва ташқарисида янгича иқтисодий сиёсат юритишнинг кафолати ҳисобланади. Бу барча жаҳондага ишбилармон доиралар билан тенг шерикчилик асосида иш юритиш имкониятини беради.

5. Давлатнинг ўз транспорт алоқа коммуникацияларига эгаллиги. Ўзбекистон ўзининг темир йўл, автомобиль, ҳаво йўли, сув транспортларига эга. Бу йўллар орқали у бемалол жаҳон бозорларига чиқа олади ва у ердагиларга ўзлигимизни танитиш имкониятига эга бўлади.

Кўриниб турибдики, ўзбек халқининг эркин ва фаровон яшашини таъминлашга сафарбар этувчи ғоя ва мафкуралар

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Ризқ-рўзимиз буиёдкори бўлган кишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир // Унинг ўзи.

нинг иқтисодий заминлари жуда мустаҳкам, шунинг учун ҳам «Ўзбекистон ўтмишининг оғир оқибатларини бартараф этишга, тангликдан чикиб олишга, иқтисодий мустақилликка эришиб, ривожланган мамлакатлар сафига қўшилишга имкон берадиган етарли куч-қудратга эгадир»¹.

Бу хусусда **Ш.М. Мирзиёев**: «*Иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди*» деган қоидага амал қилган ҳолда, биз мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, жаҳон майдонида унинг рақобатдошлигини таъминлаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини изчил давом эттирамиз»² – деган эди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ўзбек халқининг эркин ва фаровон яшашини таъминлашга сафарбар этувчи ғоя ва мафқураларнинг иқтисодий заминларининг энг муҳим атрибутини «иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди» деган қоидадан келиб чиққан ҳолда иқтисодий мустақиллик ташкил қилади ва у ҳар қандай жамият сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-мафқуравий ҳаёт фаолиятининг тамал тоши ҳисобланади.

3-§. Мустақилликнинг – ўзбек халқи маданий борлигини таъминлашдаги маънавий-маърифий асослари

Ўзбек халқининг маданий борлигини кенгайтиришни руҳий қўллаб-қувватловчи мустақиллик фалсафасининг маънавий-маърифий асослари деб, ўзбек халқининг ўз она-Ватанини севиши, мустақиллик, озодлик ва ободлик йўлида жон фидо қилиши, қийинчиликларни енгиб ўтишда маънавий жса-

¹ *Каримов И.А.* Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // **Унинг ўзи.** Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 295.

² *Мирзиёев Ш.М.* Гўзал ва бе гақроқ ўлка // **Унинг ўзи.** Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 85.

сорат кўрсатишлари учун миллий гурури, ўзига хос миллий фазилатларини, моддий ва маънавий қадриятларни юксалтириш борасида изчил ва аниқ дастурий таъминот асосида ҳаракатланадиган маънавий-маърифий тизимига айтилади.

Ўзбек халқининг маданий борлиғини кенгайтиришни руҳий қўллаб-қувватловчи ғоя ва мафқураларнинг маънавий-маърифий асосларига қуйидагилар киради:

1. Ўқишни, ёзишни, тафаккур қилишни биладиган саводхон халқи, унинг Ватан равнақи йўлида қилаётган онгли, самарали меҳнати, ташаббускорлик фаолияти, уларнинг дунёвий илмларни эгаллашдаги ақлий-илмий салоҳияти. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳақли равишда айтиш мумкинки, саводсиз кишилар йўқ. Барча аҳоли ўзининг ёшига қараб бирон бир маълумотга эгадир. Чунки, Ўзбекистонда бошланғич таълим, умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими мажбурийдир. Ана шу ялпи саводхонлик, яъни ўзбек халқининг саводхонлиги ўзининг маданий борлиғини ҳар томонлама кенгайтириб бориши, халқнинг умуминсоний ва миллий маданият соҳаларида эришилган ютуқлар асосида уйғун ривожлантириб, бунёдкор ғоя ва мафқура тамойилларига мос равишда келгуси авлодларга эсон-омон етказиб беришга қодирлиги яққол намоён бўлади.

2. *Ўз касбини пухта ва чуқур биладиган, замонавий фикрлайдиган, халқига садоқатли кадрлар. Миллий истиқлол ғояларини салоҳиятли кадрларсиз тасаввур қилиш кийин. Шунинг учун ҳам «биз олдимизга қандай вазифалар қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш зарурати тугилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболагасиз айтиши мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боглиқ»¹.*

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда // Унинг ўзи. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б.381.

3. Ўзбек тили. Ўзбек тили – бу ўзбек халқининг маданий борлиғини кенгайтиришни руҳий кўллаб-қувватловчи ғоя ва мафкураларнинг маънавий-маърифий асосларининг энг катта устунларидан бири ҳисобланади. Чунки, биз ана шу тилда гаплашамиз, ўзимизнинг энг яхши истақларимизни, фикр ва ғояларимизни шу тилда баён қиламиз. Тил равнақи бу – миллат, эл-юрт равнақи демак. Профессор Н.Э. Муҳаммадиев ёзганидек: **«Ўзбек тили – она тилимиз она суги, она алласи билан танимизга кириб келадиган, жон билан чиқиб кетадиган тилимиздир. Ўзбек тилисиз мустақиллик сукунатдир. Ўзбек тили туфайли мустақиллик жсарангдордир, у миллий ифтихоримиз, гуруримиз, шуурумиз, онгимиз, билимимиз, келажакимиздир. Ўзбек тили – илм-маърифат, маданият, дўстлик, қардошлик, биродарлик тилидир. Ўзбек тили ота- боболаримиз тили, фарзандларимиз тили, давлатимиз тили, унинг келажак истиқболи тилидир. Ўзбек тили – ўзбекларнинг дунёвий макондаги, замондаги қалб гавҳари, дил изҳоридир, мустақилликнинг тамал тошидир»**¹. Дарҳақиқат, **«Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррардир»**².

Халқнинг воқеаларга бой тарихи, маданий мероси, аждодларимизнинг маънавий-маданий мероси. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқи ўзининг тарихий маконда эгаллаган ўрнига кўра миллион йиллик, тарихчилик тарихига кўра, унинг келиб чиқишига кўра 3 минг йиллик тарихга эга. Бу тарихни синчиклаб ўрганадиган бўлсак, унинг кўп қисми факат мустақиллик учун олиб борилган курашлардан иборат эканлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам ҳақли равишда айтиш мумкинки, ўзбек халқининг тарихи бу мустақиллик учун, озодлик

¹ *Муҳаммадиев Н.Э.* Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафқураси. – Т.: ТошПТИ. 2018. – Б. 24.

² *Каримов И.А.* Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // Унинг ўзи. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – Б. 502.

ва ободлик учун кураш тарихидир. Чунки бугунги кунда биз факат мустақиллик туфайли ўз тарихимизга, ўзимизнинг ота-боболаримиздан қолган маънавий-маданий меросга эга бўлдик. Шунинг учун ҳам *«ҳар бир халқ ўз юртига ҳақиқий эга бўлганда унинг тарихи ва салоҳияти бўй-бастини, унинг гўзаллигини дунё кўз ўнгида тўла-тўқис намоён эта олади»*¹.

Ўзбек халқининг маданий борлигини кенгайтиришни руҳий қўллаб-қувватловчи ғоя ва мафкураларнинг маънавий-маърифий асосларини санаб ўтиш ва уни ёритиб бериш жуда катта масъулият ва меҳнат талаб қиладиган ишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда ўзбек халқининг маданий борлигини кенгайтиришни руҳий қўллаб-қувватловчи мустақиллик фалсафасининг маънавий-маърифий асосларининг ҳақиқий ўзагини ташкил қилувчи асосий белгилари:

а) ўзбек халқининг миллий ғурури ва асосий фазилатларидаги эканлиги, уларнинг туркий халқларга мансублигида, улар билан яқин қон-қардошлигида, уларнинг тили ва дини, маданий ва тарихий илдизларининг бирлигида;

б) ўзбекларнинг барча Шарқ халқлари – қозок, қирғиз, туркман, тожик, афғон, эрон, араб, хитой, ҳинд ва бошқалар билан яқинлигида, улар билан ўзаро кўп минг йиллик яқин этник маданий муносабатларида;

в) ўзбекларнинг ўзига хос шарқона мустақил маънавий тараққиёт йўлининг бошқа қардош маданиятлар билан узвий ривожланишида;

г) ўзбекларнинг ислом маданиятини ва маърифатпарварлигини ўзига хос идрок этишида ва раванқ топтиришида;

д) ўзбекларнинг қадимдан Европа, кейинчалик рус маданияти билан яқин ҳамкорлигида;

¹ Каримов И.А. Бухоро шахрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги габрик сўзи // Унинг ўзи. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. ~ Т.: «Ўзбекистон», 1998. – Б. 372-6.

е) ўзбекларнинг очиқлигию меҳмондўстлигида, хоҳ мамлакат ичида, хоҳ ташқарисида барча миллат ва эллатлар, дин вакиллари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликка мойиллигида;

ё) ўзбекларнинг кўп асрлик оғир ва зиддиятли тарихида, буюк миллий давлатчилик намуналарини таркоқлик ўқинчларини, мустамлака зулумларини тўла қарамликни бошдан кечирганлигида;

ж) ўзбекларнинг истиқлол шарофати туфайли буюк миллат, халқ бўлиб бирлашуви, жипслашуви учун имкон яратилганида ва тараккиёт сари ўз мустақил йўлидан боришида;

з) ўзбекларнинг ўз кучига ишонишида, меҳнатсеварлигида, тиниб-тинчимаслигида, ишчанлигида, билимдон ва ташаббускорлигида;

и) ўзбекларнинг халқка, Ватанга садоқатида, фидойилигида, жонкуярлигида яққол кўзга ташланади.

Хулосалаб шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, йиллар ўтиши билан халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ўзбек халқининг мустақил ҳаёт кечириш фаолиятининг иқтисодий асослари янада баққувват бўлиб бораверади, сиёсий-ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланади, маънавий-маданий асослари миллий мафкура заминида ривожланиб ўзининг куч-қудратини намойиш этади.

Мустақилликнинг ижодкори ўзбек халқидир. Биз энди сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам ҳеч кимга қарам ва муте бўлмаймиз, бу ҳақиқат. Эндиликдаги асосий хавф – бу фикр қарамлигидир, халқимизнинг қандайдир ғайриинсоний ғоялар таъсирига тушиб қолишидир. Шунинг учун ҳам **«фикр қарамлиги, тафаккур куллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлидир»**¹. Зеро, шундай экан, дунёга келаётган ҳар бир ўзбек халқи фарзандининг бутун вужуди миллий истиқлол мафкураси нури билан тўлдирилиши, унинг маънавияти ҳар қандай ғоявий хавф-хатарларни енгиб

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ. миллагни – миллат килишга хизмат қилсин // Унинг ўзи. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 85.

ўтувчи кучга айланиши зарур. Бунинг учун курашиш керак, яъни кўзлаган мақсадимизни амалга ошириш учун, унга етишиш учун курашиш керак. Гоявий кураш чоғида **«Гояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Гояга қарши фақат гоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиши, олишиши мумкин»¹**. Ўзгача бўлиши мумкин эмас. Бу йўл мустақиллик йўлидир, ундан оғишмай борсак ўз мақсадларимизга эришамиз.

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халкни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қилсин // Унинг ўзи. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. Т. 7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 88.

IV БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИ – АДОЛАТ УЧУН КУРАШНИНГ ҒОЯВИЙ – МЕТОДОЛОГИК АСОСИ

Мустақиллик учун курашнинг ғоявий-методологик асосларини мустақиллик фалсафаси ташкил қилади. Бу фалсафа бир томондан, бирон бир халқнинг ўзгаларга қарамликдан, бошқа давлатларнинг мустамлакачилик сиёсатидан қутилишнинг назарий аҳамиятга молик бўлган стратегик йўлини асослаб беради, иккинчи томондан эса, озодликка эришган халқларнинг мустақиллигини ўз қўлида сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва келгуси авлодларга етказиб беришнинг «адолат тарозиси» сифатида тактик йўллари кўрсатиб беради.

1-§. Адолат – мустақиллик фалсафасининг ғоявий таянчи

1. Адолат тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти. Инсоният пайдо бўлибдики, у доимо ер юзиде адолат тантана қилиши учун курашиб келади. Чунки, адолат ҳар қандай жамият ҳаёт фаолиятини, унинг келгусидаги истиқболларини белгилашда буюк ғоявий ҳакам вазифасини бажаради. Бунда оқсоч тарих қаерда адолат ғояси ҳуқумрон бўлса, ўша жойда барқарор тараққиёт ва аксинча, адолат ғояси бўлмаган жойда эса шахс, элат, миллат ва халқлар таназзулга гирифтор бўлганлигидан далолат беради.

«Адолат» – арабча сўз бўлиб, одиллик, тўғрилиқ, ҳаққонийлик деган маъноларни англатади¹. Умуман олганда «Адолат» кенг

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. 1. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 41.

камровли тушунча сифатида жамиятдаги барча муносабатларни ўз ичига камраб олади. Шунга кўра **адолат деб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий муносабатларга киришган одамларнинг ўз бурч ва вазифаларини жамият томонидан ўрнатилган ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий меъёрлар талабларидан келиб чиққан ҳолда тўғри, қонуний, ҳалол, виждонан, ҳаққоний ва одилона бажаришларини ўзида ифодаловчи хатти-ҳаракатлар тизимига айтилади.**

Адолат тушунчасининг бунёдкор ғоя сифатидаги **мазмун-моҳияти** инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий мезони сифатида идрок этилгани учун ҳам доимо ижтимоий аҳамият касб этган ҳолда ва «ижтимоий адолат» тарзида ифодаланиб келинади. Бу хусусда давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев: **«Ижтимоий адолат – бу сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу – кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглигидир. Энг муҳими, бу – кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар тўғрисидаги гамхўрликдир. ...бизнинг фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қоидага – ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши шарт. Жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш борасидаги асосий вазифамиз – бу адолатли қонунлар қабул қилишдан иборат. Қисқача айтганда, қонун адолатли бўлса, у инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилса, шундагина одамлар қонунни хурмат қилади ва унга итоат этади»¹**, – деган эди.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир// <http://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-erkin-va-farovon-ayetimiz-mamlakatimizni-yanad-08-12-2017>.

Демак, ижтимоий адолат тушунчасининг бунёдкор ғоя сифатидаги мазмун моҳиятини:

- жамиятда демократиянинг мавжудлиги;
- инсоннинг ижтимоий ҳимоялангани;
- барчанинг қонун олдида тенглиги;
- фуқароларнинг иш билан таъминлангани;
- малакали тиббий хизматнинг қандай йўлга қўйилганлиги;
- уй-жой билан таъминланиш имконияларининг бор ёки йўқлиги;
- бепул таълим тизимининг ўрнатилганлиги;
- маданий неъматлар ва маънавий қадриятларга дахлдорлиги;
- меҳнатга яраша ҳақ олиш тизимининг қониқтириши;
- жиноятга яраша жазонинг муқаррарлиги кабилар ташкил қилади.

Уқориди баён қилинган фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, ижтимоий адолат инсонлар ҳаётида реал қадрият бўлиб, у адолатли ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш ҳамда фуқаролик жамияти шакллантириш ва ривожлантиришнинг узвий қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда адолат юксак маънавий қадрият бўлиб, у «тинчлик», «ҳамкорлик», «бахт-саодат» каби инсоннинг азалий эзгу ниятларини ифодаловчи олижаноб тушунчалар қаторига киради.

2. Адолат ғояси, унинг генезиси ва эволюцияси. Жамиятда адолат икки хил кўринишда:

биринчидан, адолат – бу жамиятда кишилар ўртасида бўладиган барча ижтимоий муносабатларнинг мезони;

иккинчидан, адолат – бу кишиларнинг жамиятда келгусида қарор топажак энг олижаноб эзгу истақларини ўзида ифода этувчи бунёдкор ғоя сифатида ўзлигини намоён қилади.

Унинг бу хилдаги кўринишлари диалектик тарзда бир бирларини тўлдириб туради.

Адолат ғоясининг генезисини:

биринчидан, инсониятнинг пайдо бўлиши билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларга киришган одамлар ўртасидаги алоқа-

ларни ахлоқий нормалар орқали тартибга солиш заруратининг пайдо бўлганлиги;

иккинчидан, катта-кичик уруғ ва қабилаларни бошқаришда ижтимоий-ахлоқ нормаларининг кенг қўлланила бошланиши;

учинчидан, одамларнинг мавжуд ижтимоий тартиб-қоидалардан розилиги ёки нарозилиги ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқиши ва кучайиб бориши;

тўртинчидан, кўпчиллик томонидан эътироф этилган ижтимоий-ахлоқий нормаларнинг қонун даражасига ўсиб ўтиши;

беешинчидан, ижтимоий-ахлоқий нормалари билан ҳуқуқий нормалар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқумрон доиралар манфаатидан келиб чиққан ҳолда уйғунлаштирилиши кабилар билан ифодалаш мумкин.

Адолат ғоясининг эволюциясини масалан, қадимги даврларда яшаган мутафаккирлар томонидан «адолат» ҳақида айтилган куйдаги фикрлар мисолида кўриш мумкин.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да: «Биз адолат истовида бу ерга келдик. Биз бу ерда адолатни истаймиз. Агар сен озурда бўлмасанг, адолат истагувчини мақсад манзилига етказасан. Захмларга ҳаммадан яхши малҳам бўлурсан. Ўғри ва қароқчиларни ҳаммадан кўра яхшироқ нобуд айлагайсан¹. Ҳар бир зардуштий адолатли, сулҳпарвар ҳамда некандеш бўлмоғи лозим»²,– деган кўплаб адолат кўплаб фикрлар баён қилинганлигини кўриш мумкин.

Қадимги юнон файласуфларидан бири, «биринчи муаллим» номига мушарраф бўлган мутафаккир **Афлотун** (Платон – миллоддан аввалги 428–347 йилларда яшаб ўтган) адолат ҳақида ўзининг «**Давлат**» номли мунозара, баҳслардан иборат бўлган тўпламида» Адолат – олтиндан қимматлидир. Энг кучли нарса – адолатнинг ўзидир. Ҳар кимнинг ўз иши билан шуғулланиши

¹ *Қаранг:* Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: «Шарқ», 2001.– Б. 250.

² *Қаранг:* Ҳомидий Ҳ. «Авесто»дан «Шоҳнома»га. – Т.: «Шарқ», 2007.– Б. 155.

адолатдир. Ҳар кимга ўзига муносибини бериш – адолатдир. Адолатли одам – этиборга лойиқ, донишманд одам, адолатсиз эса – жоҳил ва нолайиқ одам»¹, – деган эди.

Қадимги юнонистоннинг яна бир машҳур файласуфи Арасту (Аристотель – миллоддан аввалги 384–322 йилларда яшаб ўтган) адолат ҳақидаги аниқ фикрларини ўз шогирди Александр Македонскийга қилган куйидаги насиҳатларида баён этади:

«Эй Искандар, балки сен жиноятчини жазолашига буюриб, бунинг қилган гуноҳи учун берилган жазо ёки унинг тўғри йўлга киришига сабаб бўладиган тадбир деб ҳаёл қиларсан. Агар шундай иш қилишига жазм қилган экансан, аввало ўз қалбингга мурожаат қилгин. Бунинг сабабини қалбингнинг ташиқарисидан, сиртқи қисмидан эмас, балки тубидан, замиридан излагин. Жиноятчига жазо белгилашдан мақсаднинг яхши ном чиқаришими ёки қаҳру газабингга таскин беришими, шуни аниқлагин. Агар бу ишда кўзлаган мақсаднинг қасос олиши бўлса, билгилки, қаҳру газаб аччиқдир, аччиқ дарахт эса ширин мева бермайди. Агар жазони белгилашдан мақсаднинг, сенинг нуқтаи назарингдан ҳам, жиноятчи учун ҳам тузалиши бўлса, у ҳолда жиноятчини молу мулкидан маҳрум этсанг ёки таҳдид қилиб, қўрқитсанг, бу сени аччиқ устидан газаб билан оғир жазолар белгилашдан халос этади.

Зиндонга ташилашнинг ўзигина етарли бўлган кимсага нисбатан шамиш ишлатиши ёки таҳдид, дўк-нўписанинг ўзи кифоя қилган кишини зиндонга ташилаш лойиқу шойишта иш бўлмайди. Чунки бир хилдаги жиноятлар учун жазо белгилашда жиноятчилар ахлоқининг ҳар хиллигини назарда тутиш керак.

Билгил, агар ҳакамлик қилган чоғингда жазо белгилай туриб ҳаддан зиёда қаттиққўллик қилсанг ва белгилаган жазоларинг ҳақиқатга хилоф бўлса, мақсаднинг жиноятчини тўғри йўлга солиши бўлмаса, у ҳолда жазолаш орқали ўзингга етказган зараринг жазоланувчига етказган зарарингдан кўпроқ бўлади. Шундай бўлгач, қозилик қилганингда диққат ва синчковлик билан

¹ Қаранг: Афлотун. Давлат: насрий дoston. – Т.: Янги аср авлоди. – Б. 20–44.

иш тутгил, токи бегунохлар сенинг шамишинг ва қамчингдан ноҳақ балога гирифтор бўлмасин.

Жиноятини шамишр ва қамчисиз тузатиб бўлмайдиган одамлар сендан омонлик топмасин.

Ёлгондан сакдангил. Зеро, ёлгон нафсинг заифлигидан, фикрнинг сустлигидан ва кетини ўйламай иш қилишдан келиб чиқади.

Сен ҳирс ва тамадан сақланишинг керак. Сен ислоҳ эта оладиган ва ўзингнинг ёрдамнинг билан тузалишингга сабаб бўладиган куч тўғрилиқ, порсолик ва тақводорликдир.

Шаҳвоний ишлардан парҳез қилгил. Шаҳватни тарк этишида қуйидаги ҳикматни ёдда тутсанг сента ёрдам беради. Билгил, шаҳват ақлни емиради, фикрни қоронгулаштиради, шахснинг обрўига доғ туширади ва унинг буюк ишлар қилишига тўсқинлик этади.

Билгилки, адолат буюк ва қудратли худонинг ер юзидаги ўлчовидир. Унинг ёрдамида заиф бўлган ҳақ одам кучли бўлган ноҳақдан ўз ҳақини олади. Кимки, Аллоҳ бандалари орасида ўрнатган илоҳий адолат ўлчовини бузса ва ундан четлаиса, катта нодонликлар қилиб, хатоликларга йўл қўяди...»¹

Ўрта асрларга келиб адолат ғояси Марказий Осиёлик мутафаккирлар ижодининг асосий қисмига айланади. Бунинг мисолини Амир Темурнинг давлатни адолатли бошқариш асосида жамиятда адолатпарварликнинг қарор топтириши борасида киган саъи-ҳаракатлаприда кўриш мумкин.

3. Амир Темурнинг «Куч – адолатдадир» ғоясининг тарихий аҳамияти. Соқибқирон Амир Темур таниқли давлат арбоби сифатида давлатни бошқариш, давлат хизматчиларининг, хусусан давлатда ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш учун масъул бўлган кишиларнинг ахлоқий фазилатларининг сараси бўлмиш адолат ҳақида илғор ғояларни илгари сурган ва унга амал қилган.

Давлат қурилиши масаласида: «Давлат агар дину тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салта-

¹ Қаранг: Арастуниг Искандарга насиҳати // Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдли Ж 1 – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 39–46.

натнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайдирким, уни кўрган ҳар кимса ундан нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди»¹, – деган ўғитни баён қилиб, ҳар бир давлат раҳбари ўзининг салтанатини биринчи навбатда, адолатли қонун-қоидалар асосида қуриши, бу қонун-қоидаларнинг фуқаролар томонидан тан олинишини таъминлаб, уларнинг бажарилиши йўлида хизмат қилиши лозимлигини уқтиради.

Давлатни адолатли тарзда бошқариш масаласига келганда эса, биринчидан кенгаши; иккинчидан, машварату маслаҳат; учинчидан, ҳушёрлигу муло- ҳазакорлик, қатъий қарор, тадбиркорлик; тўртинчидан, эҳтиёткорлик билан иш юритиш керак, деган қоидани баён қилган ҳолда, давлатни бошқариш ниҳоятда катта маъзулият талаб қилишини, уни ўзбошимчалик билан эмас, балки халқ қалбига қулоқ солиш орқали оқилона бошқариш зарурлигини таъкидлайди.

Айниқса, мамлакатни бошқариш ҳуқуқ-тартибот шиларини ташкил қилишда давлат вазирларининг ўрни катта эканлигини англаган Амир Темур: «...Султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар тутсин, токи подшоҳ зулм қидгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агар вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди»², – деб уқтирган ҳолда «адолагти вазирлир давлат устунидир» деган ғояни илгари суради.

Амир Темур давлатни идора қилиш ишларини қуйидаги ўн икки қоидага:

«1) ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватлаб, Муҳаммад Мустафонинг шариятига дунёда ривож бериш;

¹ Қаранг: Темур тузуклари. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр, 1996. – Б. 72.

² Қаранг: Темур тузуклари. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр, 1996. – Б. 86.

2) ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан иш кўриб, давлат, салтанат устунларини ўшалар билан мустаҳкамлаш;

3) маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва хушёрлик, эҳтиёткорлик билан иш кўриб, дўсту душман билан муросою мадора қилиш;

4) давлат ишларини салтанат қонун- қоидаларига асосланган ҳолда бошқариш;

5) амирлар ва сипоҳийларни мартаба ва унвонлар билан мукофотлаб, хушнуд этиш;

6) адолат ва инсоф билан иш горитиш;

7) саййидлар, уламо машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, хабарчиларнинг иззату ҳурматларини жойига қўйиш;

8) азму жазм билан иш тутиб, бошлаган ишни охирига етказиш;

9) раият аҳволидан огоҳ бўлиш, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўриш;

10) турку тожик, арабу ажамнинг (барча халқлар ва миллатларнинг) турли тоифа ва қабилаларидан бўлган кишиларни тенг кўриб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш;

11) фарзанддар, қариндошлар, ёру биродар, қўшнилар ва дўстларни унутмаслик, ҳолидан хабар олиш;

12) дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилиш»¹, – асосида амалга оширганлигини айтиб, ҳар бир давлат арбобига ўз салтанагини ана шу қоидалар асосида адолатли бошқаришни маслаҳат беради.

Амир Темур давлатда адолатли тарзда ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш ишлари билан бевосита амирлар, вазирлар, ҳокимлар, қозилар, нуёнлар, мингбошилар, юзбошилар, шайхулисломлар, садрлар, муфтийлар, кадҳудолар, калонтарлар шугулланиши кераклигини айтиб, улар қуйидаги ахлоқий фазилатларга эга бўлиши зарурлигини уқтиради.

¹ Қаранг: Темур тузуклари. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр, 1996. – Б. 68–72.

Биринчиси беғаразлик, яъни ҳаммага бир хил жиддий ва одилона қараб, ҳеч кимни бир-биридан фарқ қилмасдан. бойни камбагалдан устун қўймасдан иш юритиш фазилатига эга бўлиши. Чунки, қаерда ғаразғўйлик бўлса, ўша жойда адолат қарор топмайди, қонуннинг устунлиги таъминланмайди. Беғаразлик қонун устунлигини таъминловчи юксак ахлоқий хислат бўлиб, адолатли жамият куришнинг маънавий таянчларидан бири ҳисобланади.

Иккинчиси – ростғўйлик, яъни ҳақиқатни ёлғондан ажрата билиш асосида адолатни қарор топтириш фазилатларига эга бўлиш. Унинг ўзи бутун умри мобайнида «*куч – аботдадир*», *аниқроғи «рости друсти»*, яъни «*ҳақиқат – сиҳат саломатлик, ҳақиқат – тартиб, ҳақиқат – адолатдир*»¹ деган ғояни илгари сурган ҳолда иш кўрган эди. Чиндан ҳам, адолатнинг, ҳақиқатнинг бўлмаслиги инсонда ўзига, атрофидагиларга, қонун кучига, қолаверса. давлат ҳокимиятига ишончсизлик келтириб чиқаради. Шундай экан, адолатни, ҳақиқатни қарор топшириш ҳуқуқ-тартиботчилар фаолиягининг тамал тоши ҳисобланади. Зеро, адолатпарварлик, ҳақиқгўйлик нафақат юксак ахлоқий фазилат, балки ҳуқуқ-тартиботчиларнинг муқаддас бурчи ҳамдир.

Учинчиси – раҳм-шафқатлилик, яъни гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, адолат, ҳаққоният юзасидан ҳукмлар чиқариш асосида иш юритиш фазилатларига эга бўлиш. Дарҳақиқат, қаерда раҳм-шафқат бўлса ўша ерда ҳуқуқ-тартибот ўзаро ишонч асосида қарор топади, ашаддий жиноятчиларга нисбатан халқнинг қаҳр-ғзаби ошади. Аксинча, раҳм-шафқат қилинмаган жойда ёвузлик келиб чиқади. Ёвузлик эса одамлар ўртасида нифоқ солувчи қора куч бўлиб, давлат ҳокимиятининг илдиэларини емиради.

Тўртинчиси – ҳар қандай одамнинг гуноҳини бир мартаба кечириш, иккинчи, учинчи марта гуноҳ қилса, у ҳолда гуноҳига яраша жазолаш, яъни кечиришни, кечиримли бўлишни юксак

¹ *Қаранг: Мўминов И.М.* Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Ёзма манбалар маълумоти асосида // Унинг ўзи. Танланган асарлар Биринчи том. – Т.: Фан, 1969. – Б. 463.

ахлоқий фазилат деб билиш. Кечириш одамлар ўртасидаги меҳр-шафқатнинг мезони, раҳмдилликнинг негизи ҳисобланади. Шу туфайли, кечириш, афв этиш мамлакатда ўрнатилган адолатли тартибнинг самарадорлигини оширувчи омиллардан биригина бўлиб қолмасдан, айна вақтда қабул қилинган қонунларнинг инсонпарварлик даражасини кўрсатувчи мезонлардан бири ҳисобланадики, бу мезон бузилган жойда ҳуқуқ-тартиботчилар халқ назаридан қолиб, унинг нафратига дучор бўлади.

Бешинчиси – «иймон билан қудрат бир онадан туғилган, мустаҳкам иймонга таянган қудрат буюк бўлади» деб, ҳар бир фуқаронинг айниқса ҳуқуқ-тартиботчининг иймон-эътиқодли бўлиши. Шубҳасиз, иймон бутун бўлган жойда қонунга итоаткорлик устун бўлиб, ҳуқуқ-тартиботчи ахлоққа зид иллатлар ва жиноятлар оғушига ботиб кетмасдан, ҳар қандай шароитда ҳам Ватан олдидаги бурчини бажаради. Иймонли-эътиқодли ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари билан давлат куч-қудратга тўлиб, буюклик сари қадам ташлайди¹.

Амир Темур давлатда ҳуқуқ-тартибот ўрнатувчиларнинг ахлоқий фазилатларини баён қилиш билан бир қаторда, яхши ахлоққа зид бўлган ғийбат, туҳмат, уйдирма, ёлгон, зулм қилиш, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш, пайига тушиш, гина-кек сақлаш, ҳасад қилиш, ичиқоралик каби иллатларни буткул қоралайди. Бундай кишиларга ҳуқуқ-тартибот ишларини ишониб топшириш мумкин эмаслигини қайта-қайта уқтиради.

Амир Темур ахлоқий хислатларининг марказида турувчи энг муҳим фазилатлардан бири инсонпарварлик бўлган. У ҳар бир мамлакатни фатҳ этгач, уни тартибга келтириш ва юксалтириш, ободончилигини таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгилаб, катга ишларни амалга оширган. Айниқса, солиқ масаласида одилона иш юритиб, хирожни экиндан олинган ҳосил ва ернинг унумдорлигига қараб олишни, солиқ ундириш ишларини фақат

¹ *Қаранг: Муҳаммадиев Н.Э.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. Дарслик. Иккинчи нашр. – Т.: ИИВ Академияси, 2014. – Б. 43–50.

буйруқ бериш ёки яхши сўз билан амалга оширишни тайинлаган, солиқ тўламаганларни калтаклаш, уриш-сўкиш, аркон солиб су-драш, занжирбанд қилишни қатъиян тақиқлаган.

Худди шунингдек, амалдорларга кимки бирон чўлни, ташландиқ ерни обод этса, ундан биринчи йил солиқ олмасликни, хароб ерларни ўзлаштиришга кучи етмаганларга турли асбоб-ускуна ва керакли нарсалар беришни тайинлаган ва унинг бажарилишини назорат қилган. Бузилган йўлларни тузатиш, янги йўл ва кўприклар қуриш ишларига эътиборини қаратиб, йўловчиларнинг ўзини ва мол мулкининг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйган.¹

Булардан ташқари. мамлакатни ободонлаштириш, маданий-маърифий ривожлантириш учун катта-кичик ҳар бир шаҳар. ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса, ҳокимлар учун сарой, ҳуқуқ-тартиботчилар учун дор ул-адолат, яъни қозихона, камбагал, етим-есирларга овкат бериладиган ғарибхоналар қурдириб, касаллар учун шифохоналар солдириб, уларда ишлаш учун табиблар тайинлаган ва ўз «Тузук»ларида қайд этилган ана шу талабларни келгуси ҳукмдорлар ўзларининг дилларига жо қилишларини маслаҳат берган Амир Темур жон таслим қилиш олдидан: *«Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни қўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик – дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин...»*², – дея васият қилган эди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ўзбек халқининг номини жаҳон тарихига олтин ҳарфлар билан битишдаги беқиёс хизматлари ҳақида И.А. Каримов: «Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Те-

¹ Қаранг: Темур тузуклари. – Т.: Ф. Фулом номидаги Ацабиёт ва санъат нашр., 1996. – Б.94.

² Қаранг: Амир Темур васияти // Амир Темур ўғитлари (Тўплам). – Т.: Наврўз, 1992. – Б. 61.

мур сиймосини эслаши керак»¹, «Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих каърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, кудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир»², – деган эди.

4. Жаҳон мутафаккирлари адолат ҳақида. Жаҳонга танилган мутафаккирлар адолат ва ҳақиқат ҳақида шундай фикрларни билдирганки, улар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган адолатли ҳуқуқий демократик жамиятни куриш ғоясининг фалсафий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Булар куйидагилардан иборат.

– *Куч – адолатдадир. (Амир Темур)*

– *Адолат ва ҳақиқат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар ва бошлиқ қаттиқ азоб-уқубат ва балого гирифторм бўлади. (Абулқосим аз-Замахшарий)*

– *Агар адолат ҳимоя қилинмаса, заиф ва кучли одамлар йўқолиб кетади. Халқнинг аҳволи адолатсиз яшиланмайди. (Хусайн Воиз Кошифий)*

– *Адолат ҳаёт учун нон сингари керакли озуқадир. (Л. Берне)*

– *Адолаттарвар одамнинг ахлоқий хислатлари бемалол қонун ўрнини боса олади. (Менандр)*

– *Адолат кетган жойда кишилар ҳаётининг қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нарса қолмайди. (И. Кант)*

– *Агар ҳокимият атрофида адолат ҳукм сурмаса, уинқирозга юз тутади. (Абу Бакр ал-Хоразмий)*

– *Юрт ободлиги тўрт нарса сабабидан: раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховат, муҳтожлар дуоси. (Абу Ҳомид ал-Ғаззолий)*

¹ Каримов И.А. Халқимиз бор экаи, Амир Темур номи барҳаётдир // Ушшг ўзи. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон. 1997. – Б. 169.

² Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. // Унинг ўзи. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19, – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 285.

– Ким адолатсизлик бўлаётганини билатуриб суқут қилса, гўё у соқов шайтондир. (Абу Али Даҳқоқ)

– Дунёда адолатлироқ нарсани кўрмадим: унга хизмат қилсанг, сенга хизмат қилади, уни тарк этсанг, у ҳам сени тарк этади. (Абу Абдуллоҳ Мағрибий)

– Кучга таянмаган адолат гирт ожизликдир, адолатсиз куч эса – зўровонлик. Демак, адолатни куч билан уйғунлаштирмоқ ва бунинг учун адолатнинг кучли, кучнинг эса адолатли бўлишига эришмоқ зарур. (Б. Паскаль)

– Азизим, адолатли шоҳ, амалдор халқнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлаш учун гамхўрлик қилмас экан, фитнанинг қўли азоб-уқубатни, адолатсизликни кучайтиришига кўмаклашади. Агар адолат шаъмининг нури билан бечора халқнинг уйини ёритмас экан, ситамдийдаларнинг дили каби мамлакат ҳавзаси гамга ботади, қоронғилашади.

БАЙТ

*Адолат дастини тутгайки яхши шоҳ,
Анга пушту паноҳ бўлгай ўзи Оллоҳ.
Адолатдан қўлин тортса агар султон,
Ситаминдан вилоятлар бўлур вайрон¹.*

(Хожа Самандар Термизий)

2-§. Адолат ғояси – кишилар фаолиятининг кузгуси ва ҳаками

1. Адолат принципи тушунчаси ва унинг мезонлари. Жамиятда тинчликни сақлаш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлашдаги энг муҳим принципларидан бирини адолат билан иш юритиш ташкил қилади.

¹ Қаранг: Термизий Хожа Самандар. Дастур ул-мулук: Подшоҳларга қўлланма. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – Б. 62.

Адолат принципи деб кишиларнинг жамият томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий нормаларни ҳаққонийлик билан, одилона ва ҳолисона, тўғри, қонуний тарзда ҳаётга татбиқ этишига қаратилган фаолиятига айтилади.

Бу принцип, ўз мазмунига кўра, уч таркибий қисмдан - тақдирлаш мезони, талаб қилиш мезони ҳамда қонуний баҳо беришдан ташкил топади

Адолат принципининг:

1) *тақдирлаш мезони* деганда – жамиятнинг, хизмат жамоаларининг ҳар бир одамни, хизматчини қитган меҳнатига (хизматига) яраша сийлаши ёки қилмишига яраша жазолаши;

2) *талаб қилиш мезони* деганда – шахс-хизматчининг жамият ва хизмат жамоалари томонидан норма, одоб қондаси, анъана, урф-одат шаклида қарор топган ахлоқий талабларга оғишмай амал қилишини, уларни бажаришини қатъий талаб қилиши;

3) *қонуний баҳо бериш* деганда эса ўрнатилган ахлоқий баҳолаш ўлчови асосида ҳар бир ҳаракатга берилган баҳонинг тўғри ёки нотўғрилигини белгилаб бериши тушунилади.

Адолат принципи жамиятимиз фуқароларининг фаолиятида куйидаги ҳолларда яққол кўринади.

Республикамиз Конституциясида баён этилганидек, Ўзбекистон Республикаси, энг аввало, ўзининг барча фуқароларини – жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар – қонун олдида тенг деб билади (12-модда), Бу олий даражадаги адолат принципининг кўринишидир. «Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақданиши мумкин эмас. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас» (24-модда).

Бундай адолатли қонун-қоида жамиятимизда тинчлик, ҳамкорлик ва барқарор тараққиётини таъминлашнинг кузгуси, тактик ва стратегик таянчи ҳисобланади. Зеро Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ, «жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас» (8-модда), шунингдек «қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт» (10-модда).

Адолат принципи ҳар бир раҳбардан, мутассади ходимидан объектив, ҳаққоний, беғараз, садоқатли, раҳмдил бўлишни талаб қилади.

Улуғ аллома Носириддин Тусий: «Ижтимоий адолатнинг учта асоси талаби бордир, булар: биринчидан, аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлаш; иккинчидан, эл-улуснинг ҳақ-ҳуқуқи тенг таъминланган ҳолда кишиларни хизматга тайинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиш; учинчидан, барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишига имкон яратишдан иборатдир»¹, – деган эди. Бу доно фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг кучини йўқотгани йўқ.

2. Адолат принципининг жамият ҳаётида амал қилиш қоидалари. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият барпо этилмоқда. Ҳеч шубҳасизки, бу жамиятда умум эътироф этган адолат принципларининг қоидаларига мувофиқ тарзда фаолият олиб борилади.

Адолат принципининг демократик жамиятда амал қилиш қоидаларини қуйидагича: 1) талаб ва таклиф қоидаси; 2) тенг им-

¹ Қаранг: *Иброҳимов А., Суятонов Х., Жураев Н.* Ватан туйғуси – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 33–39.

кониятлар қоидаси; 3) эҳтиёж қоидаси; 4) ижтимоий кафолат қоидаси; 5) хизмат кўрсатиш қоидаси; 6) мутаносиблик қоидаси; 7) эквивалентлик қоидаси; 8) рағбатлантириш қоидаси; 9) касбий лаёқатлилик қоидаси; 10) ижтимоий фойдалилик қоидаси кабиларга ажратиш мумкин. Мазкур қоидалар бозор иқтисодиётига асосланган барча демократик жамиятларда кенг қарор топган. Бу қоидалар ҳаётга қанчалик кенг жорий этилса, фуқаролик жамияти пойдевори шунчалик мустаҳкам бўлади. Айни пайтда мутахассислар бу қоидаларни тўлдирувчи бошқа принциплар ҳақида ҳам фикр юритади. Америкалик социологлар Р. Хьюсман ва Д. Хэтфилд «адолат омили» принципини асослаб, уни амалга оширишдаги қўл келадиган қоидаларни келтиради. Булар қуйидагилар: 1) инсон ўзгалар билан муносабатини ўзининг жамият ишига қўшган ҳиссаси ва шунинг эвазига оладиган улушини таққослаш орқали баҳолайди; 2) ҳисса ва улушнинг ўзаро мос келмаслиги норозиликка сабаб бўлади; 3) инсон ўзига тегаётган улушдан қониқмаса, ўзича адолатни тиклашга ҳаракат қилади. Хуллас, ижтимоий адолатнинг мазкур қоидалари жамият барча аъзолари учун умумийлиги ва бир хилда татбиқ қилиниши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, бу қоидалар ижтимоий уйғунликнинг зарурий асоси ҳисобланади¹.

3. Демократик жамиятни барпо этишда адолат ғоясини қарор топтиришдан кўзланган мақсад ва вазифалар. Ўзбек халқининг асосий мақсади адолат ғоясига асосланган демократик жамиятни барпо этишдир. Адолат ғоясининг ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишдаги тактик² вазифалари қаторига жамиятнинг кундалик ҳаёти, шунингдек яқин икки, уч йил ичида бажарадиган қуйидаги:

¹ Қаранг: Маънавият:асосий тушунчалар изоҳли луғати – Т.: Ғафур ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – Б. 18.

² «Тактика» (юнонча *taktike* – қўшин тузиш, сафлаш маҳорати) – кўзланган мақсадга эришмоқ учун олиб бориладиган курашнинг муаян шариоитга мос йўл ва воситалари, шакл ва усуллари // Ўзбек тилининг изоҳий луғати. Ж.3. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 646.

биринчидан, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш;

иккинчидан, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш асосида улар орасидаги мувозанатни сақлаб туриш;

учинчидан, жамиятдаги мулкчилик муносабатларини, ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш;

тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи восита сифатида хизмат қилиш;

бешинчидан, воқелиқда кенг илдиз отган, лекин ижтимоий тараққиётга тўсиқлик қилаётган муносабатларни бартараф этиш;

олтинчидан, келажакка ишонч туйғуларини уйғотиш вазифаларни киритиш мумкин.

Адолат ғоясини жамиятда қарор топтириш учун кураш юқорида келтирилган вазифаларни бажариш билан тугамайди. Мадомики, биз мустақил мамлакат сифатида дунё тургунча турмоқчи эканмиз (бунга шубҳа йўқ, албатта) адолат ғоясини қарор топтириш борасида стратегик¹ вазифаларни олдимизга қуйиш ва уни бажалиш механизмларини ишлаб чиқишни ҳам талаб қилади.

Ана шундай стратегик вазифаларни бажаришни ўз ичига қамраб олган бирини Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2017 йилнинг 7 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»** Фармони ташкил қилади.

Шуни ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, унинг ҳар бир банди ижтимоий адолат ғоясини амалга ошириш вазифаларини

¹ **«Стратегия»** (юнонча *strategia* < *stratos* – қўшин + *ago* – бошлаб бораман) асл маънода «уруш олиб бориш санъати», кўчма маънода «ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати», шунингдек, «умуман, **бошқарувни тўғри ва истиқболли режалаштириш санъати**» // Ўзбек тилининг изоҳи лугати. Ж. 3. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 573.

Ўзида акс эттирган бўлиб, унинг сўзсиз бажарилиши эса мамлакатимизда адолатли демократик жамиятни барпо этишга ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда адолатли демократик жамиятни барпо этишда ижтимоий адолат ғоясини амалга ошириш борасидаги стратегик вазифалар қаторига қуйидагиларни:

- ҳар бир фуқаронинг табиий яшаш ҳуқуқини мустаҳкамлаш ва уларнинг жамият олдидаги бурч ва ҳуқуқларини уйғунлаштириб бориш;

- ҳар бир фуқарони ўзи танлаган касб-корига қараб тўлиқ иш билан таъминлашга эришиш, уларнинг ижодий иш билан шуғулланишига шарт-шароитларни яратиб бериш;

- ҳар бир фуқаронинг саломатлигини сақлаш бўйича одилона иш олиб бориш ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш;

- моддий ва маънавий ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган неъматларни, уларнинг қўшган ҳиссасига яраша истеъмол қилиш маданиятини шакллантириш, юлғичлик ва боқимандаликка қарши кескин чоралар кўриш;

- мулкий муносабатларни ривожлантиришда соғлом рақобатнинг аҳамиятини ошириш, уни жамиятнинг ҳаракатлантирувчи механизмига айлантириш;

- давлат бошқарувининг ҳар қандай бўғинида халқ билан мулоқот қилиш асосида, унинг куч қудратига қараб одилона иш олиб бориш, яъни раҳбарлик сиёсатини юритиш;

- аёллар, болалар, ногиронлар, кексалар ва бошқа ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларга моддий ва маънавий ёрдам қўлини чўзиш, саховатпеша бўлишни таъминлаш кабиларни киритиш мумкин.

4. Адолатпарварлик ва унинг моҳияти. Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб жамият ҳаётида адолатпарвар кучлар билан адолатсизлик қилувчилар ўртасидаги тинимсиз кураш давом

этиб келади. Адолат ғоясининг амалдаги ифодаси ҳар бир шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият ва давлатнинг адолатпарварлик билан иш юритишида яққол кўзга ташланади. Шундай экан адолатпарварлик нима? **Адолатпарварлик** – бу кишиларнинг жамиятда ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий нормалар асосида шаклланган устувор инсоний муносабатлар доирасида бир бирларига нисбатан тенг ва ҳолисона муносабатда бўлишидир.

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ рўёбга чиқарилиши, мулкка эгалик ҳиссининг, тадбиркорлик ва ишбилармонлик каби фаолият шакллари мустаҳкам қарор топиши, барча фуқароларнинг ўз имконият ва қобилиятларини намоён қилиши учун етарли имкониятлар яратилаётгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай уйғунликни таъминлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Албатта, фуқаролик жамияти ҳаётимизда баъзан учраб турадиган айрим адолатсизлик кўринишлари билан келиша олмайди. Бундай камчиликларга барҳам беришда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув идораларининг адолат ва қонун устуворлиги муҳитини жорий этиш борасида яқин ҳамкорликда иш олиб бориши катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда илгари сурилаётган ва изчил амалга оширилаётган «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, балки инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган принципиал қоида адолатпарварлик тамойилининг барча соҳалардаги фаолиятимизнинг бош мезонига айлантиришни тақозо этади. Шу боис жамият ҳаётида ижтимоий адолат қоидаларини ҳаётга реал жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни кучайтириш; аҳолини аниқ йуналтирилган ижтимоий ҳимоялаш қоидаларига изчил риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратининг замонавий услубларини янада кенгрок жорий этиш; сиёсий партиялар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва ОАВнинг турли соҳалардаги ислоҳотларни янада изчил ва қатъият билан амалга оширишда фаол бўлиши айниқса муҳимдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун адолатлилик энг муҳим хислатлардан бири бўлмоғи керак. Чунки адолат азалдан халқимизда ардоқланган энг улуғ хислатлардандир. Шунга кўра ҳар бир мутассади ходим адолатпарвар бўлиши керак. Адолатли бўлиш – одобнинг устуни, инсонийликнинг асоси ҳисобланади. Ҳар бир масъул ходим одоб ва инсонийликка етишаман деса, адолатли бўлишни унутмаслиги керак. Адолатли сўз уни айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам манфаат етказди. Тўғрилик одамларни ҳамиша яхшиликка етказди, яхшилик эса адолатга етказди.

Адолатпарварлик – инсондаги ўткир ақл, соф мулоҳаза, тоза кўнғил, олижаноблик ва мардликни кўрсатувчи далилдир. Дунёда адолатпарварликдан кўра кўркамроқ хулқ ва табиат йўқ ва ундан кўра шарафлироқ хислат ва иқбол, таъсирлироқ наф килувчи нарсани топиш амри маҳолдир.

3-§. Адолатсизлик: шакллари ва унга қарши кураш чора-тадбирлари

1. Адолатсизлик тушунчаси. Адолатпарварликнинг зидди – бу адолатсизликдир. **Адолатсизлик** – бу кундалик ҳаётда айрим кишиларнинг жамиятда ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий нормалар асосида шакланган муносабатлар доирасида бир бирларига нисбатан менсимаслик, лавозимини пеш қилиши, қўлга киритган бойлиги билан мақтанishi, орқасида турган «ака» сига шиоиб бировларни қўрқитиши ҳисобига ўзгаларнинг мулкни ўзлаштириши, боқимандалик кайфиятига берилиши каби гайри инсоний муносабатлар асосида хатти-ҳаракатлар содир этишидир. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, адолат меъёрлари, қонун ва жамият томонидан ўрнатилган тамойилларининг бузилиши, маънавий тамойилларга амал қилмаслик адолатсизликни келтириб чиқаради.

Адолатсизлик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа шаклларда намоён бўлади. У гоҳида бутун жамиятга,

баъзан шахслар ёки ижтимоий субъектларга (синф, гуруҳ, партия, миллат, давлат ва б) нисбатан бўлиши мумкин. Тарихда адолатсизликнинг хилма-хил куринишлари учрайди, чунон- чи, босқинчилик урушлари, колониализм сиёсати, халқларни она юртдан зўрлик билан кўчириш, муайян халқ ёки миллатга нисбатан геноцид уюштириш, миллий маданиятидан жудо қилишга интилиш, унинг бошига бўҳтонлар ёғдириб, ёмонотлиқ қилиш, таҳқирлаш ва шу кабилар.

2. Адолатсизлик шакллари. Адолатсизлик нисбий тушунча бўлиб, унинг бошқа шакллари ҳам учраб туради. Буларга қуйидагилар киради.

1. **Протекционизм.** *Протекционизм* (лотинча *protectio* – ҳимоялаш) ижтимоий ҳаёт учун хавфли бўлган иллат бўлиб, юқори мансаб ва мавқега эга бўлган шахс томонидан ўзга шахснинг муаммоларини ҳал қилиш учун ноқонуний ҳомийлик кўрсатиш ҳисобланади. Демак, у ҳокимиятни ғаразли мақсад йулида ноқонуний қўллаш билан боғлиқ ҳолатдан иборат бўлган жиноятдир.

2. **Бюрократизм.** *Бюрократизм* (французча *bureau* – девонхона, идора; ёзув столи ва юнонча *kratos* қудрат, ҳокимият) – бу ўз вазифасига расмиятчилик билан қаровчи, расмиятпараст, тўрадир, яна ҳам аниқроғи ишга, ўз вазифасига расмиятчилик ва совуққонлик билан қараш, қуруқ расмиятчилик билан иш тутиш, қоғозбозлик, тўрачилик билан иш юритиб ечилиши лозим бўлган муаммонинг ечимини атайлаб мураккаблаштиришдир. У жамиятнинг демократлашувига нисбатан жиддий тўсиқ ҳисобланади. Бюрократия ҳал этилмаган ижтимоий муаммоларнинг янада мураккаблашувига, баъзан ҳатто кескинлашувига олиб келади. Кўпинча, бюрократ ўзи учун муайян имтиёзлар- ни ноқонуний равишда жорий этишга уринади. Иш жараёнидаги зўравонлик, ишни яхши билмаслик, мансабдорларга кўр-кўрона итоат этиш, расмиятчилик, сансалорлик, буйруқбозлик, кўзбўямачилик каби иллатлар сохта обрўга интилиш, фиску фасод, такаббурлик, одамларга беписандлик, ёлғон гапириш, шароитга мослашиш

орқали пардаланади, натижада протекционизм, маҳаллийчилик, буйруқбозлик каби салбий ҳолатлар юзага келади.

3. Боқимандалик. Боқимандалик ўзини ўзи муносиб баҳолай олмаслик, ўз қобилияти ва жам-тдаги ўрнини нотўғри тушуниш оқибатидир. Жамиятда боқимандаликнинг кучайиши икки хил салбий ҳолатга олиб келади. Биринчи ҳолатда шахс ўз хизматларини ортиқча баҳолаб юборади. Натижада у «одамлар менинг олдимда қарздор» қабилдаги сохта тасаввурлар билан ўзига кўпроқ имтиёзлар талаб қила бошлайди. Иккинчи ҳолатда эса шахс ўз им- кониятларини етарли баҳолай олмайди ва шу тариқа ношуд, ташаббусдан йироқ, иродасиз одамга айланиб, «Берсанг – ейман, урсанг – ўламан» деган нақлдаги аянчли ҳолатга тушиб қолади. Боқимандаликнинг илдизлари аввало тарбиядаги нотўғри ёндашув билан боғлиқ. Иккинчидан, шахснинг ижтмоийлашув жараёнида узилиш юз бериши, унинг ижтимоий муносабатларга тўла жалб этилмаслиги оқибатида келиб чиқади. Бундай кимсалар умрбод «давлат ёки бошқалар мени боқиши керак» деган кайфиятда кун кечиради.

4. Адолатсизликка қарши кураш чора-тадбирлари. Адолатли ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ўзбек халқининг пировард максадидир. Адолатли жамият куриш учун адолатсизликка қарши курашиш керак. Ўзбек халқининг буюк фарзанди **И.А. Каримовнинг: «Адолат» сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.**

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.

Айниқса, раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Авваллари ҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: **халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.**

Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан тортиб Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган «Сиёсатнома» деган асарда подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, козию куззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси «кўю кўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, **ҳаром қўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборат**», деб кўрсатилган.

Ҳар сафар шу каби ҳикматли фикрларни ўқиганимда чуқур ўйга толаман. Қани эди, шу сўзлар ҳар бир раҳбарнинг, амал курсида ўтирган катта-кичик мансабдорларнинг иймон-этиқодига айланса, деб орзу қиламан.

Менинг комил ишончим шундан иборатки, дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолаверса, одам ўз қилган гуноҳдари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочасан?

Агар одам охиратдан қўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди.

Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, адолат тамойилини устувор принцип сифатида эътироф этамиз. Ва ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан ортга қайтаролмайди¹. Адолатга интилиш – халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши-

¹ *Каримов И.А.* Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин// Унинг ўзи. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 239–240.

га сидқидилдан хизмат қилиш керак¹. Чунки, одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин. Аммо адолатсизликка чидай олмайди»², – деган фикрларини доимо ёдда тутишимиз зарур.

И.А. Каримовнинг қолдирган сиёсий меросини методологик асос сифатида қабул қилган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев жамиятда адолатни қарор топтириш учун адолатсизликларнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш ишига қаттиқ киришди.

Адолатсизликка қарши курашиш борасидаги тактик ва стратегик йўналишлар қилиб қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

1. Аҳолининг саломатлигини сақлаш борасида ҳар бир фуқаронинг малакали тиббий ёрдам олишлари учун дори-дармон ва бошқа ихтисослашган шифо муолажаларининг хизматлар кўрсатиш қийматларини орзонлаштириш ҳамда айни вақтда беморларни даволаш ишида учраётган поражўрлик, юлғичлик, бюрократия, протекционизм каби иллатларига қарши кескин чоралар кўришни мунтазам тарзда йўлга қўйиш.

2. Жамият томонидан яратилган моддий ва маънавий неъматларни тақсимлашда, ҳар бир инсоннинг қўшиган хисса ва улушларга қараб тақсимот ишларини амалга ошириш, пировардида аҳолининг кескин тарзда табақаланиб кетишига, яъни бир томонда ўта бойлар, иккинчи томонда эса ўта қашшоқ-камбағалларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик. Пировардида ўз мулкига эга бўлган ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш. Уларни жамиятимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоқотларни чуқурлаштириш йўлида // Унинг ўзи. Ватан саждоғоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996 – Б. 354–355.

² Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш – ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи // Унинг ўзи. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 295.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг барча бўғинларида адолат кузгуси ва ҳаками бўлган халқчил қонунлар талабларини сўзсиз бажаришга эришиш. Қилинган ишлар ҳақида халқ олдида мунтазам равишда ҳисобот бериб бориш. Халқнинг фикрини – адолат кузгуси ва ҳаками деб тушуниш.

4. Адолатли ҳукм чиқарувчи мутасаддилар сафини маънавиятсиз, порахўр, тамагир, калондимоғ, оддий жабр-дийда халқнинг арз-додини эшитмайдиган корчалонлардан тозалаш. Бу ишга юксак маънавиятли кишиларни масъул этиб тайинлаш. Чунки, *«адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат ҳам бўлмайди»*¹. Демак, адолат ва маънавият бир биридан ажралмасдир. Адолатсизликка қарши фақат маънавиятли кишиларгина курашишга кодирдирлар.

5. Ҳар қандай адолат фарзандлар шуурида оиладан, ота-онанинг бир бирларига ва фарзандларига бўлган муносабатларидан бошланади. Бола отани адолат тимсоли деб билса, онани адолат кўриқчиси деб тушунади. Ота-она ўртасидаги ҳар қандай адолатсизликка асосланган муносабатлар, боланинг адолат ҳақидаги мурғак қарашларининг илдизига болта уради.

6. Ўқувчи, талаба адолатни ўзларига сабоқ бераётган таълим муассасаларидаги ўқитувчилари тимсолида кўрмоқчи бўлади. Унинг билимига нисбатан қўйилган ҳар қандай одилона тўғри баҳо, унинг кўнглини тоғдай кўтариб адолатга бўлган ишончини оширади ва аксинча унинг билмига қўйилган нотўғри баҳо ёки ўқитувчининг тамагирлиги туфайли ўзидан паст билимга эга бўлган ўқувчига қўйган адолатсиз «аъло» ёки «яхши» баҳоси унинг юрагига ханжар бўлиб санчилади. Минг надоматлар бўлсинким, юлғич, порахўр, тамагирни ўқитувчи-устоз деб

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шarti // Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б. 432.

бўладими. Афсуски, йўқ. Бундайларни ҳеч қачон таълим муассасалари даргоҳига йўллатмаслик (яқинлаштирмаслик) керак.

7. Ҳар бир ходим адолатни ўзининг иш жойдаги раҳбаридан қидиради. Раҳбар адолатли бўлса, унинг ишида файзу-барака бўлади, келажакка бўлган ишончи ортиб боради. Раҳбар адолатсиз бўлса ғийбат, чақимчилик, ғаразгўйлик, сотқинлик авж олади, жамоада маънавий-ахлоқий муҳит бузилади. Оқибатда жамоа таназзулга юз тутди. Бугунги куннинг энг муҳим адолатли талаби: »Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарнинг – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак»¹. Чунки, бундай чора-тадбирсиз адолатсизликка қарши курашиб бўлмайди.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар – фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак // Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б. 235.

V БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИ – ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ

Бугунги кунда жаҳонда глобаллашув жараёнлари шиддатли равишда кечиши, моддий ва маънавий бойликларни эгаллаш учун бўлаётган «цивилизациялашган» рақобатларнинг кундан кунга кучайиб бориши, ривожланган давлатларнинг ҳар турфа «иттифоқларга» бирлашиб ҳаракат қилиш жараёнларининг тобора кутублашиб бориш тенденцияларининг авж олаётганлиги эндигина қаддини ростлаб ривожланиб келаётган давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий мустақиллиги сақлаб қолиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бу эса мазкур мамлакатларда яшовчи барча халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатларини ўзида акс эттирувчи фалсафий дунёқарашларининг илмий-амалий асосларини, яъни мустақиллик фалсафасини яратиш, шакллантириш, ривожлантириш, уни халқ эътиқодига айлантириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

1-§. Мустақиллик фалсафаси – фан ва техника инқиллобининг тарихий босқичларга ажратиш таҳлилининг ғоявий асоси

Ўзбекистон халқи мустақилликка эришгунча ўзининг давлат сифатида мустақил техника ва технологияларни ривожлантириш сиёсатини юргизиш имкониятларидан марҳум этилган эди. Холбуки, ўзбеклар орасидан чиққан олимлар собиқ СССР да техника ва технологияларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган эдилар. Булар орасида Т.А. Саримсоқов, С. Сирожиддинов, Ҳ. Абдуллаев, М. Ўразбаев, о. Юнусов, Ҳ. Раҳматуллаев (Раҳматулин)

каби ўнлаб ўзбек олимлари ўзларининг ақлий салоҳияти ва илмий-техника ва технологиялар соҳасида қилган кашфиётлари билан жаҳонга танилган эдилар. Бироқ, улар буюк давлатчилик шовинизми, синфий кураш ғояларининг кўзга-кўринмас қурбонларига айлантирилган эди. Инсоният тарихида юз берган техника ва технологиялар ривож тарихига назар ташласак, унинг ҳар бир босқичида аждодларимиз томонидан қолдирган мерос изларини учратамиз.

Ўзбек миллий мустақиллик фалсафаси техника тараққиёти инсоният тарихида юз берган инқиллобий жараён сифатида қуйидаги тарихий босқичларга ажратади ва уларга хос бўлган хусусиятларни аниқлаб беради.

Биринчиси – неолит техника инқиллоби. Бу ўзига хос бўлган «биринчи табиий сунъий қуроли» яратилган миллоддан олдинги IV–III асрдан бир қатор янги меҳнат қуроллари (ғилдирак, тегирмон, ричаг, камон, арава, қайиқ, пичоқ, найза, ойна, ҳар хил тақинчоқлар ва шу кабилар) яратилган миллодий IV–V асргача бўлган даврни ўз ичига олади. XIV–XV асрдан бошлаб эса табиий илмий билимлар тўпланиб янги техника ва технологияларни яратишга имконият яратиб беради.

Мамлакатимиз ҳудудида бу даврга хос бўлган техника ва технологияларга оид бўлган қуроллардан ғилдирак, арава, бронзадан ясалган ойна, пичоқ, найза, камон, пахсали деворлар, қўрғонлар ва сув иншоотларининг қолдиқлари ва бошқалар топилган. Бироқ, мамлакатимизнинг энг қадимги даврида амалга оширилиши керак бўлган техника ва технологияларни яратиш бўйича методологик вазифани ўтайдиган фикрлар тўғрисида билдирилган фалсафий ғоялар ҳақида ханузгача маълумотлар топилганича йўқ.

Бироқ, XIV–XV асрларда Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий каби буюк мутафаккирларимиз бир қатор табиий фанларнинг пайдо бўлишига асос солганлар. Шу билан бир қаторда техника ва технологияларни яратиш бўйича юздан ортиқ ишланмалар ҳақида методологик аҳамиятга эга бўлган китоб ва рисо-

лаларни ёзиб қолдирганлар. «Бизнинг улуг боболаримиз – алгебра фани ва «Алгоритм» тушунчасининг асосчиси Ал-Хоразмий, Ернинг айланаси узунлиги ва радиусини илк бор ҳисоблаб чиққан Ал-Беруний, тарихда Авиценна номи билан машҳур бўлган, жаҳон тиббиёт фани ривожига улкан ҳисса қўшган Ибн Сино, ноёб расадхона ва 1018 та юлдузнинг жойлашуви аниқ акс эттирилган астрономик жаadwal яратган Мирзо Улугбек каби буюк ўзбек олимларининг илмий меросини, ўйлайманки, сизлар яхши биласизлар»¹. Улардан қолган мерос ўзбек халқининг маънавий мулки бўлиб, мозийда ўзбекларнинг буюк кашфиётлар қилган халқ эканлигини исботлаб турибди. Масалан, Ал Хоразмий ва Ибн Синонинг номи «Алгебра», «Алгоритм», «Медицина» каби номлар билан фундаментал ҳамда ўқув фанларнинг номи сифатида ҳозиргача сақланиб келинмоқда. Бу хусусда **Ш.М. Мирзиёев**: «Ал-Хоразмий бобомизга дунё ҳозиргача қойил қолади. Бугунги технологиялар, дастурий маҳсулотларга у яратган алгоритм асос бўлган. Сиз бундан фахрланишингиз, буюк аждодимиздек кунт билан ўқиб, доим изланишингиз керак»², – деган эди.

Иккинчиси – техника (саноат) инқилоби. Бу XVIII асрда юз берган саноат инқиллоби, яъни қўлда ясалган меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришидан машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш орқали меҳнат самарадорлигини ошириш билан билан боғлиқ бўлиб у XIX асрнинг 70 йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг балан чўққиси – бу электрлашган машина орқали ишлаб чиқаришни амалга ошириш бўлган эди.

Бизнинг мамлакатимизда XIX асрнинг охиригача машиналашган техника ва технологиялар соҳасида қилинган кашфиётлар кўзга ташланмайди. Бунга асосий сабаблардан бирини ди-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Нағоя университетидаги учрашувдаги нутқи. 2019 йил 18 декабрь. Япония.// <https://president.uz/uz/lists/view/3158>

² *Мирзиёев Ш.М.* Ал-Хоразмий мактабида янги хоразмийлар камолга етади.//<http://uza.uz/oz/politics/al-khorazmiy-maktabida-yangi-khorazmiylar-kamolga-etadi-27-12-2019>

ний-маърифий илмнинг дунёвий-маърифий илм билан уйғун тарзда олиб борилмаганлиги, бунинг устига айрим дин пешволари ва давлат раҳбарларининг миллий биқиклик қобиғига ўралиб қолганлиги эди. Гарчанд, қурилиш (айниқса, биналарнинг)ларнинг энг замонавий архитектура ечимларини топадиган олим-муҳандислар бор бўлишига қарамасдан, уларга ижод қилиш ва шогирдлар тайёрлаш учун зарур бўлган шароитлар яратиб берилмаган эди. Бундан ҳам ёмони, уларни динсизликда айблаб таъқиб остига олар, кези келса қувғин қилинар эди. Бу давр кўпинча жаҳолатга муккасидан кетган айрим амалдорлар ва дин пешволари томонидан халқимизнинг техника ва технологияларга бўлган қизиқишини сўндиришга қаратилган бир даври эди.

Учинчиси – илмий-техника инқилоби. Бу XX асрда «*фан-техника-жамият*» феноменларининг ўзаро интеграциялашуви натижасида бир томондан ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолият самарадорлиги сезиларли даражада ошган, бошқа томондан эса экотизимларни жиддий салбий оқибатларига олиб келадиган илмий-техника инқилоби даври бўлиб, у келгусида информацион технологияларнинг яратилишига имконият яратиб берган эди.

Бироқ, бу даврда ўзбек халқи КПССнинг яқка ҳукумронлигига асосланган СССР таркибида бўлиб, Ўзбекистон ҳудуди пахта ва бошқа техник аҳамиятга эга бўлган ўсимликлардан йўқори ҳосил олиш мақсадида табиий муҳитни издан чиқарувчи, одамларнинг соғлиғига катта зарар етказувчи, миллатнинг генофондини йўққа чиқарувчи захарли химикатларни синаб кўриш майдонига айлан-тирилди. Натижада, минглаб одамлар бедаво дардга йўлиқиб бу ҳаётдан кўз юмдилар, қолганлари эса «манқурт»¹га айлан-тирилди.

¹ *Манқурт* – бу ўтмишда, баъзи кўчманчи алқларда, банди (асир) тушганларнинг сочи қиртишлаб олинган бошига янги сўйилган туянинг бўйин териси қопланиб, терининг бошни тобора қаттиқ қисиши оқибатида хотираси, ақл-идроки, умуман, инсонга хос хислат фазилатларидан маҳрум этилган шахс. Кўчма маънода ана шундай (манқуртга хос) хислат, хусусиятга эга бўлган шахс // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 541.

Бу даврда, прогрессив фикрлайдиган зиёлиларимиз онгида мустақиллик фалсафаси ҳақида ботиний характерга эга бўлган фикрлар, қарашлар жуда кўп бўлиб, уларнинг аксарияти замона зайлига кўра зоҳирийлик шаклида ифодаланмаган эди. Масалан, ўзбек халқининг буюк фарзанди академик Ҳ.М. Абдуллаев (*Ҳабиб Муҳаммедович Абдуллаев 1912 йил (18 (31) июлда Фаргона вилоятининг Араван қишлоғида туғилган. 1962 йил 20 июнда Тошкент шаҳрида вафот этган. 35 ёшида академик бўлган. 1956–1962 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти бўлиб ишлаган*) собиқ СССР даврида олтин конларини қидириб топиш бўйича илмий-амалий изланишларни олиб борар экан, айрим олтин конларининг борлигини, уларда қанча миқдорда олтин захиралари мавжудлигини бир кун келиб мустақилликка эришган ўзбек халқига хизмат қилишини назарда тутиб СССР ҳукуматидан сир сақлаб келган эди. Ҳозирги кунда Ҳ. Абдуллаев ва шу кишига ўхшаш бошқа олимлар томонидан собиқ СССР даврида яратилиб, аммо ошкор қилинмасдан келинган техника ва технологиялар мустақиллигимизни таъминлаш ва ривожлантириш учун хизмат қилмоқда.

Тўртинчиси – информацион технологиялар инқилоби.

Бу XX асрнинг иккинчи ярмида «ахборотлашган жамияти» нинг шаклланиши ва маълумотларнинг (материя ва энергия билан бирга) цивилизациянинг энг муҳим белгилайдиган манбаига айланиши билан боғлиқ бўлган информацион технологик инқилобни ўз ичига олади.

Ўзбек халқининг мустақилликка эриши орзуси 1991 йил сентябрь ойида мустақиллик қўлга кирилиши муносабати билан реал воқеликка айланди. Мустақилликни реал воқелик сифатида ўрганувчи ўзбекона мустақиллик фалсафасини шакллантириш, уни келгусида мустақилликни таъминлашнинг ғоявий-мафкуравий асосига айлантириш имконияти пайдо бўлди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақил ўзбек халқининг озод ва обод Ватанда, эркин ва фаровон яшашини таъминлашнинг асосини ташкил этувчи моддий ва маънавий ишлаб чиқариш

жараёнларини ташкил этиш масаласи жаҳонда кечаётган ин-формацион инқиллоблар даврига тўғри келди. Бу эса бир қатор муаммоларни: барча маънавий жиҳатдан эскирган техника ва технологияларни тубдан янгилаш; янги технологияларни четдан олиб келиш ва уларни миллийлаштириш; борларини модернизация қилиш; янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотиш учун харидор топиш, яъни рақобатлашув асосида жаҳон бозорларидан жой эгаллаш; янги техника ва технологияларни ишлата оладиган мутахассис-кадрларни тайёрлаш каби вазифаларни тезликда ҳал этишни кун тартибига кўндаланг қилиб қўйди. Буларнинг ғоявий жиҳатдан илмий-методологик ечимини топиш ўзбек миллий мустақиллик фалсафасининг бош масаласига айланди.

2-§. Мустақиллик фалсафаси – мамлакат техник ва технологик тараққиёт йўлини белгилашнинг илмий-методологик асоси

Ўзбек миллий мустақиллик фалсафаси табиат ва жамиятда амал қилувчи қонунларнинг моҳияти ва уларнинг уйғун тарзда ҳаракатланиш тамойилларига асосланган ҳолда мамлакатимизда техника ва технологияларни ривожлантириш, уларнинг натижаларини моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларига тадбиқ этишни қуйидаги йўналишларда амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

1. **Энергетик**, яъни келгусида атом энергияси ва шунга ўхшаш муқобил энергиядан фойдаланишни асосий истиқболли энергия манбаи сифатида ривожлантиришга қаратилган йўналиш. Бу хусусда қайта тикланувчи энергия манбалари бўлган атроф-муҳитда табиий ҳолда қайта тикланувчи қуёш, шамол энергияси, ер ҳарорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биомасса энергиясидан фойдаланиш учун илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, кидирув, жорий этиш, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари ва фойдаланишга доир иш-

ларни олиб бориш натижасида эришилган ютуқлардан қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, уни ташиш, тўплаш, реализация ва истеъмол қилишни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида» 2019 йил 21 майда ЎРҚ-539-сонли Қонуни¹, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2017 йил 26 майда қабул қилган ПҚ-3012-сонли Қарори² қабул қилинган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам атом электр станциясини қўриш масаласи давлат томонидан кўриб чиқилмоқда. Бу тўғрисида 2018 йил 13 октябрда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида «*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атом электр станциясини қуришда ҳамкорлик тўғрисида битим*» имзоланди³.

2. Космик, яъни космосдан туриб Ер сайёрасида юз берётган ўзгаришларни кузатиб бориш ишларини жадаллаштиришга қаратилган йўналиш. Бунга космосни ўзлаштириш

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида» 2019 йил 21 майда ЎРҚ-539-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.05.2019 й., 03/19/539/3161-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2017 йил 26 майда қабул қилган ПҚ-3012-сонли Қарори//«Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 30 май.

³ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атом электр станциясини қуришда ҳамкорлик тўғрисида битим» Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги ПҚ-3969-сонли «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори// <https://lex.uz/docs/4056478>.

мақсадида яратилган техника: ракеталар, сунъий йўлдошлар, нанотехнологиялар, компьютерлар ва бошқалар киради. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2019 йил 30 августда ПФ-5806-сонли «*Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида*» Фармони¹, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрда қабул қилган 781-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори² қабул қилинди, шунингдек, 2018 йил 1 октябрда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ўртасида: ерни масофадан зондлаш (кузатиш); йўлдошли алоқа ва йўлдошли навигация; фазога оид фанлар ва сайёраларни илмий тадқиқ этиш; космик аппаратлардан, элтувчи ракеталардан, космик тизимлар ва ер усти тизимларидан фойдаланиш; космик техникани, шу жумладан, геофазовий асбоблар ва усулларни амалда қўллаш бўйича «Космик фазони тадқиқ этиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан ҳамкорлик тўғрисида» Битим имзоланди³.

3. **Кимёвий**, яъни табиий бирикмаларга ўхшаш хусусиятларга эга бўлган (капрон, нейлон вакаби) кимёвий моддаларни (по-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августда ПФ-5806-сонли «Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида» Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий бази-си, 31.08.2019 й., 06/19/5806/3678-сон). <https://lex.uz/docs/4494500>

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрда қабул қилган 781-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.09.2019 й., 09/19/781/3768-сон// <https://lex.uz/docs/452076>.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ўртасида«Космик фазони тадқиқ этиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан ҳамкорлик тўғрисида» Битим// <https://lex.uz/docs/4069865>

лимерларни) ишлаб чиқаришни фаол ривожлантириш асосланган йўналиш бўлиб, бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли қарори қабул қилинган. Шу қарор асосида 2019–2030 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури маъқулланди бўлиб, унга кўра азотли, фосфорли, калийли ва мураккаб минерал ўғитларни, шу жумладан, ушбу маҳсулотларни «Навоийазот» АЖ, «Самарқандкимё» АЖ, «Фарғонаазот» АЖ, «Кўкон суперфосфат заводи» АЖ, «Аммофос-Максам» АЖ, «Дехқонобод калий заводи» МЧЖ негизида, шунингдек, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри ва Навоий вилоятининг Томди туманида ишлаб чиқариш бўйича амалдаги қувватларни модернизация қилиш, кенгайтириш ҳамда энергия жиҳатидан самарадор янги қувватларни барпо этиш кўзда тутилган.

4. Технологик, яъни энг замонавий технологик тизимлар (нисбатан ёпиқ автоматлаштирилган тарзда ишловчи технологиялар тизими)дан фойдаланиш асосида *миллий технологик ишлаб чиқариш майдонини* яратишга қаратилган йўналиш. Бу хусусда мамлакатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларига илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини ва ноу-хау ишланмаларни кенг жорий этиш, ушбу йўналишда илмий муассасалар ва реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатиш асосида мамлакатни инновацион тарзда жаддал ривожлантиришни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «*Инновацион гоялар, технологияларва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*» 2018 йил 27 апрелда ПҚ 3682-сонли Қарори

¹ *Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли Қарори//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.04.2019й., 07/19/4265/2883сон) <https://www.lex.uz/docs/4271630>.

қабул қилинган бўлиб, унда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларига илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини ва ноу-хау ишланмаларни кенг жорий этиш, ушбу йўналишда илмий муассасалар ва реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатиш асосида мамлакатни инновацион тарзда жаддал ривожлантиришни амалга ошириш вазифалари белгилаб берилган¹.

5. Компьютерлаштириш, яъни замонавий компьютер технологияларидан ҳар томонлама унумли фойдаланиш туфайли инсон моддий ва маънавий фаолиятининг барча соҳаларида билимларнинг илмий ва техник даражаси ўртасидаги чегараларни аста-секин бартараф этиш орқали жамики ишлаб чиқариш жараёнини робототехникани жорий қилиш натижасида автоматлаштиришга ўтиш йўналиши. Бунда техник кибернетика кибернетиканинг энг ривожланган соҳаларидан бири бўлиб, у автоматик бошқариш назарияси, ахборотлаштириш ва бошқаларни ўз ичига олади. Бу хусусда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»* 2002 йил 6 июнда 200-сонли Қарори² қабул қилинган эди

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион ғоялар, технологияларва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 апрелда ПҚ 3682-сонли Қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2018 йил 30 апрель, 17-сон, 345-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 6 июнда 200-сонли Қарори // (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 11–12-сон, 91-модда; 2003 й., 24-сон, 241-модда; 2004 й., 19-сон, 220-модда; 2006 й., 40-сон, 396-модда; 2013 й., 34-сон, 458-модда; 2014 й., 37-сон, 473-модда; 2015 й., 26-сон, 338-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2017 й., 09/17/925/0299-сон, 23.02.2019 й., 09/19/161/2600-сон.

Фалсафий нуқтаи назардан қараганда техник кибернетика технологиянинг ахборот функциясини ўрганадиган фанлар гуруҳи учун умумий назарий асос ҳисобланади. Кибернетиканинг ривожланиши айни вақтда сунъий интеллект муаммоси ҳам келтириб чиқарди. Замонавий компьютерлардан фойдаланган ҳолда, нисбатан мустақил фикрлайдиган техник тизимларни яратиш имкониятлари аниқланди, улар нафақат олинган маълумот билан ишлаши, балки инсон билан операторлар орқали табиий тилда ҳам алоқа қилиш имкониятларига эга бўла бошлади. Буларни роботлар мисолида кўриш мумкин.

«Роботларнинг асосий вазифаси – қўйилган масалаларни бажариш, яъни: асбоб-ускуналар, анжом ва буюмлар, қўшимча материаллар билан тегишли манипуляцияларни амалга ошириш ҳисобланади. Тажрибали мутахассислар бу каби техниканинг камида уч авлоди мавжудлигини таъкидлашмоқда.

Биринчи авлодга, топширилган дастурнинг ўзини бажара оладиган дастурлаштириладиган роботлар киради. Иккинчисига – сенсорларга эга ва уларнинг ёрдамида атрофдаги муҳитдан маълумотларни олиш, таҳлил қилиш ва зарурат бўлганда ўз вазифалари ва ишлашига тегишли ўзгартиришларни қўша оладиган мослашувчан роботлар киради.

Учинчи авлоднинг аксарияти эса интеллектуал роботлардан ташкил топган, улар атроф-муҳитдаги объектларни фарқлай олади ва муайян ҳаракатларни мустақил амалга ошира олади»¹.

Ҳозир олимлар учинчи ва тўртинчи авлодга мансиб бўлган робототеникаларни яратиш устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Ўзбек олимлари томонидан яратилган сунъий интеллект мақомига эга бўлган роботлар ҳам яратилган бўлиб, улар ҳар хил кўргазмаларда намоиш қилинмоқда.

Ўзбек миллий мустақиллик фалсафаси замонавий техника ва технологияларни ривожлантиришнинг ғоявий илмий-назарий асоси сифатида, уларни ҳаётда қўллашда келтириб чиқарадиган

¹ *Аҳтамзода Деҳнавий*. Ишлаб чиқаришни роботлаштириш: афзалликлар ва нуқсонлар// <https://ictnews.uz/uz/08/01/2019/robotlashtirish/>

ижобий ва салбий оқибатларини ҳам кўрсатиб беради. Бунда «табиат + инсон+ишлаб чиқариш+техника ва технология+жамият» ўртасидаги муносабатларни: а) одам – техника; б) одам – техника – одам; в) одам – техника – табиат; г) одам – техника – социум» даражаарида ҳал қилишни талаб қилади.

Бунда қуйидаги омилларни:

биринчидан, объектив умумий (ижтимоий бўлмаган) омиллар – табиий муҳит, ишлаб чиқариш ҳажми ва даражаси, тенниканинг даражаси ва характери;технологиялар типологияси;

иккинчидан, объектив махсус ижтимоий омиллар – аниқ иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий, бошқариш, рағбатлантириш шакллари кидириш;

учинчидан, субъектив-умумий (ижтимоий бўлмаган) омиллар – илмий-теника билимларининг даражаси ва характери, ишлаб чиқаришнинг фойдали ёки зарарлиги тўғрисидаги берилган баҳо, инсон омили, фаолият юритиш методлари;

тўртинчидан, субъектив-махсус (аниқ ижтимоий) омиллар – ижтимоий фаоллик ёки сусткашлик, ижодий ташаббус ки таваккал қилишдан кўрқиш, тадбиркорликдан фойда кўриш ёки банкрот бўлишдан хавфсираш ва бошқалар ташкил қилади.

Уларни ҳисобга олиш «одам ва олам» муносабатлари доирасида «жамият+табиат+техника ва технология»лар ўртасида бир бирига зарар етказмасликка асосланган том маънодаги уйғунликни таъминлашга хизмат қилади.

VI БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИДАН БИРИ

1-§. Коррупция тушунчаси ва унинг тур ва шакллари

1. Коррупция тушунчаси. Корруупция – бу пора бериш ёки олиш эвазига мансабдор шахс томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан, шунингдек, бу билан боғлиқ расмий нуфуз мақомидан, имкониятлар ва алоқаларидан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишидир. Бошқачароқ қилиб айтганда коррупция – бу уюшган жинойтчилик кучли бўлган давлатларга хос бўлган мансабдор шахсларни пора бериб сотиб олиш, уларнинг сотқнлиги, порахўрлигидир.

Умуман олганда коррупция бу – хизмат мавқеини суистеъ-мол қилиш, пора бериш, пора олиш, ваколатларни суистеъмол қилиш, тижорат асосида пора бериб сотиб олиш ёки жисмоний шахснинг ўзи учун ёки учинчи шахслар учун пул, қимматбаҳо нарсалар, бошқа мулк ёки мулкый характердаги ҳуқуқлар ёки бошқа мулкый ҳуқуқларни қўлга киритиш мақсадида давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид равишда ўзининг хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши ёки бошқа жисмоний шахслар томонидан кўрсатилган шахсга бундай фойдани ноқонуний равишда тақдим этиш; шунингдек, кўрсатилган ҳаракатларни юридик шахс номидан ёки унинг манфаатларида бажаришдир.

2. Коррупциянинг тур ва шакллари. Коррупция бошқарувнинг барча даражаларида учрайди: глобал, миллий ва маҳаллий. Барча турдаги агентлар (жисмоний шахслар, корхоналар,

давлат хизматчилари ва сиёсатчилар) коррупцияга ихтиёрий ёки ноихтиёрий равишда жалб қилиниши мумкин.

Коррупция турли шаклларга эга: порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, мулкни ўзлаштириш, фитна, ҳокимиятни суистеъ-мол қилиш, хушомадгўйлик, совға, қариндошлик, ҳомийлик ва бошқалар.

Коррупциянинг ҳолатига турли омиллар: ижтимоий ва ма-даний шароит, институционал ва ташкилий тузилмалар, сиёсий муҳит, шунингдек иқтисодий ва таркибий ўзгаришлар сиёсати ҳам таъсир қилади.

Йирик коррупция деганда, амалдаги давлат сиёсатини йўққа чиқарадиган, ҳукумат даражасида амалга ошириладиган сиёсий ва ҳукумат раҳбарларига халқ ҳисобидан манфаат кўришга им-кон берадиган ҳаракатлар тушунилади.

Майда коррупция деганда, одатда касалхоналар, мактаблар, милиция бўлимлари ва бошқа жойларда асосий хизматлардан фойдаланишга уринган оддий фуқаролар билан алоқа қилишда ҳокимиятнинг қуйи ва ўрта бўғинлари мансабдор шахсларининг кундалик ишончли ваколатларини суистеъмол қилишлари ту-шунилади.

Сиёсий соҳада коррупция демократик тамойилларга ўтиш жараёнини тўхтатади, сиёсий мақсадларни умуммиллий ривож-ланиш мақсадларига эмас айрим гуруҳларнинг мақсадларига тобе қилади, қонун устуворлигини бузилишига, сиёсий ва суд институтлари фаолиятининг самараси тушишига, мамлакат обрўсининг тушишига ва ҳақиқий сиёсий рақобатнинг йўқоли-шига олиб келади, шу билан ҳокимиятга ишонч сусаяди, уни жа-миятдан узоқлаштиради.

Иқтисодий соҳада коррупция давлат маблағлари ва ресурс-ларининг самарасиз тақсимланиши ва сарфланишига, бизнесни юритишда кўп вақт ва моддий харажатларга, молиявий ва ти-жорат хавфларининг ўсишига, нархларнинг ўсишига, рақобат муҳитининг ёмонлашишига, хуфиёна иқтисодиётнинг ўсишига, солиқ тушумларининг камайишига, инвестицион муҳитнинг

ёмонлашишига, инвестицияларнинг камайиши ва умуман мамлакат иқтисодиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Ижтимоий соҳада коррупция ижтимоий тенгсизлик ва қашшоқликнинг кучайиши, ҳокимиятнинг бюджет соҳасига зарар етказувчи «зарбалар» («откат»)лар туфайли ижтимоий муаммоларни ечишга қодир бўлмай қолиши, уюшган жиноятчиликнинг кучайиши ва жамоатчилик кўз ўнгида қонуннинг обрўсизланишига олиб келади. Бу ахлоқий меъёрлар моҳиятининг йўқолишига ва ижтимоий кескинликнинг ўсишига сабаб бўлади.

3. Коррупциянинг генезиси ва эволюцияси. Коррупция ҳам ижтимоий феномен сифатида ўзининг келиб чиқиш тарихига эга. Бу масалани профессор Бахтиёр Омонов қуйидагича баён қилган:» Коррупция бир неча минг йиллик тарихга эга. Ёзма манбаларда коррупция ҳақида эрамиздан аввалги Шумер подшолиги даврида эслатиб ўтилади. Коррупция бизнинг кунларгача етиб келганлиги шундан далолат берадики, бошқа иллатлар каби, уни ҳам таг-туғи билан йўқотиб бўлмайди. Ҳатто ривожланган ўарб давлатлари ҳам коррупциядан буткул халос бўлолмаган. Бирок жамият ривожига хавф солувчи коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш Ер юзидаги барча давлатларда ҳамиша ва ҳамма замонда давом этган.

Қуръони каримда порахўрлик бевосита тақиқланади: «Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун уни ҳокимларга гуноҳқорона ташламанг» (Бақара сураси, 188).

Лекин шунга қарамай, порахўрлик Усманийлар халифалигида ҳам мавжуд бўлган. Аввалига халифа турли идоралар фаолиятини шахсан ўзи назорат қиларди, лекин вақт ўтиши билан бу ишни ўзига яқин одам – халифанинг турли ишлар бўйича шахсий ёрдамчиси бўлган вазирга топшириб қўйди. Вақт ўтиши билан вазирлар кенг тармоқли давлат аппаратини шакллантирди. Хасрнинг ўрталарига келиб, у ёки бу лавозимга тайинланиш учун амалдорлар томонидан вазирларга пора бериш амалиёти шаклланиб бўлганди.

Бундан, масалан, халифа Муқтадирнинг вазири бўлган Убайдуллоҳ Ҳоқоний (926 йил вафот этган) амалдорларни турли лавозимларга тайинлаш ва олиб ташлашда фаол фойдаланди. Пулга қаттиқ муҳтожлик сезаётган давлат солиқлар тўплашни хусусий шахсларга топширгани боис бу турли суиистъмолликларни юзага келтирарди. Шу тариқа порахўрлик халифалик таназзулга юз тутишининг сабабларидан бирига айланди.

Бу ҳолат Усманийлар салтанатида ҳам истисно эмасди. Хусусан, деҳқонлардан турли солиқларни тўплашда ҳарбий хизматчилар қинғирликлар содир этарди. Бу суиистъмол ҳолатларини ҳаттоки Усманийлар салтанати шайхулисломлари чиқарган махсус фатволар ҳам бартараф қила олмади. Сипоҳилар нимадир «узатиш» эвазига аста-секинлик билан ҳарбий юришларга бормай қўйди, ўзларига тақдим этилган ерларда муқим қолиб, амалда давлат мулкани шахсий мулк қилиб олишди. Давлат эса, ўз навбатида, вазирлар тимсолида кўнгилисиз реакциядан хавфсираган ҳолда, ҳарбийлар билан тўқнашувга боришдан ҳадиксирарди.

Усманийлар салтанатида порахўрлик оқибати шу бўлдики, кўшинлар ҳарбий тайёргарлигини йўқотди, натижада XVIII аср охири ва XIX аср бошларида қатор мағлубиятларга учраб, давлатнинг қудратига путур етказди.

Хуллас, қадим замонлардаёқ ушбу иллатга қарши қаттиқ жазолар белгиланганига қарамасдан, бу ҳамиша ҳам кўнгилдагидек натижа бермаган»¹.

2-§ Ўзбекистонда коррупцияни қўзғатувчи омиллар ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари

Коррупцияни қўзғатувчи омиллар деб мансабдор шахснинг пора бериш ва пора олиш эвазига ўз хизмат вазифаларини суиистъмол қилиш ҳолатини келтириб чиришга сабаб бўладиган объектив ва субъектив омиллар тизимига айтилади.

¹ Омонов Б. Коррупция ва миллий тараққиёт: Муаммо ва ечим. // <https://xs.uz/uzkr/post/korrupsiya-va-millij-taraqqiyyot-muammo-va-echim>

1. Коррупцияни қўзғотувчи омиллар. Коррупция ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди. Уни қўзғотувчи омиллар мавжуд бўлади. Мамлакатимизда коррупциянинг қўзғолишига таъсир қилувчи учта асосий омил мавжуд.

Биринчидан, етарли бўлмаган очиклик ва маълумотнинг йўқлиги. Давлат идораларининг ёпиқлиги сабабли оммавий ахборот воситалари ҳам ўз вазифаларини тўлиқ бажара олмайдилар. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ошкоралик коррупциянинг олдини олувчи биринчи омиллардан саналади. Агар давлат идораси ёки мансабдор шахс жамоат олдида ўз фаолияти тўғрисида – молиявий масалалардан тортиб ишга қабул қилинишгача ҳисобот берса, бу коррупцияни камайтиришга ёрдам берувчи очиклик бўлади.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти иштирокининг етишмаслиги. Ҳукумат идораси, ҳаттоки бизнинг агентлигимиз ҳеч қачон фуқаролик жамияти иштирокисиз коррупцияга қарши самарали кураша олмайди. Бунинг учун эса кучли фуқаролик жамияти зарур. Аммо мен фуқаролик жамияти умуман ишламайди деб айта олмайман, ижобий ўзгаришларни барчамиз гувоҳи бўляпмиз. Бироқ, барибир давлат фуқаролик жамиятига кўпроқ суяниши, унга ёрдам бериши ва рағбатлантириши керак. Агар давлат коррупцияни илдизига болта уришни истаса, фуқаролик жамиятининг кўмаги давлатнинг ўзи учун муҳим ёрдамдир. Нафақат агентлик яратиш, балки бу ишга фуқаролик жамиятини жалб қилиш ҳам муҳимдир.

Учинчидан, жазосиз қолиш ҳисси. Албатта, қонунчилигимизда порахўрлик учун жазо чоралари кўзда тутилган. Аммо маълум вақт ўтгач, биз пора олганларни яна давлат органларида, қайсидир ташкилотларда кўрамиз. Одамлар бундай жиддий қонунбузарлик ҳам қораланмайди ва ҳатто қаердадир кечирилади деган фикрга бориши мумкин. Кимдир, демак, менга ҳам мумкин деб ўйлайди, агар қўлга тушсам ҳам, икки ёки уч йил ўтириб чиқаман ва давом этаман деган хаёлга боради. Бу ҳам муҳим омил¹.

¹ *Бурханов А.* «Коррупция даражаси – мамлакат тараққиёти ва демократиясининг кўрсаткичи ҳисобланади»// <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/05/akmal-burkhanov/>

2. Коррупцияни ўлчаш усуллари. *Коррупцияни ўлчаш деб мамлакатнинг қанчалик иқтисодий, сиёсий, маънавий даражада таназзулга учраётганлик даражаларини билишда қўлланиладиган усул ва воситаларга айтилади.* Коррупцияни ўлчаш расмий муомаладан ресурсларни чиқиб кетиши ва давлат бошқарувидаги муаммоли соҳаларни аниқлашга ёрдам беради. Давлат хазинасидан йўқотилган пул миқдорини ҳисоблаш билан бир қаторда, коррупция тўғрисидаги маълумотлар давлат ва жамоат институтларининг алоҳида эътиборини талаб қиладиган қонунчилик тизимининг сифати, қонунларга муайян соҳаларда амал қилиниши, давлат сиёсатининг самарадорлиги каби давлат бошқарувининг муаммоли соҳалари ҳақида хабар беради.

Коррупция тўғрисида нисбатан аниқ маълумотларга эга бўлиш туфайли ҳукумат давлат хизматларини тақдим этишдаги тенгсизлик, қашшоқлик ва изоляция, шунингдек, пул олиб чиқиш (отмывание), солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва порахўрликка йўл очиб берадиган молиялаш тизимидаги бўшлиқлар (лазейкалар) каби қатор масалаларни ҳал қилиш учун самаралироқ сиёсат ва тартибга солиш воситаларини ишлаб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда дунёда коррупция даражасини ўлчашнинг кўпгина усуллари қўлланилади. Уларнинг барчасининг афзалликлари ҳам, камчиликлари ҳам мавжуд.

1. Коррупция даражасини ўлчашнинг ўлчов усуллари орасида энг кенг тарқалгани коррупцияни идрок этишни баҳолашдир (масалан, Transparency International ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индекси, Жаҳон банкининг коррупцияни бошқариш индекси). Ушбу усул мамлакат экспертлари ва аҳоли ўртасида мамлакатда коррупция ҳолати тўғрисида сўров ўтказишни назарда тутди. Шу билан бирга, ушбу усулнинг ноқулайлиги шундаки, жамоатчилик ва экспертларнинг фикрларига тақдим этаётган маълумотларининг очиқлиги ва сифати мамлакатлар ва вақт оралиғида турлича бўлган оммавий ахборот воситалари таъсир қилиши мумкин.

2. Ўлчашнинг яна бир кенг тарқалган усули – бу коррупцияни баҳолаш бўйича сўров усули (масалан, Transparency International

ташкilotининг глобал коррупция барометри ва Жаҳон банкининг бизнес сўрови). У мамлакатда коррупция муаммолари билан боғлиқ тажрибаси тўғрисида фирмалар ва аҳоли орасида сўров ўтказишни ўз ичига олади. Юқоридаги усулнинг камчиликлари – баъзи респондентларнинг давлат органларида коррупция бўлишидан манфаатдорлигидадир, шунинг учун улар коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бермасликни лозим тутишлари мумкин.

3. Коррупцияни ажратиш бўйича баҳолаш ҳисобот назорати органлари томонидан амалга ошириладиган ҳисобот харажатлари ва амалда ишлатилган харажатларни таққослашни ўз ичига олади. Ушбу усулнинг камчиликлари шундаки, инспекция органлари ходимларининг ўзи пора олишга ва ўғирликни яширишга мойил бўлиши мумкин.

4. Коррупция ҳаракатларини аниқлашнинг турли хил билвосита усуллари ҳам мавжуд бўлиб, улар бўйича коррупция ҳолатлари коррупцияга бевосита алоқадор бўлмаган маълумотлардан фойдаланган ҳолда аниқланади.

3-§. Коррупциялашган соҳалар ва уларни баргараф этиш чора-тадбирлари

1. Коррупциялашаётган соҳалар. Қуйидаги соҳалар энг кўп коррупциялашиб бораётган соҳалар жумласига кирди.

1.1. Давлат хизматларини кўрсатиш. Бошқа ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам давлат ҳар доим ҳам аҳолига зарурий хизматларни, шу жумладан тиббий ва таълим хизматларини етарли даражада сифатли тақдим эта олмайди. Шу муносабат билан, шифохоналарда, энг яхши мактабларда, институтларда ва ҳоказоларда чекланган жойлар учун одамлар ўртасида рақобат мавжуд бўлиб, бу муассасаларда коррупция пайдо бўлади.

1.2. Тиббий ва таълим хизматларидан ташқари, Ўзбекистонда давлат хизматларини тақдим этишнинг бошқа кўплаб

соҳаларида уларнинг аҳолининг мавжуд эҳтиёжларига мос келмаслиги кузатилмоқда. Хусусан, бу сув, газ, иситиш, суғориш тизимлари, асфалт йўллар, кўприклар, парклар ва ўйин майдончалари қурилишига тегишли. Бу ушбу тузилмалардаги коррупция даражаси бошқаларга қараганда юқори эканлигини кўрсатиши мумкин, чунки давлат маблағлари бошқа мақсадларда ишлатилган бўлиши мумкин ёки бундай хизматларнинг чекланганлиги сабабли биринчи бўлиб пора берганларга хизмат кўрсатилиш ҳолатларини жадаллаштириши мумкин.

1.3. Иқтисодий фаолиятни тартибга солиш. Хўжалик фаолияти механизмларини лицензиялаш ва тартибга солиш корхоналарга мансабдор шахсларнинг «имтиёзли режим»дан ўз мақсадларида фойдаланиш имкониятини яратади. Натижада, «фойда»ни давлат амалдорлари билан бўлишиш мумкин, улар ўз навбатида лицензия бериш ёки савдо-сотикни ҳимоя қилишни ўз зиммаларига оладилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда 355 турдаги фаолият турлари мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш учун тегишли лицензия талаб этилади. Бундан ташқари, фаолиятнинг 140 тури турли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган рухсат берувчи ҳужжатлар билан тартибга солинади.

1.4. Давлат секторидан ресурслардан фойдаланиш устидан назоратнинг сустигли. Бугунги кунда давлат улуши бўлган корхоналарнинг умумий сони 2819 тани ташкил этади, шундан 2000 тасида давлат 50% дан ортиқ улушга эга. Қоида тариқасида, давлат корхоналарида, хусусий секторда бўлгани каби, ходимларнинг корхона ресурсларидан фойдаланиши устидан қаттиқ назорат мавжуд эмас, бу эса коррупция ва ўғрилик учун асос яратади. Энг кўп давлат корхоналари коммунал хизмат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳалар, туризм, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида фаолият юритаётганини ҳисобга олиб бу соҳаларда коррупция хавфи юқори эканлигини тахмин қилиш мумкин.

Иқтисодиётнинг кўп тармоқлари ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан тартибга солинади. Инвестицияларнинг умумий

ҳажмида давлат инвестицияларининг юқори улуши сақланиб қолмоқда. Давлат 37 турдаги товарлар ва хизматлар нархларини тартибга солади. Бугунги кунда хусусий секторда 4 ишчига давлат секторидagi 1 ишчига тўғри келади. Бинобарин, ривожланаётган давлатлар шароитида давлатнинг назорат функцияларининг катта қисми сақланиб қолиниши коррупциянинг кучайиши билан бирга келади. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар сонининг статистикаси шуни кўрсатадики, барча даъволарнинг 71 фоизи давлат муассасалари ва корхоналар ходимларига қарши қўзғатилган.

2. Коррупцияга қарши кураш чора-тадбирлари.

Коррупцияни йўқ қилиш учун авваламбор давлатнинг иқтисодийётга кераксиз аралашувини камайтиришга, давлат муассасаларида ишчилар сонини оптималлаштиришга йўналтирилган босқичма-босқич чора-тадбирларни ўз ичига олган стратегияни ишлаб чиқиш керак, бу эса кейинчалик ушбу ташкилотларда иш ҳақининг ошишига олиб келади. Келгусида қуйидаги йўналишларда коррупцияга барҳам беришда комплекс ёндашув бўйича самарали чоралар кўриш мақсадга мувофиқдир.

➤ **Малакали ишчиларни танлаш.** Билим даражаси ва коррупция ўртасида яқин боғлиқлик мавжуд. Малакалироқ ишчиларнинг пора олиш эҳтимоли камроқ. Бундай шароитда ходимларни ўз билимлари асосида ёллашга ёндашув коррупцияга қарши курашда самарали восита бўлиши мумкин. Шунинг учун давлат хизматида киришга даъвогарларга нисбатан ягона талабларни ишлаб чиқиш ва очиқ танлов имтиҳонлари тизимини жорий этиш зарур. Масалан, Жанубий Кореяда ҳукумат вақти-вақти билан давлат хизматчиларини текширади. Давлат хизматчисининг 5-даражасини олиш учун имтиҳон уч босқичдан иборат. Биринчи қадам номзодларнинг умумий билимларини синаб кўришдир. Имтиҳоннинг ушбу босқичининг предметлари ҳуқуқ, тарих, чет тили ва бошқалар. Иккинчи босқич номзодларнинг касбий билимларини синаб кўришдир. Ҳар бир профессионал гуруҳ турли предметларни билишни талаб қилади, аммо иқтисодийёт ва ҳуқуқ

умумий фанлардир. Учинчи босқичда номзоднинг шахсий хусусиятларини текшириш учун суҳбат ўтказилади.

➤ **Ходимларнинг мотивацияси (иш ҳақи).** Нафақат иктисодий назария, балки амалиёт шуни кўрсатадики, иш ҳақи даражаси коррупция схемаларида иштирок этишнинг афзалликлари билан таққосланадиган, қўлга тушиш хавфини ҳисобга олмаганда, коррупциянинг олдини олувчи асосий омил ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, давлат хизматчиларига хусусий сектор билан рақобатдош иш ҳақи таклиф қилиниши керак. Шунингдек, давлат хизматчиларининг иш фаолиятини баҳолаш тизими ва юқори лавозимдаги ишчиларга уларнинг фаолияти самарадорлигига қараб маош тўлаш тизимини жорий этиш зарур.

➤ **Жазо (обрў, жарималар).** Коррупция схемаларида иштирок этиш харажатларининг камлиги сабабли, коррупция фаоллиги ўсмоқда. Коррупция учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар коррупцияни енгишда алоҳида рол ўйнаши мумкин, чунки кўп ҳолларда ходим учун коррупция харажатлари унинг асоратларидан каттароқдир.

➤ **Мониторинг (аудит ва аниқлаш имконияти).** Кўпгина давлатлар «пора бериш» орқали коррупцияга қарши курашда аудит ролини кучайтириш зарурлигини тан олишади. Бухгалтерлар ва аудиторларнинг глобал коррупцияга қарши стратегияга қўшадиган ҳиссасини муҳокама қилиш учун Халқаро бухгалтерлар федерацияси «Бухгалтерия иши ва коррупцияга қарши курашиш» маърузасини эълон қилди. Европа Кенгашининг Коррупцияга оид Жиноят ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияси мамлакатлардан ҳар қандай давлатнинг мансабдор шахсларига ваъда бериш, таклиф қилиш ёки бирон-бир асоссиз устунлик бериш учун жиноий жавобгарликка олиб келадиган миллий қонунларни қабул қилишга чақиради. Бундай жиноят, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тартибини қўллаган ҳолда давлат хизматчиларининг порахўрлиги билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар тўғрисида қасддан ногўғри тақдим этилган деб ҳисобланиши керак.

Технологиялар (электрон ҳукумат, жамоат назорати). «Электрон ҳукумат»нинг тўлақонли ишлаши давлат харидларининг аксарият қисмини ва аҳоли, бизнес ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг бутун тизимини шаффоф қилиш имконини беради ва бу тармоқнинг ҳажмини сезиларли даражада камайтиради. Иккинчиси бизнесни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, Сингапурда кўплаб зарур хизматларни, масалан, паспорт ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани уйда зарур шаклларни тўлдириб, тегишли органларга электрон почта орқали юбориш орқали олишингиз мумкин. Ҳукумат бундай хизматларни Интернет орқали тақдим этиши одатий тарз сифатида қабул қилинади. Шунинг таъкидлаш керакки, агар фуқаро ушбу хизматларни олиш учун муассасага шахсан ташриф буюрса, у ҳолда ушбу муассасага алоҳида эҳтиёжсиз келганлик учун унга жарима солинади¹.

4-§. Ўзбекистон давлатининг коррупцияга қарши курашдаги стратегия ва тактикаси

Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш масаласи стратегик ва тактик аҳамиятга эгадир. *Коррупцияга қарши курашиш стратегияси деб мамлакатимизда мавжуд бўлган моддий ва маънавий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали коррупцияни батамом йўқ қилиш учун ўзоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни белгилаб олиш ва уни бажаришга қаратилган тадбирларни илмий-амалий жиҳатдан ташкил қилиш санъатига айтилади*². Була жумласига қуйидагилар қиради:

«аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

¹ Ҳамидов Б. Ўзбекистондаги коррупция хавфи бўлган соҳалар// Экономическое обозрение №4 (244) 2020. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-korrupsiya-dinamikasi>

² Хидиров Ҳ. Глобал коррупция ижтимоий-маданий инкироз оқибати.// Фалсафа. Дарслик. – СамДУ. 2021. – Б. 500.

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш»¹ белгиланган.

Бу стратегик аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишлар дунё давлатларида жамият ривожига ғов бўлаётган коррупция хавфига қарши курашишни таъминлашга қаратилган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш бўйича Америка конвенцияси»;

- Европа иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йил 21 ноябрда Европа ҳамжамиятининг мансабдор шахсларига ёки Евро иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахл қилган коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенцияси;

- Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенцияси ;

- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган «Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги Конвенцияси ;

- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноябрда қабул қилинган «Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисида»ги Конвенцияси;

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» қонуни. 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда.

- 2003 йил 12 июлдаги Африка Иттифоқининг «Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенцияси;

- БМТнинг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупцияга қарши кураш» Конвенцияси;

- МДХ доирасида эса унга аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрдаги қарорга мувофиқ, «Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлиги ҳам коррупцияни жамият ривожланишига қарши қаратилган иллат сифатида унинг қанчалик хатарли эканлигини кўрсатади.

- Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқий кодекси (Нью-Йорк, 1996 йил 12 декабрь);

- Коррупция бўйича жиноий жавобгарлик конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);

- Коррупция бўйича фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 4 ноябрь) ва мазкур Конвенцияга қўшимча протокол (Страсбург, 2003 йил 15 май);

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси (2003 йил 31 октябрь) ва бошқалар қабул қилинган қарорларига мос равишда ишлаб чиқилган.

Шу билан бир қаторда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2003 йил 21 ноябрдаги резолюциясига мувофиқ, 2004 йилдан бошлаб «9 декабрь – Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш куни» сифатида нишонланмоқда. Ушбу кунда БМТнинг «Коррупцияга қарши конвенция»ни тан олган, аъзоси ҳисобланган давлатларда турли тадбирлар ва акциялар уюштирилади, плакат ва варақалар чоп этилади, шунингдек оммавий ахборот воситаларида коррупцияга қарши курашиш масаласидаги ахборотлар фаоллашади.

Ўзбекистоннинг 2008 йили БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига, 2010 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракат режасига қўшилиши – коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим қадам бўлди.

Шу тариха, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик асосида, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди.

3. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тактикаси. *Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тактикаси деб коррупцияга қарши курашиш стратегиясини амалга оширишга қаратилган аниқ воситалар туркумидан иборат бўлган чора-тадбирлар тизимига айтилади*¹.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш стратегияси ва тактикаси ўртасидаги фарқ фаолият кўлами ва фаолият кўрсатадиган вақт оралиғида намоён бўлади. Бунда нотўғри танланган тактика – бу йўқолган кун, нотўғри танланган стратегия эса – бу йўқолган йил демакдир.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш стратегияси коррупцияга қарши ҳаракат усули сифатида, асосий мақсадга бевосита эришиш учун мавжуд ресурслар етарли бўлмаган шароитда зарур бўлиб қолиши билан характерланади. Бунда коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг мақсади – асосий мақсад-коррупцияни ўқ томири билан йўқ қилишга эришиш учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Тактикалар эса стратегияни амалга ошириш воситаси бўлиб, у стратегиянинг асосий мақсадига бўйсунди. Стратегия асосий мақсадга оралик тактик вазибаларни ҳал қилиш орқали эришади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тактикасининг асосий принципларини «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси «Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари»: қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги² ташкил қилади.

¹ Хидиров Х. Глобал коррупция ижтимоий-маданий инқироз оқибати.// Фалсафа. Дарслик. – СамДУ. 2021. – Б. 504.

² Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» қонуни. 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон.//Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш тактикасини амалга оширишувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сонли «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» қонунининг 7-моддаси» Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари» да белгиланганлиги бўйича: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси; Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти; Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши кураш Агентлиги, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Мазкур органларнинг тактик вазифалари қонунда кўрсатиб берилган. Масалан, **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига:**

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-кидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади;

қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда.

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати-
нинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатла-
рига:**

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади,

миллий хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданият-ни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади деб, қатъий равишда белгилаб қўйилган.

2020 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзоланган» Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармонида кўрани Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Унга кўра Агентлик:

- **коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш**, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади;

- ўз фаолиятини **қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари** асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, **Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди** ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор

томонидан бошқарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

Агентликнинг **асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб қуйидагилар белгиланган:

– мамлакатда **коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;**

– **коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;**

– фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали **жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;**

– вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

– давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда **коррупцияга қарши ички назорат ти-**

зими («комплаенс-назорат») ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;

– **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси** самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– **давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизими** жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

– **давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш** стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

– **бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари** соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

– коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида **халқаро ҳамкорликни ривожлантириш** ҳамда мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг **халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш** бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

– **коррупциянинг ҳолати, тенденциялари** ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги **юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни** ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

– **коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш**, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

Зеро, бу стратегик ва тактик аҳамиятга эга бўлган вазифалар бажарилмас экан, коррупция иқтисодиёт, сиёсат, маданият ва спорт, таълим ва илм-фан, ижтимоий соҳа, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, жамият ташкилотлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва телевидение, сиёсий партиялар ва бошқаларда сақланиб қолишига, зарурият бўлса кучайиб: олиб борилаётган ислохотларга тўсқинлик қилиши, давлатнинг конституцион асосини йўқ қилиши, бошқарув аппаратини бўлиб ташлаши, ҳуқуқат обрўсини йўқ қилиши, бюджетни асоссиз қайта тақсимланиши, жамиятни интеллектуал потенциалдан айириши, жамиятни беқарорлаштириши, жамиятни жиноийлаштириши, инсон ҳуқуқларини паймон қилиши; пировардида жамиятни маънавий таназзулга дучор қилиши мумкинлиги билан хавфли салбий ижтимоий феномен ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Собиқ СССРнинг барча республикалари, гарчи кураш олиб борилаётгани ҳақида маълум қилса-да, коррупциядан жабр кўрмоқда. Бу ҳақда ҳар йили «The Risk Advisory Group» ташкилоти ўзининг «Коррупцион чақириқлар» номли ҳисоботида «Коррупцион чақириқлар даражаси», «Коррупция таҳдиди» ва «Коррупция ҳақида ахборотнинг етишмаслиги» кўрсаткичлари орқали: «ёркин (оқ) рангли – коррупция даражаси энг кам бўлган давлатлар; тўқ сариқ (кулранг)

рангли – коррупция даражаси ўртача бўлган давлатлар; қизил рангли – коррупция даражаси юқори бўлган давлатларни белгилаш орқали, қайси давлатда коррупция даражасининг паст ёки юқори эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Бу маълумотлар коррупцияга қарши курашда жуда ҳам асқотади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки *Ш.М. Мирзиёев* таъкидлаганидек: «... *афсуски, жамиятимизда коррупция иллати турли кўринишлари билан тараққийтимизга зов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олди олинмас, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди*». Шунинг учун «*Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислари жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак*»¹, – бўлади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашни стратегик ва тактик жиҳатдан ташкил қилишнинг назарий-методологик асосларини мустақиллик фалсафаси ташкил қилади. Мустақиллик фалсафасини чуқур англамаган ҳар қандай шахс, айниқса мансабдор ўзининг виждонини кимгадир «пора» эвазига пуллашга мойил бўлади. Бундай иллатни йўқотишнинг энг оптимал усуллари дан бирини аҳолининг барча қатламларини илмий диалектика қонунларига таяниб фикр юритадиган мустақиллик фалсафаси билан қуроллантириш давр талаби ҳисобланади.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Унинг ўзи. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – Б. 42.

ХУЛОСА

1. Ҳар бир инсон, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг мустақилликка интилиб яшаши ҳаётий зарурият бўлаб, улар ўзларининг бахту-саодатини ана шунда кўради. Бу эса мустақилликнинг онтологик табиат ва гносеологик хусусиятга эгаллигини кўрсатади.

2. Мадомики, мустақиллик ижтимоий феномен сифатида мавжуд экан, унинг яшаши ва ривожланиши, шунингдек таназулга учраши қонунларини ўзида акс эттирувчи тафаккур шакли бўлмиш мустақиллик фалсафаси ҳам мавжуд бўлади.

3. Мустақиллик фалсафаси алоҳида фалсафий фан бўлишга, бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрнини босишга, уларни алмаштиришга даъвогар бўлган фанлар жумласига кирмайди. Бу фалсафий фанларнинг бир таркибий қисми сифатида мустақилликнинг ҳар бир киши, элат, миллат, жамият ва давлатлар ҳаётидаги ўрнини, амалий аҳамиятини, истиқболларини кўрсатиб берувчи интеграллашган билимлар соҳасига киради.

4. Жаҳонда бир бирига айнан ўхшайдиган шахс, элат, миллат ва халқлар бўлмаганидек, уларнинг мавжуд воқелик ҳақидаги фикрлари ҳам турли ҳил бўлади. Шулар ичида, бир бирларининг мустақиллигига раҳна солувчи ғоялар ўзининг «даҳшатли куч» эканлиги билан ажралиб туради. Бунга қарши тура оладиган «ғоявий куч» умуминсоний ва миллий кадриятларга, дунёвий илм ва диний бағрикенгликка асосланган мустақиллик фалсафаси ҳисобланади.

5. XXI аср информацион технологиялар асри сифатида тарих саҳнасига кириб келган экан, уларнинг моҳиятини мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёшларни мустақиллигимизга раҳна солувчи ҳар хил информацион хужумлардан асраш, қис-

қаси, «информацион қуллик» гирдобига тушурмаслик зарур бўлади. Бу вазифани мустақиллик фалсафаси билан қуролланган миллий ғоя воситаси орқали амалга ошириш мумкин.

6. Ўзбекистоннинг мустақиллигига раҳна солаётган яна бир хавф – бу коррупциядир. Коррупцияга қарши кураш масаласи ҳам мустақиллик фалсафаси тадқиқ қиладиган объеклар қаторига киради. Мустақиллик фалсафаси нуктаи-назаридан қараганда бу иллатга қарши кураш масаласининг энг хавфли томони «коррупционер»ларнинг ўзлари «коррупция»га қарши курашувчи давлат муассасаларидаги лавозиларни эгаллаб олиб, вижонсизларча «коррупция» ҳақида ваъз ўқишларидир.

7. Мустақиллик бор экан мустақиллик фалсафаси ҳам мустақилликнинг тарихий макон ва замондаги ўрнини кўрсатиб бериш, унинг истиқболларини олдиндан башорат қилишга масъул бўлган фалсафий илмларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида ривожланиб абадиятга дахлдор бўлиб бораверади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон қарор ва фармойишлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6109-Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ – 4884 Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040 қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясипи ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5455- сонли Фармойиши.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини яна-

да такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» Қонуни.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2020 йил 29 июндаги ПҚ-4761-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 12 январда қабул қилган ПҚ-81-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикасининг «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида» 2019 йил 21 майда ЎРҚ-539-сонли Қонуни// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.05.2019 й., 03/19/539/3161-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2017 йил 26 майда қабул қилган ПҚ-3012-сонли Қарори//«Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 30 май.

15. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атом электр станциясини қуришда ҳамкорлик тўғрисида битим» Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги ПҚ-3969-сонли «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори// <https://lex.uz/docs/4056478>.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августда ПФ-5806-сонли «Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида» Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.08.2019 й., 06/19/5806/3678-сон). <https://lex.uz/docs/4494500>

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрда қабул қилган 781-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.09.2019 й., 09/19/781/3768-сон // <https://lex.uz/docs/452076>.

18. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ўртасида «Космик фазони тадқиқ этиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан ҳамкорлик тўғрисида» Битим// <https://lex.uz/docs/4069865>

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли Қарори//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.04.2019 й., 07/19/4265/2883сон) <https://www.lex.uz/docs/4271630>.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 апрелда ПҚ 3682-сонли Қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2018 йил 30 апрель, 17-сон, 345-модда.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 6 июнда 200-сонли Қарори // (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 11–12-сон, 91-модда; 2003 й., 24-сон, 241-модда; 2004 й., 19-сон, 220-модда;

2006 й., 40-сон, 396-модда; 2013 й., 34-сон, 458-модда; 2014 й., 37-сон, 473-модда; 2015 й., 26-сон, 338-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2017 й., 09/17/925/0299-сон, 23.02.2019 й., 09/19/161/2600-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.М. Мирзиёевнинг асарлари

1. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018.

2. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

3. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018.

4. *Мирзиёев Ш.М.* Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаёвон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019.

5. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020.

6. *Мирзиёев Ш.М.* Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: «O‘zbekiston» нашриёти, 2021.

7. *Мирзиёев Ш.М.* Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// <http://uza.uz/posts/298190>

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

1. *Каримов И.А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

3. *Каримов И.А.* Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида – Т.: Ўзбекистон, 2011.
5. *Каримов И.А.* Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажиги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир – Т.: Ўзбекистон, 2015.

Монографиялар, рисолалар, мақолалар

1. *Азизхўжаев А.* Чин ўзбек иши. Монография. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
2. *Қўчқоров Р.* Мустақиллик – ҳуқуқ, имконият, масъулият. – Тошкент: «Маънавият», 2015.
3. *Хўжамурадов И., Суванов И.* Миллий ғоя ва ўзликни англаш. Монография. – Тошкент: «Чашма-принт», 2014.
4. *Муҳаммадиев Н.Э.* Ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафқураси. Монография. – Тошкент: ТошПТИ, 2018.
5. *Мухтаров А.* «Харакатлар стратегияси – мамлакатни ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий ва мафқуравий асослари: ижтимоий-фалсафий назария ва амалиёт» Монография. – Тошкент: «Фан ва технология», 2018.
6. *Яхшиликов Ж.Я., муҳаммадиев Н.Э.* Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Монография. – Т.: Фан, 2017.
7. *Назаров Қ.* Ғоялар фалсафаси. – Т.: Akademiya, 2011.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1–5 жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006–2008.
9. *Тўхлиев Н. ва бошқ.* Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.
10. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: «Шарқ», 1998.
11. *Авесто.* Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: «Шарқ», 2001.

12. *Ҳомидий Ҳ.* «Авесто»дан «Шоҳнома»га . – Т.: «Шарқ», 2007.
13. Афлотун. Давлат: насрий достон. – Т.: Янги аср авлоди 2015.
14. Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдли Ж 1 – Т.: Ўқитувчи, 1995.
15. Темур тузуклари. – Т : Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр , 1996.
16. *Мўминов И.М.* Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Ёзма манбалар маълумоти асосида // Унинг ўзи. Танланган асарлар Биринчи том. – Т.: Фан, 1969.
17. *Муҳаммадиев Н.Э.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. Дарслик. Иккинчи нашр. – Т.: ИИВ Академияси, 2014.
18. Амир Темур васияти // Амир Темур ўғитлари (Тўплам). – Т.: Наврўз, 1992.
19. *Туленов Ж., Фафуров З.* Мустақиллик ва миллий тикланиш. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
20. *Термизий Ҳожа Самандар.* Дастурул-мулук: Подшоҳларга қўлланма. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
21. *Иброҳимов А., Суятонов Х., Жураев Н.* Ваган туйғуси – Т.: Ўзбекистон, 1996.
22. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.
23. *Аҳтамзода Деҳнавий.* Ишлаб чиқаришни роботлаштириш: афзалликлар ва нуқсонлар// <https://ictnews.uz/uz/08/01/2019/robotlashtirish/>
24. *Омонов Б.* Коррупция ва миллий тараққиёт: Муаммо ва ечим. // <https://xs.uz/uzkr/post/korruptsiya-va-millij-taraqqiyot-muammo-va-echim>
25. *Бурханов А.* «Коррупция даражаси – мамлакат тараққиёти ва демократиясининг кўрсаткичи ҳисобланади»// <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/05/akmal-burkhanov/>

26. *Ҳамидов Б.* Ўзбекистондаги коррупция хавфи бўлган соҳалар // Экономическое обозрение №4 (244) 2020. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-korruptsiya-dinamikasi>

27. *Хидиров Ҳ.* Глобал коррупция ижтимоий-маданий инкироз оқибати. // Фалсафа. Дарслик. – СамДУ. 2021. – Б. 500.

ИЛОВАЛАР

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ – БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига
бағишланган тантанали маросимдаги нутқи*

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун юртимизда улуғ байрам, катта тантана. Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи жонажон Ватанимиз истиқлолининг шонли ўттиз йиллик тўйини зўр шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

«Янги Ўзбекистон» деб ном олган мана шу муаззам боғда биз бугун биринчи марта Мустақиллик байрамини ўтказмоқдамиз. Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, эл-юртимиз асрлар давомида озод ва эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб яшади. Бу муқаддас мақсад йўлида жон олиб, жон бериб курашди, машаққатли синовларни мардона енгиб ўтди.

Халқимиз қалбидаги хуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга кўхна тарихимизнинг ўзи гувоҳ.

1991 йил 31 август куни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улуғ орзусига эришди – ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди.

Бугунги қутлуғ айёмда барчамиз, бутун халқимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов номини, у кишининг бевосита раҳбарлигида, халқимизнинг матонати ва жасорати билан амалга оширилган улкан ишларни эсга олишимиз табиийдир.

Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида муҳим ишлар бажарилди. Қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси ишлаб чиқилди. Замонавий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди.

Миллий валютаимиз – сўм жорий қилинди, олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлигимиз тикланди.

Мухтасар айтганда, кўпни кўрган халқимиз ўзининг мустақам иродаси ва матонати, беқиёс салоҳиятини намоён этиб, тарихан қисқа фурсат ичида улкан таракқиёт йўлини босиб ўтди.

Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Мана шундай буюк тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб қилганидан кўпчилик ватандошларим қатори мен ҳам бахтиёрман.

Ҳурматли тантана қатнашчилари!

Биз бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини бар-

по этмоқдамиз. Шу мақсадда аввало бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Бугун дунёда ва минтақамизда, чегараларимизда кескинлик, турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бу масаланинг қандай беқиёс аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Давлат ва жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, мамлакатни модернизация қилиш, бу жараёнда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Кўп йиллардан буён жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролик масаласи бўйича чақириғига жавобан 2020 йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Маълумки, мустақил ва кучли суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийликни қарор топтиришнинг асосий шартидир. Бу йўналишдаги устувор вазифаларга доир 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда улар асосида жиддий амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида мен куни кеча Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир муҳим фармонга имзо чекдим. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв этилиб, ўз оиласи ва яқинлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси тарихда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Муҳтарам юртдошлар!

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган беш йиллик вақт барчамиз, бутун мамлакатимиз, халқимиз учун кескин синовлар даври бўлди. Айниқса, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хулосасига кўра, пандемия Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё миқёсида юз берган энг улкан синовдир.

Ёдингизда бўлса, биз пандемия бошланган илк кунларда бу қийинчиликлардан янада тобланиб, кучли ва қудратли бўлиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Яратганининг инояти, эл-юртимизнинг аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг қўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди.

Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янги-ча сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, ҳозирги қийин ва мураккаб шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг санокли мамлакатлари қаторида молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини тиклаш ва иқтисодий фаолликни оширишга эришиб келмоқда.

Мана, яқинда Америка Қўшма Штатларининг «J.P. Morgan» инвестиция банки томонидан эълон қилинган «Ўзбекистон: юк-

салиш йўли» номли таҳлилий ҳисоботда ҳам айти шу фикрлар баён этилган.

Шу ўринда иқтисодиётимиздаги таркибий ислохотлар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишни зарур, деб биламан.

2017–2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Бу ҳақда гапирганда, ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга кўпайганини таъкидлаш лозим. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369 триллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизга ўсди. Натижада саноат маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,5 фоиздан 27,4 фоизга кўтарилди.

Иқтисодий соҳани, жумладан, божхона тартибларини либераллаштириш туфайли 2020 йилда экспорт ҳажми 15,1 миллиард долларни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсди.

Ислохотларимиз самарасининг турли халқаро рейтингларда тан олинishi мамлакатимиз учун халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятини яратди. Жумладан, жорий йилда 635 миллион долларлик ва 2,5 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари, Ипотека банкининг 785 миллиард сўмлик ва «Ўзавтомоторс» акциядорлик жамиятининг 300 миллион долларлик корпоратив облигациялари чет эл инвесторларига сотилди.

Сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган ишончини кескин оширишга муваффақ бўлдик. Инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқа муддатда 2,1 мартага, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробарга яқин ўсгани ҳам бунинг исботидир.

Ўтган уч йил мобайнида солиқ соҳасида янги тизим жорий этилди. Солиқлар сони сезиларли даражада камайтирилди, айланма маблағдан олинadиган солиқлар бекор қилинди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиб, ушбу солиқ занжирининг яхлит тизими яратилди.

2017–2020 йилларда банкларимиз капиталини 5,7 баробар ёки 5 миллиард долларгача оширишга эришдик.

Электроэнергетика, нефть-газ, коммунал соҳаларда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида давлат бошқаруви ва хўжалик функциялари бир-биридан ажратилди, рақобат муҳитини яратиш учун муҳим қадамлар ташланди.

Айни пайтда янги-янги инфратузилма тармоқлари барпо этилди. Минглаб километр узунликдаги янги йўллар, электр ва газ тармоқлари қурилди ва таъмирланди.

Жамоат транспорти изчил ривожланмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ҳамда қарийб 12 километрлик ер усти метро линияси фойдаланишга топширилди.

«Сергели» йўналиши бўйича 6,2 километрлик қурилиш ишлари яқунланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда кўплаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шулар қаторида яқинда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг қиймати 2 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига тамал тоши қўйилганидан барчангиз хабардорсиз.

Куни кеча Навоий вилоятининг Кармана туманида 110 миллион доллар инвестиция ҳисобидан ишга туширилган қуёш электр станцияси Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан қадам бўлди.

Айни пайтда «Навоийазот» акциядорлик жамиятида иккита янги завод – азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар эвазига «Навоийазот»да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ошади.

Бундай муҳим воқеалар миллий саноатимиз тарихида янги давр бошланаётганидан далолат беради.

Юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада 1 миллион 400 мингта янги иш ўрни яратил-

ди. Бу корхоналарнинг ярмидан кўпроғи кейинги уч йилда ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида 16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди. Ўтган бир йил давомида лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди ҳамда уларни бериш муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди. Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қулай шароит яратиш натижасида бир йилда 500 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди.

Тадбиркорлик соҳасидаги мана шундай ёндашув натижасида Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш» халқаро рейтингда Ўзбекистон беш йил ичида 141-ўрндан 69-ўринга кўтарилди. Албатта, бу жиддий кўрсаткич, аммо у ҳали бизни қониқтирмайди. Шунинг учун биз ушбу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Хабарингиз бор, яқинда тадбиркорлар билан янги форматдаги учрашув ўтказдик. Унда мамлакатимиз бўйича 10 мингдан зиёд ишбилармонлар қатнашди. Очиқ мулоқотга тайёргарлик доирасида 15 мингдан ортиқ таклиф ва ташаббуслар атрофлича ўрганилиб, тадбиркорлар кўтарган масалалар бўйича амалий чоралар белгиланди.

Биз миллий иқтисодийимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодийнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир. Мана шу ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Бугунги кунда замонавий иқтисодийнинг энг истиқболли соҳаси бўлган ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда. Шу мақсадда ўнлаб ИТ-парклар, кичик саноат зоналари, соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган

ўқув масканлари, иқтидорли компьютер дастурчилари учун махсус лойиҳалар ташкил этилмоқда.

Аҳолимизнинг катта қисми яшайдиган қишлоқ жойларини ривожлантириш ва обод қилиш, аграр соҳанинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Биз қишлоқ хўжалигида нархлар шаклланишига давлат аралашувини бекор қилдик, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси тугатилди. 122 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Қишлоқ хўжалигини молиялаш тизими қайта кўриб чиқилмоқда.

Биз ҳудудларни тармоқлар билан бирга комплекс ривожлантириш бўйича янги тизимни жорий этдик. Бунинг натижасида ҳудудларнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, 2021 йилнинг ўзида маҳаллий дастурлар учун қўшимча 3 триллион сўм маблағ шакллантириш имконияти пайдо бўлди.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг оғир дамлари ортда қолмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш суръатини аҳолининг реал ялпи даромади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсганида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 миллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,1 баробарга оширилди.

Мана, яқинда қабул қилинган Фармонга биноан, мамлакатимизда 1 сентябрдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини яна оширдик. мунтазам яхшилаб боришга жиддий аҳамият қаратамиз.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига ҳос янги тизими яратилганидан барчангиз яхши хабардорсиз. «Темир дафтар», «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари», «меҳр дафтари», «маҳаллабай» ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда.

Ислоҳотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида жами 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Бу ишларнинг барчаси «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик» деган эзгу даъват асосида амалга оширилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб келмоқда. 2017–2020 йиллар давомида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-жойлар бунёд этилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ошди. Республикамизда ипотека тизими изчил ривожланмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, юртимизда илгари ҳеч қачон бундай катта кўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилмаган.

Оғир турмуш шароитида яшаётган оилаларнинг уй-жой бўйича бошланғич бадаллари давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Бу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилади, шу йилнинг ўзида яна 50 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланади.

Қадрли дўстлар!

Давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳалари ҳал қилувчи ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳаси, унинг фаолият мазмуни тубдан ўзгармоқда, десак, янглишмаган бўламиз. Аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга кўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва касалхоналарнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тез тиббий ёрдам тизими замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, молиявий таъминоти кучайтирилди.

2016 йилда мавжуд бўлган 800 та «Тез ёрдам» шохобчасининг сони бугунга келиб 1 минг 666 тага етказилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони эса 1 минг 648 тадан 2 минг 685 тага кўпайтирилди.

Маълумки, илгари кўплаб юртдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга боришга мажбур эди. Кейинги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид ислохотлар натижасида бундай амалиётлар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Республикамиз аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатаётган марказлар сони 2016 йилда 10 тани, уларнинг ҳудудий филиаллари эса атиги 2 тани ташкил этарди. Бугунги кунда бундай марказларнинг сони 20 тага етказилди, жойларда эса 124 та филиал фаолияти йўлга қўйилди. Бу ишни давом эттириб, жорий йилда яна қўшимча 48 та ҳудудий филиал ташкил этилади.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни ўз вақтида бошлаб, тўғри йўл танлаганимиз учун кутилмаган пандемия қаршисида саросимага тушиб қолмадик. Халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш мақсадида зудлик билан барча тадбирларни ишлаб чиқдик. Жумладан, коронавирусга қарши курашиш учун махсус тиббий марказлар ташкил этилди. Дори-дармон ва ҳимоя воситаларининг захираси шакллантирилди.

Ҳудудларда ишга туширилган 60 та кислород станцияси тегишли шифохоналарни кислород билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

2021 йил учун давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилиб, аҳоли соғлиғини сақлаш ва коронавирусга қарши эмлаш чораларини кўряпмиз.

Халқимизни тезкор ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилади.

Азиз ватандошлар!

Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган ҳикматли сўзларини мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман.

Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув бизнинг ушбу соҳадаги фаолиятимиз мезонига айланди. Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса – бутун жамиятимиз ўзгаради.

Шу боис биз узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Таълим-тарбиянинг бошланғич бўғини бўлган мактабгача таълим тизимидаги ўзгаришлардан ҳаммангиз яхши хабардорсиз. Соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

2017 йили юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият юритган бўлса, жорий йилда бу рақам – тасаввур қилинг – 19 минг 316 тага етди. Давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳамда оилавий боғчаларнинг жорий этилиши, бир қатор имтиёзлар берилиши туфайли 13 мингдан зиёд нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ислохотлар натижасида биз мактабгача таълимга қамров даражасини 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етказишга эришдик.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биргина 2020 йилни оладиган бўлсак, юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Таълим соҳасида янгича ёндашувлар фаол жорий этилмоқда. Ўзингиз айтинг, бундан тўрт-беш йил олдин республикамизда хусусий мактаб ёки боғча бўлишини тасаввур қилиш мумкинми?

Биз бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиб, янги тартиб-қоидаларни, замонавий таълим усуллари жорий этмоқдамиз. Жумладан, хусусий мактаб очиш учун лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Нодавлат таълим масканлари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани туфайли ҳозирги вақтда уларнинг сони 195 тага етди.

Буларнинг барчаси ўз ижобий натижасини бермоқда. Буни 2017-2020 йилларда ўқувчиларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 30 та медални қўлга киритгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ёшларни талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш учун ўтган ўқув йилида 339 та касб-ҳунар мактаби, 194 та коллеж ва 195 та техникум фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ислохотларимиз талаби, ҳаётнинг ўзи олий таълим соҳасини жадал ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу боис юртимизда сўнгги 5 йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди.

Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан – шунга эътибор беринг – 28 фоизга етказилди. Яқин келгусида ушбу кўрсаткични 50-60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, авваламбор, ёшларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда жорий йилда ногиронлиги бўлган ёшлар учун – 3 минг 155 та, «Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчилари учун – 1 минг 580 та, кам таъминланган оилаларга мансуб хотин-қизлар учун – 2 мингта қўшимча қабул квоталари давлат гранти сифатида ажратилди.

Бугунги кунда янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар ёшларимиз жаҳон майдонларида турли соҳа ва йўналишларда юксак марраларни эгалламоқда.

Мана, яқинда Японияда бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида моҳир спортчиларимиз ғолиб ва совриндор бўлиб, барчамизни қувонтирдилар.

Айни кунларда Токиода ёзги Паралимпия ўйинлари қизгин давом этмоқда. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон жамоаси аъзолари бугунги кунга қадар 5 та олтин, 4 та кумуш, 6 та бронза медалларини қўлга киритиб, ўзларининг тенгсиз матонатини намён этмоқдалар.

Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган мана шу жасоратли ўғил-қизларимизга янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун мустақиллигимизнинг биринчи йилида туғилган болалар ўттиз ёшга – айни камолот ёшига етди. Мен мана шу навқирон ёшларимизга, азиз ўғил-қизларимга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Сиз истиқлол фарзандлари, озод ва эркин, хур фикрли инсонлар сифатида ҳаётга дадил кириб келаётганингиз биз учун энг катта бахт, катта давлатдир.

Мен ишонаман, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини пухта эгаллаб, биз бошлаган ишларни муносиб давом эттирасиз.

Юксак ғайрат-шижоатингиз ва фидокорона меҳнатингиз билан юртимизда Янги Ўзбекистонни – Учинчи Ренессансни бунёд этишга албатта қодир бўласиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз фарзандларим! Сизларга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин!

Муҳтарам ватандошлар!

Ҳаммангиз гувоҳи бўлиб турибсиз, сўнгги йилларда биз «Халқ ва армия – бир тану бир жон» деган эзгу тамойил асосида Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш, давлатимиз-

нинг мудофаа салоҳиятини ошириш бўйича муҳим ислоҳотларни амалга оширдик. Миллий гвардия, Давлат мудофаа саноати кўмитаси тузилди.

Соҳада замонавий кадрларни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг оила аъзоларини, ҳарбий пенсионерларни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда миллий армиямизнинг тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир жанговар кучга айланиб бораётгани бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Албатта, армия фақат қурол ва аслаҳа билангина кучли ҳисобланмайди. Армия аввало она Ватан учун жонини ҳам аямайдиган ҳарбийлар – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар билан кудратлидир.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида Ватан ҳимоячиси бўлишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган ҳақиқий баҳодир, марди майдон фарзандларимиз хизмат қилмоқда. Улар Амир Темур, Жалолиддин Манғуберди, Бобур Мирзо каби буюк боболаримизнинг жанговар маҳоратини шараф билан давом эттирмоқда.

Ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчини виждонан бажаришга қасамёд қилган мард ва жасур посбонларимизнинг фидокорона хизматлари ва жасоратини барчамиз яхши биламиз ва юксак кадрлаймиз.

Ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ва масъулиятли ишга бағишлаган ва бунинг учун ҳар қунда, ҳар дақиқада амалда ишлатилган она юрт қалқонлари бизнинг фахримиз ва ғуруримиздир.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс ҳавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бунинг учун энг қуйи тизим – профилактика инспекторлари тизими замонавий тузилма сифатида шакллантирилди. Улар эндиликда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда 2017 йилга нисбатан жиноятлар сони 12 мингга камайгани, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра эса, мавжуд

9 минг 251 та маҳалладан қарийб 50 фоизида биронта ҳам жиноятга йўл қўйилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу албатта ислохотларимизнинг ижобий самарасидан далолат беради ва бу ишларимизни изчил давом эттиришни тақозо этади.

Қадрли тантана иштирокчилари!

Мамлакатимиз янгиланиш даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб биз очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиб келаётганимиз сизларга яхши маълум.

Ўтган қисқа даврда Ватанимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Авалло, минтақамиздаги давлатлар билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди. Чегаралар очилди, одамлар қавму қариндошлари билан алоқаларини тиклаб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошлади.

Жаҳон сиёсатшунослигида «Марказий Осиё руҳи» деган ибора пайдо бўлди. Халқаро майдонда минтақа номидан янги ташаббуслар илгари сурила бошланди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Яқинда Туркманистонда бўлиб ўтган навбатдаги маслаҳат кенгашида ҳамкорликнинг янги, истикболли йўналишлари белгилаб олинди.

Сўнгги кунларда ён қўшнимиз Афғонистонда юз бераётган воқеаларни ҳаммамиз ташвиш билан кузатиб турибмиз. Биз бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдоримиз.

Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашда кўприк вазифасини бажара олишига ишонамиз.

Афғонистон билан алоқаларимизда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ички ишларга аралашмаслик тамойилларига содиқ қоламиз.

Ушбу мамлакатда ҳокимият транзити халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларини инобатга олган ҳолда, миллий келишув асосида тинч йўл билан амалга оширилиши ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ўтган даврда Россия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатлар билан самарали битим ва келишувларга эришдик. Америка Қўшма Штатлари ва Ғарб давлатлари билан прагматик ҳамкорлик сари янги қадамлар ташланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичда давом этирилмоқда. 2019 йилда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлдик. Бу мамлакатимиз учун халқаро майдонда янги иқтисодий, сиёсий ва маданий имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кузатувчи давлат мақомида қисқа даврда самарали алоқаларни йўлга қўйишга эришди. 2020 йилда мамлакатимиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида раислик қилди. Бу давр пандемия шароитида ўтганига қарамасдан, Ўзбекистоннинг бу борадаги фаолияти муваффақиятли ташкил этилди ва юқори баҳоланди.

Бу йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раислигини қабул қилиб оламиз ва унинг келгуси йили ўтадиган Саммитига пухта тайёргарлик кўраяпмиз.

Иқтисодий дипломатия воситаларидан самарали фойдаланиш республика экспорти ва инвестициялар оқимида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Чет эллардаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлашга, улар билан самарали ҳамкорлик қилишга катта эътибор берилмоқда. Улар республикаимиздаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга жалб қилинмоқда. Яқинда ана шундай муҳим вазифалар билан бевосита шуғулланадиган «Ватандошлар» жамоат фондиди ташкил этганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айни пайтда узоқ-яқиндаги барча тараққийпарвар мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш бизнинг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

Бугунги кувончли кунда биз билан давраимизда ўтирган хорижий давлатларнинг мухтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига тинчлик ва равнақ тилаймиз. Хусусан, тантанамизда иштирок этаётган Франция Сенатининг хурматли вакилларига чуқур эҳтиромимизни билдираемиз.

Хурматли юртдошлар!

Ҳаммангизга яхши маълумки, шу йил 24 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

Сўнги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқаро экспертлар таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Бу галги Президент сайловлари илк бор 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади.

Бу сайлов барчамиз учун Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти қандай йўлдан боради, фарзандларимиз, оиламиз, мамлакатимиз келажагини қандай барпо этамиз, деган ҳал қилувчи саволларга жавоб берадиган ғоят муҳим сиёсий тadbирдир. Шунинг учун ушбу сиёсий жараёнга кўпмиллатли халқимиз ҳам, жаҳон ҳамжамияти ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан қарамоқда.

Сайловда дунёнинг 50 га яқин мамлакати ҳамда ўнлаб халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Шу маънода, бўлғуси сайловлар юксак демократик мезонлар асосида ўтади ҳамда янги Ўзбекистон халқининг ўсиб бораётган сиёсий тафаккурини, ижтимоий фаоллиги ва маданий савиясини яққол намоён этади, деб ишонаман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Биз кейинги йилларда белимизни маҳкам боғлаб, миллий манфаатларимизни таъминлаш, халқимизни рози қилиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ғоят муҳим натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Энг асосий натижа – бошлаган ислохотларимиз ортга қайтмайдиган муқаррар тус олганида, бугунги жамиятимизнинг маънавий уйғонишида намоён бўлмоқда.

Маънавий уйғоқ жамиятни, ўз олдига улкан вазифалар қўйиб, келажак сари ишонч билан бораётган халқни ҳеч ким ўз йўлидан тўхтата олмайди. Бундай халқни Яратганимиз ҳам қўллаб-қувватлайди, доимо йўлини очиб беради.

Бугун миллион-миллион ватандошларимизнинг онгу тафаккури ўзгариб, улар ислохотлар жараёнига ўзини бевосита дахлдор деб билмоқда, бу ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аждодларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади.

Мен сиз, азизларни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимизни ана шундай улуғ ва шарафли сафда – янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида кўриб турганимдан бахтиёрман.

Орадан ҳали қанча йиллар, асрлар ўтади. Юртимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Миллий давлатчилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай бекиёс имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин, ўчмас саҳифа бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз кадрдонларимни, мўътабар нурунийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, азму шижоатли

ёшларимизни, бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мана шу муборак айёмда барча ютуқларимизнинг бунёдкори бўлган меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри билан таъзим қиламан.

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган она халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон эзгу мақсадларига етсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

Президент Шавкат Мирзиёев

<http://uza.uz/posts/298190>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
-------------	---

I БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҒОЯВИЙ- МАФКУРАВИЙ АСОСИ	9
--	----------

1-§. Мустақиллик – мустақиллик фалсафасининг бош категорияси	9
2-§. Мустақиллик фалсафасининг вужудга келиш сабаблари, унинг объекти ва предмети	15
3-§. Мустақиллик фалсафасининг қонун ва категориялари	22
4-§. Мустақиллик фалсафасининг метод ва принциплари	25
5-§. Мустақиллик фалсафасининг мақсади, вазифа ва функциялари	34
6-§. Мустақиллик фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти	37

II БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ	40
--	-----------

1-§. Иқтисодий мустақиллик ва уни амалга ошириш шартлари	40
2-§. Сиёсий мустақиллик: таърифи, маъноси ва атрибутив белгилари ..	52
3-§. Маънавий-маданий мустақиллик – миллий кадриятларни ташлаш ва ривожлантириш омили	55

III БОБ. МУСТАҚИЛЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ҒОЛИЯТИНИНГ ҲАЁТИЙ ЗАМИНИ	57
--	-----------

1-§. Мустақилликнинг – давлат суверенитетини мустаҳкамлашдаги сиёсий-ҳуқуқий манбалари	58
2-§. Мустақилликнинг – эркин ва фаровон яшашини таъминлашдаги иқтисодий замини.	61
3-§. Мустақилликнинг – ўзбек халқи маданий борлигини таъминлашдаги маънавий-маърифий асослари	64

IV БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИ – АДОЛАТ УЧУН КУРАШНИНГ ҒОЯВИЙ – МЕТОДОЛОГИК АСОСИ	70
---	-----------

1-§. Адолат – мустақиллик фалсафасининг ғоявий таянчи	70
---	----

- 2-§. Адолат ғояси – кишилар фаолиятининг кузгуси ва ҳаками..... 82
3-§. Адолатсизлик: шакллари ва унга қарши кураш чора-тадбирлари ... 89

**V БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИ – ТЕХНИКА ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСИ..... 96**

- 1-§. Мустақиллик фалсафаси – фан ва техника инқилобини
тарихий босқичларга ажратиш таҳлилининг ғоявий асоси 96
2-§. Мустақиллик фалсафаси – мамлакат техник ва технологик
тараққиёт йўлини белгилашнинг илмий-методологик асоси 101

**VI БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – МУСТАҚИЛЛИК
ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИДАН
БИРИ 108**

- 1-§. Коррупция тушунчаси ва унинг тур ва шакллари 108
2-§. Ўзбекистонда коррупцияни кўзгатувчи омиллар ва уни
бартараф этиш чора-тадбирлари 111
3-§. Коррупциялашган соҳалар ва уларни бартараф этиш
чора-тадбирлари..... 114
4-§. Ўзбекистон давлатининг коррупцияга қарши курашдаги
стратегия ва тактикаси 118

- ХУЛОСА 130
Фойдаланилган адабиётлар 132
ИЛОВАЛАР 139

КАРИМОВА РАЪНО МАЛИКОВНА

**МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИ –
МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ АСОСИ.**

Монография
"TAMADDUN"
2022

Мухаррир *Х.Зокирова*
Техник муҳаррир *Ж.Мейлиев*
Компьютерда саҳифалочи *К.Г. Голдобина*

Нашриёт лиц АIN№ 247. 02.10.2013й.
Босишга рухсат берилди 21.06.2022. Қоғоз бичими 60×84^{1/16}.
Ҳажми 9,3 босма табоқ. Адади 100 нусха. Буюртма №42.

"ELNUR-PRINT" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш. Навоий кўчаси 30 уй.